

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳукукида

УДК 495:494.3

Базарова Шахло Шухратовна

**КОРЕЙС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СЎЗ ЯСАЛИШИ
ТИЗИМИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАХЛИЛИ**

(иш узбек тилида ёзилган)

Мутахассислик: 5А 120102 – Лингвистика (корейс тили)

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар:
доц . А.С.Раҳимов**

Самарқанд – 2013

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институти инглиз тили тарихи ва грамматикаси кафедрасида бажарилди.

Расмий тақризчилар:

СамДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти, ф.ф.н. Ш. Махмадиев

СамДЧТИ ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти, ф.ф.н Г. Каримова

Ҳимоя Самарқанд давлат чет тиллар институти қошида тузилган магистрлик академик даражасини олиш учун диссертация ҳимояси бўйича ихтисослашган комиссиянинг 2013 йил 28 июнь кунги мажлисида ўтказилган.

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институти ахборот ресурс марказида танишиш мумкин.

Мундарижа

Кириш.....	4
1-боб. Сўз ясалишининг ўрганилиш тарихидан	
1.1. Сўз ясалишининг тилшунослик тарихида ўрганилиши.....	9
1.2. Ички форма ва унинг сўз ясалиши талқинида тутган ўрни ҳақида.....	12
1.3. Сўз ясалиши таҳлилининг морфологик босқичи.....	19
1.4. Сўз ясалиши тилшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида.....	27
Боб бўйича хулоса.....	30
2-боб. Сўз ясалишининг формал-семантик таҳлили	
2.1. Сўз ясалишининг морфологик таҳлили.....	32
2.2. Сўз ясалиши ва ясама сўзлар муносабати масаласи.....	37
2.3. Сўз ясалиш усуллари тавсифи.....	40
2.4. Сўз ясалиш типи ҳақида маълумот.....	48
Боб бўйича хулса.....	55
3-боб. Ўзбек ва корейс тилларида сўз ясалиши	
3.1. Лексик деривация типларининг ўзбек ва корейс тилларида воқеланаши.....	58
3.2. Ўзбек ва корейс тилларида сўз ясалиш структураси.....	62
3.3. Ўзбек ва корейс тилларида сўз яшаш усуллари	64
3.4. Сўз туркумларида сўз ясалиши.....	68
3.5. Отларнинг ясалиши.....	69
3.6. Сифатларнинг ясалиши.....	77
3.7. Феълларнинг ясалиши.....	82
3.8. Равишларнинг ясалиши.....	86
Боб бўйича хулоса.....	89
Умумий хулосалар.....	91
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	96

Кириш

1992 йил Ўзбекистон Корея билан дипломатик алоқалар ўрнатилгандан буён икки давлат ўртасида ўзаро дўстлик, ҳамкорлик алоқалари такомиллашиб келмоқда. Корея Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулудда ва мухтор елчиси Кюнг Же Мин “Жаҳон” ахборот агентлигига берган интервьюсида “Корея ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги алоқалар 1400 йилдан ортиқ тарихга ега”¹. Дарҳақиқат, Ўзбекистон ва Корея муносабатлари нафақат мустақилликдан сўнг, балки ундан ҳам анча аввалги даврларга бориб тақалади. Бунинг ёрқин мисолини Афрасиёб деворий суратлардаги тасвирлардан ҳам кузатиш мумкин. Ана шу тарихий илдизлар Ўзбекистон мустақил бўлган илк кунлариданоқ яна қайтадан тикланди.

Призедентимиз И.А.Каримов корейс халқига ҳамиша чуқур ҳурмат билан муносабатда бўлиб келаётганлари, ўз нутқларида, асарларида ибрат сифатида эътироф этадилар. Хусусан, “Юксак маънавият- енгилмас куч” асарларида: “Япон ва корейс халқи асрлар даврида шаклланиб, катта бунёдкор кучга айланган, ўзига хос миллий маънавияти ҳисобидан ҳам ривожлангани бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун “япон мўъжизаси” ёки “корейс мўъжизаси” ҳақида гап кетганда, таниқли экасперт ва мутахассислар ҳам биринчи галда “япон характери”, корейс табиати” деган иборани тилга олади. Табиийки, улар бу ўринда аввало мазкур халқларга мансуб маънавий фазилатларни назарда тутди” (И.А.Каримов.2008:27).

Мазкур асарнинг бошқа бир ўрнида таъкидланганидек, “Ўйлайманки, ер юзида қанча инсон, қанча тақдир бўлса, ҳар бирининг ўз маънавий олами бор. Маънавиятни тушиниш, англаш учун аввало инсонни тушиниш, англаш керак.” (И.А.Каримов.2008:29). Инсоннинг маънавий оламини акс эттирувчи кузгу эса тилдир. Шундай экан, муайян бир халқ билан ўрнатилган яқин муносабатнинг бардавом бўлиши унинг тилини чуқур

¹ Xalq so'zi, 2010-yil, 17-yanvar, 4-son (4919), 1-bet.

билиш билан ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ана шуни эътиборга олган Юртбошимиз: «Бугунги кунда жаҳон ҳамжиамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун чет эллик шерикларимиз билан ҳамжиҳатликда ва ҳамкорликда ўз буюк келажагини кураётган халқимиз учун хорижий тилларни мукамал билишнинг аҳамиятини баҳолашнинг ҳожати йўқдир», -деб эътироф этган эдилар (И.А.Каримов. 2012: 31).

Мавзунинг долзарблиги. Мазкур диссертация учун танланган мавзунинг долзарблиги унинг ана шундай эзгу ниятлар билан боғлиқлиги орқали кўзга ташланади. Бинобарин, мустақиллик шарофати билан ўзбек ва корейс халқлари ўртасида ўрнатилган яқин муносабат бу икки халқнинг тилини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратишни тақозо эта бошлади. Ўзбек ва корейс тилларининг бой хазинаси ҳисобланмиш луғавий бирликлар ва уларнинг деривацион қонуниятларни лингвистик тадқиқотлар ёрдамда кузатиш, бу халқлар тилидаги ўзаро яқинликни англашда муҳим аҳамият касб этади.

Тилларнинг типологик тавсифи қиёсланаётган тилларнинг ўзига хос ўхшаш жиҳатларини аниқлаш билан бир қаторда, уларга хос ички қонуниятларини чуқур ўзлаштиришга ҳам олиб келади. Бу бевосита ўзбек ва корейс тилларидаги сўзларнинг ясалишига ҳам дахлдордир. Чунки, айнан, сўз ясалиши ҳар бир тилнинг ички бойиш ва ривожланиш йўллариини кузатиш учун қулай имкониятдир. Ўйлаймизки, бу жиҳатлар ҳам ушбу иш учун танланган мавзунинг долзарблигини яна бир бор далиллашга хизмат қилади.

Мавзунинг тадқиқот даражаси. Ўзбек ва корейс тилларида лексик деривация ҳосаларининг қиёсий тадқиқи бўйича алоҳида жиддий монографик тадқиқотлар амалга оширилмаган. Бинобарин, корейс тилини ўрганишга бўлган қизиқиш ва бу тил бўйича олий таълим тизимида алоҳида мутахассис кадрларнинг тайёрлана бошланганига ҳам кўпи билан ўн йиллар бўлиб қолди. Бу муддат тилларинг қиёсий типологик манзарасини яратиш учун жуда камлик қилади. Шунинг учун ҳам ушбу

диссертацияни ёзишда асосан, ўзбек, рус, инглиз ва корейс тилларида яратилган илмий манбаларга таянилди.

Лексик деривация ҳодисасига доир илмий тадқиқотлар У.Турсунов, З.Маърупов, А.Ғуломов, А.Ҳожиев А.Мадрахимов, Б.Мадалиев каби каби ўзбек тилшунослари, А.А.Холодович, Ю.Н.Мазур, С.Мартин, Л.Р.Коцевич каби рус корейсшуносларининг корейс тили грамматикаси, лексикологиясига оид ишларда сўз ясалиши билан боғлиқ ҳолда муҳокама қилинганини кўриш мумкин. Албатта, бу ҳодисанинг тадқиқида Е.Курилович, И.И.Кавалик, Н.Д.Арутюнова, М.Доклул, Г.О.Винокур, Н.А.Янко-Тринская, А.Н.Тихонов, Е.С.Кубрякова, В.В.Лопатин, И.С.Улукханов, Н.М.Шанский каби умумий тилшунослик вакиллари томонидан ҳам муайян изланишлар олиб борилган. Мазкур тадқиқотларда эришилган натижалар бугунги кунда ўзбек ва корейс тилларининг сўз ясалиш тизими, уларнинг структур таҳлили, ясама сўзнинг нг компонент таҳлили билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда ҳам ўзига хос асос вазифасини ўтайди.

МДнинг мақсад ва вазифалари. Диссертация учун ўзбек ва корейс тилларида сўз ясаши орқали намоён бўладиган деривацион жараён, хусусан, лексик деривация ҳодисасининг қиёсий таҳлилини амалга ошириш мақсад қилиб қўйилди. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- мавзуга доир корейс ва ўзбек тилларига доир илий адабиётларни таҳлилий ўрганиб чиқиш;
- мавзуга доир илмий-назарий, амалий аҳамиятга эга бўлган мулоҳазаларни умумлаштириш;
- мавжуд мулоҳазаларга муносабат билдириш, корейс ва ўзбек тилларигиша оид тил фактларни тўплаш, таҳлил қилиш.

МДнинг методологик асосларини Призедент И.А.Каримовнинг асарларида илгари сурилган мустақиллик мафқураси ҳамда унинг маънавий асослари, хорижий тилларни ўрганишнинг аҳамияти ҳақидаги

фикрлари ташкил қилади. Шунингдек, ишда инсон маънавий оламининг кузгуси бўлган тилнинг тизимли ҳодиса эканлиги, уни ташкил этувчи унсурларнинг доимий диалектик тараққиёт билан боғлиқлиги ҳақидаги лингвофалсафий қарашларга ҳам метадологик асос сифатида таянилди.

МДнинг тадқиқот методлари: Ишда қиёсий-типологик таҳлил, функционал-семантик тавсиф, таснифлаш кабиларга кенг ўрин берилди. Шунингдек тадқиқот давомида трансформация, дистрибуция, компонент таҳлил каби лингвистик усуллардан фойдаланилди.

МДнинг илмий янгилиги: Ўзбекистонда корейс тилига бўлган эътибор олий таълим тизимида алоҳида мутахассис кадрлар тайёрлана бошлангандан кейин кучая бошлади. Бироқ ўтган қисқа давр мобайнида бу тилларнинг қиёсий типологик тавсифи бўйича БМИлар, МДлар даражасида илмий изланишлар олиб борилган бўлса ҳам, жиддий тадқиқотлар юзага келган эмас. Лексик деривация ҳодисасининг қиёсий таҳлиliga бағишланган мазкур МД ҳам бу борада амалга оширилган илк тажрибалардан биридир.

МДнинг назарий аҳамияти: Ишда жамланган лексик деривация ҳодисасига илмий мулоҳазалар, амалга оширилган қиёсий таҳлиллар келажакда мазкур муаммо бўйича олиб бориладиган илмий изланишлар учун тажриба манбаи сифатида хизмат қилиши мумкин.

МДнинг амалий аҳамияти. Диссертациянинг аҳамияти корейс тилини ўрганувчи ўзбек талабалари учун лексик деривация мавзусини чуқур ўзлаштиришда муҳим манба сифатида хизмат қилади. Зеро, сўз ясалиш ҳодисасининг лингвистик талқини, унинг деривацион тамойиллар асосида тадқиқ этишнинг қулайлиги, лексема ясалиш моделлари, типларининг қиёсланаётган тиллардаги муштарак ва фарқли жиҳатларига доир бой маълумотлар жамланган.. Ишда тўпланган ана шу маълумотлардан услубий тавсиялар, қўлланмалар яратишда ҳам фойдаланиш мумкин.

МДнинг материали ва манбаи. Ишнинг асосий тил материаллини

ўзбек ва корейс тилларига доир лексик деривацияга оид илмий мулоҳазалар, изоҳли ва таржима луғатларидан тўпланган мингдан ортиқ тил фактлари ташкил қилади.

МДнинг жамоатчилик синовидан ўтиши. Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институти умумий ва амалий тилшунослик кафедрасининг 2013 йил 23 майда бўлиб ўтган йиғилишида (№ 10-сон қарор) муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган. Тадқиқот мавзуси юзасидан СамДЧТИ илмий тўпламларида 2та мақола эълон қилинган. Шунингдек, мавзу бўйича СамДЧТИ магистр ва талабаларнинг анъанавий илмий конференцияларида маърузалар қилинган.

МДнинг тузилиши: Диссертация ишнинг умумий тавсифидан иборат кириш, уч боб, умумий хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, жами 97 саҳифа.

Биринчи боб

Сўз ясалишининг ўрганилиш тарихидан

1.1. Сўз ясалишининг тилшунослик тарихида ўрганилиши.

Тилшуносликда лексик деривация, яъни сўз ясалиши билан боғлиқ дастлабки тадқиқотлар хусусида гап борганда, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» асарида ўз аксини топган илмий мулоҳазаларни эсга олиш лозим бўлади. Зотан, айнан “Девону луғатит турк” асарида туркий тилларда сўз ясалишига доир дастлабки илмий тавсифлар кузатилади. А.Нурмоновнинг ёзишича, мазкур манбада туркий тилларнинг сўз ясалиш ҳодисасида марказий ўринга эга бўлган аффиксация усулига доир анчагина мукамал фикрлар учрайди. Хусусан, Маҳмуд Кошғарий отларнинг икки турини, яъни ясама ва туб отларни фарқлайди, ясама отларнинг бошқа туркумга мансуб сўзлардан келиб чиқиши мумкинлиги хусусида тўхталади. Шунингдек, олим сўз ясаш жараёни тузилиши жиҳатдан: 1) ясовчи асос, 2) ясовчи восита, 3) ясама каби узвлардан ташкил топишини қайд этади. Энг муҳими, Маҳмуд Кошғарий бу узвларни фалак қутб юлдузи атрофида айланиши қондаси каби ҳар қандай ясама сўзга татбиқ этиш мумкинлигини таъкидлайди². Шу асосда у сўз ясалиш ҳодисасининг доимий барқарор структуралар асосида воқеланишига биринчилар қаторида эътибор қаратади.

Маҳмуд Кошғарий томонидан сўз ясалишининг аффиксация усули мисолида қайд этилган бу типик ҳодиса кейинги давр тилшунослигида ҳам кенг муҳокама қилиб келинмоқда. Хусусан, замонавий тилшуносликда сўз ясалиш типи термини остида юритиладиган барқарор структуралар таҳлилига оид изланишлар мисолида ана шундай илмий изчилликни кўриш мумкин.

Сўз ясалишига доир шу сингари тарихий илмий мулоҳазалар Алишер Навоийнинг «Муҳокамат-ул луғатайн», Мирзо Меҳдихоннинг «Мабони-ул луғат» каби қатор асарларда ҳам ўз ифодасини топган. Бу асарларида от,

² Қаранг: Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи.-Т., 2002, 46-47-бетлар // Маҳмуд Кошғарий «Девону луғатит турк» 2-том. –Т.,1963.55-бет.

феъл ва бошқа туркумларга оид ясовчи аффикслар ҳамда ушбу аффиксларниг қаттиқ ва юмшоқ вариантлари, ясама сўзларнинг содда ва кўшма турларига доир маълумотлар ўз ифодасини топганлиги манбаларда алоҳида эътироф этилади³. Корейс тилшунослиги кўп асрлар мобайнида хитой ва япон тарихи билан боғлиқ ҳолда ривожлангани боис, бу соҳага доир алоҳида манбалар ўтган асрнинг бошларида вужудга кела бошлаган.

Тилшунослик ҳиссий тажрибага асосланувчи фан бўлгани боис, ундаги муайян бир қонуният бевосита тил фактлари таҳлили орқали ўз исботига эга бўлиши лозим. Лингвистик объектлар моҳияти ниҳоятда серқирра бўлгани боис, кўп ҳолларда, маълум бир муаммонинг тадқиқи асосида келинган хулосалар тилдаги бошқа бир ҳодисага оид қонуниятларнинг очилишига ҳам сабаб бўлади. Тарихида тилнинг соҳавий таҳлилига нисбатан, унинг умумий моҳиятини англаш устувор аҳамият касб этгани боис, сўз ясалиши ва умуман, деривацион ҳодисаларнинг назарий асосларига даҳлдор бўлган мулоҳазалар ҳам ана шундай мақсадларни кўзлаб амалга оширилган изланишлар билан боғлиқ ҳолда ўз ифодасини топган. Сўз ясалиш ҳодисасига даҳлдор бўлган шундай фикрларни Вильгельм фон Гумбольдтнинг илмий меросида учрайди.

Гумбольдт томонидан олиб борилган лингвистик изланишлар ниҳоятда серқирра бўлиб, манбаларда унинг қамрови қуйидаги соҳалар билан боғлиқ ҳолда қайд этилади: «инсоннинг билиш фаолиятида тилнинг вазифаси (лингвогносеология), инсон — маданият - тил муносабати (лингвокултурология), тил ва жамият алоқаси, тил ва шахс муносабати, тилнинг инсон амалий фаолиятига таъсирини ўрганиш (лингвопраксиология)»⁴. Ҳеч шубҳа йўқки, бу мулоҳазалар нафақат сўз ясалиши талқинида, балки ҳозирги давр тилшунослигининг янги-янги йўналишлар асосида ривож топишида ҳам ўзига хос пойдевор бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

³ Усмонов С. Умумий тилшунослик. –Т., 1972. 57-бет; Расулов Р. Умумий тилшунослик. –Т., 2010. 46-64-бетлар.

⁴ Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. - Тошкент, 2007. 192-бет.

Гумбольдтнинг фикрига кўра, тилга жонсиз махсул сифатида эмас, балки доимий жараён сифатида ёндашмоқ керак. Тил динамикасини англаш учун эса, унинг номинатив ва коммуникатив функциялари ва рухий фаолият ўртасидаги муносабатга аҳамият бериш талаб қилинади. Бироқ «тил системаси таҳлилида бундай йўлдан бориш ўзига хос қийинчиликлардан ҳам холи эмас. Чунки тил таркибан турли элементлар: сўзлар, қоидалар, аналогиялар ва шу каби истиснолар»дан иборат бўлиб, ана шу тарқоқ хусусийликларни умумлаштириб, яхлит ҳолда идрок этиш орқалигина ундаги жараёни илғаш мумкин. Бу вазифани амалга ошириш учун эса, «тилдаги умумий манбани ахтариб топиш» керак. Олимнинг фикрига кўра, «тил формаси» ана шундай таянч нуқта вазифасини бажаради. Унинг ёзишича: «халқ руҳиятининг муттасил фаолияти нутқ товушларининг маъно билан бириккан ҳолда, турли формаларда рўёбга чиқишини таъминлайди»⁵.

В.И.Кодуховнинг фикрига кўра: «Гумбольдт талқинидаги тил формаси қуйидаги уч омил билан боғланади: а) тил формаси руҳнинг доимий ва барқарор фаолияти туфайли нутқ товушларни маъно ифодаловчи восита даражасига кўтарилишини белгилайди, б) «тил формаси сўзлар воситасида ҳаракатга келувчи оддий агрегат эмас, балки ҳар бир элементнинг бошқа бир элемент билан узвийлиги туфайли барқарорлик топадиган системадир. Мазкур система ҳар бир тилда ўзига хос хусусиятлар асосида намоён бўлади, в) тил формаси моддий (материал) ва идрокий (идеал), шунингдек, ташқи ва ички формалар узвийлигидан таркиб топади». Шундай экан, тил формаси унинг систем барқарорлигини белгиловчи асосдир. Шунинг учун ҳам, «ҳалигача тилда бирорта янги бирлик ихтиро этилган эмас. Бунинг боиси, тилдан фойдаланиш ҳамиша унда аввалдан амал қилиб келган формалардан фойдаланишни тақозо этишидадир. Зеро, бу формалар нутқ жараёнида муайян ўзгаришга учраса ҳам, бу ўзгаришлар тил аналогияси доирасидан ташқарига чиқиб кета олмайди»⁶.

⁵ Гумбольдт В. О различии строения человеческих языков и его влиянии на духовное развитие человеческого рода // Хрестоматия по истории языкознания XIX-XX веков. –М.,1956. –С.73-75.

⁶ Кодухов В.И. Общее языкознание. –М.,1974. –С.28.

Дарҳақиқат, тил тараққиёти ва унинг ривожи тубдан янгиланишни эмас, балки тилда аввалдан мавжуд бўлган бирликларнинг турли структур ва семантик комбинациясини тақозо этади. Ўз навбатида, бундай комбинациялар асосида вужудга келадиган ҳосилалар ҳам йўқдан бор бўлиш ҳисобига юзага келмайди. Чунки тилдаги ҳар бир янгилик аналогик қонуниятлар доирасида содир бўлади.

Бундан келиб чиқадики, Вильгельм фон Гумбольдт томонидан илгари сурилган тил формаси ҳақидаги таълимот тил системаси ва бирликларига хос ички ҳамда ташқи формагагина эмас, балки мазкур бирликларнинг лексик, семантик деривацияси билан боғлиқ аналогик тажрибаларга ҳам дахлдордир. Бинобарин, тил бирликларининг деривацион изчилликни таъминловчи асосий воситалардан бири бўлган сўз ясалиш типлари, туб моҳиятига кўра, тил аналогияси билан муштаракдир.

1.2. Ички форма ва унинг сўз ясалиши талқинида тутган ўрни ҳақида. Гумбольдтнинг илмий меросидан ўрин олган ва сўз ясалиши билан бевосита боғлиқ бўлган назарий тушунчалардан яна бири, «ички форма»дир. В.А.Звегинцевнинг ёзишича, «Гумбольдт ички формани ички аналогия билан боғлиқ ҳолда, яъни унинг моҳиятини очиш мақсадида қўллагани боис унга аниқ бир таъриф бермаган»⁷. Т. Бушуй ва Ш. Сафаровларнинг фикрларига кўра, ички форма «Гумбольдт таълимотидаги марказий ғоялар қаторидан ўрин олмайди, ички шакл сўз бирикмасининг ўзи ҳам унинг охириги ишларида учрайди»⁸.

Гумбольдт меросида ички форма қай мақсадда қўлланганидан қатъий назар, тил ҳодисаларининг талқинида (хусусан, лексик ва семантик деривацион жараёнларни ўрганишда) мазкур тушунчанинг ўзига хос асос сифатида хизмат қилиб келаётганлиги унинг илмий қимматини белгилашга хизмат қилади. Хусусан, А.А.Потебнянинг ижоди мисолида ана шундай илмий изчилликни кузатиш мумкин. Бинобарин, айнан ана шу олим

⁷ Звегинцев В.А. «Внутренняя форма» и лексическое значение слова // Семасиология. –М., 1957. –С.186.

⁸ Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси –Т., 2007. 195-бет.

томонидан олиб борилган изланишлар натижасида, ички форма ҳақидаги таълимот, муайян бир объект ва муаммо билан боғлиқ ҳолда янада ривож топди. У туб ва ясама сўзлар семантик структурасининг таркиб топишида ички форма лингвопсихологик асос бўлиб хизмат қилишига эътибор қаратди. Унинг талқинида ички форма борлиқ – руҳий фаолият - маъно узвийлигини намоён этувчи восита даражасига кўтарилди.

А.А.Потебнянинг фикрига кўра, инсон борлиқдаги нарса ва ходисаларни кузатиш натижасида маълумотлар тўплайди ҳамда ушбу маълумотларни муқаддам жамғарилган билим ва тажрибаларга таянган ҳолда қайта ишлаш асосида янги-янги ифода бирликларини ҳосил қилади. У бундай мураккаб лингвопсихологик жараёни сўз ясалиши мисолида кузатади. Унинг ёзишича, «Муайян сўздан бошқа бир сўз ясалганда асосдаги маъно компонентларидан бири ҳосила учун ички форма вазифасини ўтайди. Масалан, *язвит* (оғритмоқ, азобламоқ) ясамаси учун *язва* асосидаги «оғрик» белгиси ички форма вазифасини бажаради»⁹.

Бундан келиб чиқадики, инсон учун номаълум бўлган объектларни ўзлаштириш ҳамда ифодалашда у муқаддам тўпланган билим ва тажрибаларга таянади. Ана шу асосда у ўз билимини кенгайтириш ва такомиллаштириш билан бир қаторда, тилнинг ривожига ҳам ҳисса қўшади. Бундай ижодий фаолият жараёнида индивидуллик ва ижтимоийлик мезонларига таянади.

А.А.Потебнянинг тадқиқида бу фаолият сўздаги объектив ва субъектив маъноларни фарқлаш асосида қайд этилади. Унинг ёзишича, «**субъектив маъно**» икки киши томонидан муайян бир сўз қўлланганда бир хил моҳият ифодаламаслиги мисолида кузатилади. Сўздаги «**объектив маъно**» туфайли эса кишилар бир-бирларини англаш имконига эга бўлишади. У объектив маънони «**яқин маъно**» деб номлайди ва бу маъно ўзининг халқчиллиги, яъни сўзловчи ва тингловчи учун бир хилда

⁹ Потебня А.А. Язык чувства и язык мысли // Хрестоматия по истории русского языкознания. –М.,1973.- С.211.

тушунарли бўлиши билан характерланади. Субъектив маъно эса, сўзнинг «*келажак маъно*»си бўлиб, ҳар бир шахс муайян нарсани ўзича идрок этиши натижасида унга хос белгилар миқдори, сифати талқинидаги хусусийликлар орқали намоён бўлади¹⁰.

Демак, ясама сўзларнинг ҳосил бўлишида асос вазифасини бажарадиган бирликлар объектив маъноли бўлса ҳам, деривация жараёнида у субъектив характер касб этади. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, деривация жараёнининг воқеланиши ижтимоий асосли аналогик тамойилларга таянса ҳам, унинг ижрочиси субъект ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у ёки бу сўз ясаиш модели орқали вужудга келган дериватлар ўзининг ички формасига кўра, дастлаб, ноодатийлиги билан ажралиб туради. Тилнинг узуал меъёрлари асосида ҳосил бўлган ҳар қандай янги сўз муайян вақт оралиғида «идеоматизацияга учраши, мазмунан яхлитланиши» натижасида, «лисонийлашиш ва жамият аъзолари учун тайёр сўзга айланиш» босқичини ўтайди¹¹. Ана шундай синовдан муваффақият билан ўтган ясамаларгина ўзининг типдошлари билан уйғунлашган ҳолда, ижтимоий қиймат касб этади ва луғатларда ўрнига эга бўлади.

А.А.Потебнянинг тавсифига кўра, ички форма инсоннинг фикрлаш фаолиятига хос қуйидаги босқичлар асосида вужудга келади: дастлаб, инсон томонидан объектив борлиқ (предмет) кузатилади, сўнгра унга хос муҳим белгилар (ички форма) аниқланади ва шу асосида нарсанинг ҳиссий образи шаклланади, ҳиссий образ тасаввурни вужудга келтиради, тасаввур эса муқаддам эришилган тажрибалар асосида янгисининг вужудга келишига, яъни *анперцепция*га таянади, энг сўнгги босқичда нарса ҳақидаги ички мушоҳада ва тушунча (мушоҳаданинг мажмуи) пайдо бўлади¹².

Демак, ички форма фикрлашнинг бошланғич фазасида, яъни бевосита нарсани кузатиш жараёнида аниқланган семантик белгини тақозо этади.

¹⁰ Потебня А.А. Из записок по русской грамматике // Хрестоматия по истории русского языкознания. - М., 1973. -С. 216-219.

¹¹ Неъматов Ҳ. Сўз ясаиш қолипи, ясалган ва ясама сўз хусусида //Ўзбек тили ва адабиёти.2007.№1. 16-бет.

¹² Березин Ф.М. История лингвистических учений –М.,.1975. С.82.

Бироқ бу билан фикрлаш жараёни ўз ниҳоясига етмайди. Чунки сўзлар ички форма базасида шаклланиб, ўзининг объектив маъносига эга бўлгач, уларнинг ўзи ички формани вужудга келтирувчи манбага айланади. Ана шу асосда, муқаддам ўзлаштирилган билим ва кўникмалар кейинги идрокий фаолиятни ҳаракатга келтирувчи асос сифатида хизмат қилади.

А.А.Потебнянинг эътирофига кўра, инсоннинг билиш амали бевосита кузатиш натижасида юзага келадиган ҳодисалар билангина чекланмайди, балки қиёсий мушоҳада мисолида ҳам бу идрокий жараённи кузатиш мумкин. Шунинг учун ҳам у ички формани муайян бир нарса таъсирида вужудга келадиган ҳиссий образнинг ички қиёси ҳамда борлиқдаги объектларнинг ўзаро қиёси асосида вужудга келадиган **маъно белгиси** сифатида ҳам таърифлайди¹³.

Бундан келиб чиқадики, ички форма биргина сўз ясалиши билан боғлиқ ҳодиса бўлмай, у маъно ясалишида ҳам мавжуд билим ва кўникмаларни ўзаро туташтирувчи деривацион восита бўлиб хизмат қилади. Бу нуқтаи назарга кўра, ички форма образлар образини тақозо этади ва унинг замирида луғавий бирликларнинг семантик деривацияси ётади.

В.А.Звегинцевнинг кузатишларида ички форма ясама сўзларнинг ички мотивацияси билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилади. Унинг фикрича, «ички форма этимологик маъно билан боғлиқ ҳолда талқин этилганда ҳам, нарса ҳақидаги тасаввур, образ билан алоқадорликда қаралганда ҳам сўзнинг семантик мотивациясига у ёки бу жиҳатдан дахлдор бўлади. Бинобарин, ички форма туб моҳиятига кўра, тушунчанинг сўзда ўз ифода топишига доир қонуниятларга бориб тақалади. Шу боис, ички форманинг аниқ бир лингвистик объектда намоён бўлишини сўз ҳосил қилиш мисолида кузатиш мумкин»¹⁴.

Дарҳақиқат, сўз ясалиши асос ва ҳосила структура муносабатини

¹³ Потебня А. А. Представление и значение // Хрестоматия по истории русского языкознания. –М.,1973. – С.214-215.

¹⁴ Звегинцев В.А. «Внутренняя форма» и лексическое значение слова // Семасиология. –М., 1957. –С.191.

тақозо этувчи жараёндир. Айнан ана шу хусусият асосга хос қайси семантик компонентнинг ясама сўз учун ички форма вазифасини ўташини аниқлаш имконини беради. Сўз ясалишида бу тиллараро муштарак бўлса ҳам, асос сўзга хос семантик компонентлардан қай бирининг ички форма сифатида танланиши ҳар бир тилнинг миллий хусусияти, шунингдек, ҳар бир шахснинг индивидуал дунёкараши билан боғлиқ ҳолда амалга ошади.

В.А.Звегинцевнинг кузатишларида бундай тафовут “*подснежник*” (бойчечак) сўзининг ясалишида асос бўлган ички форманинг қиёси орқали кайд этилади. Хусусан, бойчечак сўзи: француз тилида (*perce-neige*) «*қор томчиси*», инглиз тилида (*snowdrop*) «*қорни тешиб чиқувчи*», немис тилида (*schneeg löckchen*) «*қорли қўнғироқча*» кабилар ички формага эга бўлиши унинг тиллараро тафовутланишидан далолат беради¹⁵.

В.А.Звегинцевнинг фикрига кўра, «сўзнинг ички мотивацияси ёки ички формаси ҳар доим ҳам унинг айна пайтдаги ва келажакдаги маъно тараққиётини белгилаб бера олмайди. Чунки ясама сўзнинг вужудга келишида, ички форма дастлабки семантик асос сифатида муҳим аҳамият касб этса ҳам, ясама сўзнинг объектив маънога эга бўлиши инсоннинг нарс ҳақидаги кейинги тасаввурлари асосида вужудга келади. Айнан ана шу омил ясама сўзнинг биргина ички форма билан чекланиб қолишига йўл қўймайди». Масалан, немис тилидаги *schneider* (тикувчи) сўзи *schnei* (қирқиш) сўзидан ясалган ва *schneider* ясамасига хос ички форма «*қирқувчи*» белгиси орқали ўз ифодасини топади. Бироқ ясама сўзнинг ички формасини ташкил этадиган бу белги унинг коммуникатив функцияси учун асос бўла олмайди. Шунинг учун ҳам мазкур ясама сўзга хос ички форма кейинчалик ўз қийматини йўқотади ҳамда нарсага хос бошқа белгилар билан умумлашган ҳолда объективлик касб этади. Хусусан, *schneider* сўзи «*қирқувчи*» эмас, балки «*тикувчи*» маъносига эга бўлади¹⁶.

Бундан келиб чиқадики, нарсага хос у ёки бу белгининг ички форма

¹⁵ Звегинцев В.А. Кўрсатилган асар, –С.192.

¹⁶ Звегинцев В.А. Кўрсатилган асар, ўша саҳифа.

сифатида хизмат қилиши деривацион жараёни воқелантирувчи субъектнинг илк тасаввури билан боғлиқ бўлади ҳамда айнан ана шу белги янги ясалган сўз учун семантик таянч сифатида хизмат қилади. Бироқ ясама сўз объектив маъно касб этгач, ички форма унинг таркибига сингиб кетади. Бунинг ўзига хос далили, кўп маъноли сўзлар иштирокида янги сўз ясалганда яққол кўзга ташланади. Масалан, ўзбек тилидаги *сўзла* ясамасидаги сўз асоснинг «Изоҳли луғат»да бешта маъноси қайд этилади (ЎТИЛ.1981.2-ж.94). Бироқ мазкур ясама сўзнинг вужудга келишида асосдаги биргина семантик белги, яъни сўзнинг гап, нутқ маъноси иштирок этади. Шу асосда *сўзла* ясамасига хос ички форма «*сўз айт*» ҳукмига тенг бўлса ҳам, *сўзла* деривати объектив маъносига кўра нутқ сўзлашни ифодалайди.

Баъзи ясамаларда асос сўздаги бевосита кўчма маъно ҳосила учун ички форма вазифасини бажариши ҳам мумкин. Масалан, *шерланмоқ* ясамаси ички формасига кўра «шерга айланиш» маъносини ифодалайди¹⁷. Аммо *шерланмоқ* феълининг ясаилишидан кўзланган мақсад инсоннинг бевосита шерга айланишини ифодалаш эмас... Шулардан келиб чиқадики, ички форма ясама сўзнинг бевосита маъносини эмас, балки унинг дастлабки маъно белгисини тақозо этади.

Ички форманинг субъектив ва объектив маъноларга муносабати ўзбек тилшунослигида ҳам анча мукамал таҳлил қилинганини кўриш мумкин. Жумладан, С.Усмоновнинг таъкидлашича: «Ички форманинг мавжудлиги ҳали реал (объектив) маънонинг мавжудлигини кўрсатмайди». Бунинг боиси шундаки, «баъзан сўзнинг ички формаси мавжуд, янги сўз ясалган, бироқ ўша янги сўзнинг маъносини одамлар тушунмайди, унинг нимани англатиши ҳақида ҳар хил фикрлар туғилади». Демак: «ички формани индивид яратади, реал маънони эса жамият яратади»¹⁸.

Нарсага хос белгилардан қай бирининг бирламчи (муҳим) белги,

¹⁷ Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясаилиши. -Т., 1989. 13-бет.

¹⁸ Усмонов С. Умумий тилшунослик. -Т., 1972. 133-134-бетлар.

яъни ички форма вазифасини ўташи эса, инсон томонидан аташ, ифодалаш жараёнида нарсага нисбатан субъектив муносабат орқали амалга ошади. Сўзнинг семантик таркибида объектив маъно вужудга келгач, кўп ҳолларда, ички форманинг пассивлашиши, баъзан эса мутлақ унутилиши содир бўлади. Ана шундан келиб чиқилган ҳолда, манбаларда ички форманинг икки хил типи, яъни «*жонли*» (живой) ва «*жонсиз*» (стертую) каби типлари фарқланади¹⁹. Ички форманинг иккинчи типи, туб сўзларга хос бўлиб, ҳозирги тиллардаги кўпчилик туб сўзларда ички форманинг тиклаш имконсизлиги мисолида бунинг далилини кузатиш мумкин.

«Ички форманинг унутилиши мулоқот жараёнида мия ишини осонлаштиради: бир сўзда бирданига икки нарса – дастлабки ва ҳозирги маъноси хотирланмай, фақат ҳозирги реал маъно кўзда тутилади». Акс ҳолда, «*Машинага туши* гапи сўзларнинг ички формаларига кўра «*спускаться в механизм*» ва реал маъносига «*сел в машину*» каби икки хил мазмун англанди, улардан қайси бирига қараб иш қилиш лозимлиги тингловчи учун қийин аҳволнинг вужудга келишига олиб келган бўлар эди»²⁰.

Шундай қилиб, Гумбольдтнинг тил формаси, ички ва ташқи форма хусусидаги қарашларининг ривожидан далолат берувчи бу мулоҳазалар тил системасининг илмий талқинида муҳим аҳамият касб этганидек, бевосита тил бирликларининг формал ва семантик структураларини вужудга келтирувчи лингвистик ҳамда экстралингвистик механизмларни ўрганишда ҳам ўзига хос дастуруламал вазифасини ўтаганлигидан далолат беради. Бу мулоҳазалар лексик ва семантик деривация ҳодисаларининг лингвокогнитив асосда тадқиқ қилиш мезонларини ишлаб чиқишда ҳам беқиёс аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

А.А.Потебня томонидан олиб борилган тадқиқотларда форма термини сўзнинг грамматик хусусияти билан боғлиқ ҳолда ҳам кенг талқин

¹⁹ Беляевская Е.Г. Семантика слова. –М., 1987. –С.40.

²⁰ Усмонов С. Кўрсатилган манба, 132-бет.

этилади. Унинг эътирофича, сўзлар орқали ўз ифодасини топадиган яқин маъно замирида икки хил моҳият мавжуд: булардан биринчиси, хусусий лексик маъно бўлса, иккинчиси, умумий грамматик маънодир. Ана шундан келиб чиқиб, у тил бирликларини нарса билан нисбатланган (луғавий маъноли) сўзлар ҳамда формал сўз ва воситаларга ажратади. Унинг фикрига кўра, формал воситалар ҳам мустақил сўзларда бўлгани каби, ўзига хос товуш таркиби ва маъно бирлигидан иборат бўлади. Уларга хос маъно воситасида лексик ва грамматик маънолар шаклланади²¹.

1.3. Сўз ясалиши таҳлилининг морфологик босқичи. Манбаларда эътироф этилишича, тилшуносликнинг кейинги босқичларида *форма* терминининг лингвистик талқинига турлича нуқтаи назардан ёндашилганлиги кузатилади. Хусусан, А.Потт, О.Бётлингк, А.А.Шахматовларнинг ўзак ва аффикс морфемалар тавсифига доир фикрларида, Ф.Ф.Фортунатов ва унинг издошлари томонидан сўзнинг формал ва лексик маъноли қисмларга бўлиниш имкониятига доир мулоҳазаларида, А.И.Томсен, И.А.Бодуэн де Куртенэ, Л. В.Щчерба, В.В.Виноградовларнинг кузатишларида эса сўз ўзгариш парадигмасини ташкил этувчи грамматик формаларга доир изоҳларида бу термин қўлланилади²². Буларнинг барчаси, тил формаси ҳақидаги Гумбольдт таълимотининг кейинги ривожини сўзнинг морфологик шакли асосида ривожлантирилганлигидан далолат беради. Айнан ана шу ёндашувлар сўз ясалиш ҳодисасини конкрет соҳа, яъни морфологик ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилиши учун ҳам ўзига хос асос бўлиб хизмат қилади. Жумладан, Ф.Ф.Фортунатовнинг изланишларида бу масала талқини конкрет термин, яъни «сўз *формаси*» тарзида ўрганилади. У сўз формасини: а) муайян бир предметни идрок этиш имконини юзага келтирувчи шакл (сўз ясалиш шакли), б) сўзнинг гапдаги шакли (сўз ўзгариш шакли) каби икки гуруҳга ажратилган ҳолда тавсифлайди. Унинг фикрига кўра, сўз ясалиш

²¹ Потебня А.А. Грамматические формы // Хрестоматия по истории русского языкознания.-М., 1973. -С. 218-222.

²² Усмонов С. Кўрсатилган манба,152-бет.

формаси, биринчидан, нарсаларни у ёки бу белгиларига кўра тафовутлаш (белый-беленький, красный-красенький каби), иккинчидан, идрок этиладиган нарсани ифодаловчи асос воситасида янги сўз яшаш (*читат-читатель*) имкониятлари орқали сўзнинг гапдаги формаларидан фарқланади²³.

Тилшуносликда сўзнинг формал таркибини ташкил этувчи компонентлар махсус термин, яъни «морфема» термини билан юритилиши, сўз яшалишининг морфологик ходисалар билан янада зичроқ боғланишини таъминлади. Тилшуносликка Бодуэн де Куртенэ томонидан олиб кирилган бу термин орқали, нафақат сўз шаклларнинг морфологик структурасини, балки ясама сўзлар структурасини ташкил этувчи элементлар муносабатини ўрганишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунинг билан бирга, сўз структурасидаги формал воситаларнинг функционал имкониятларни фарқлашда ҳам морфема термини ўзига хос аҳамиятга эга бўлди. Хусусан, Бодуэн де Куртенэнинг ўзи томонидан «*морфологик атомлар*» деб номлаган яхлитлик таркибан сўз ясовчи ва синтагма ясовчи каби функционал турлардан ташкил топиши қайд этилади²⁴.

Шундай қилиб, ясама сўзлар структурасини идрок этишнинг дастлабки воситаси сифатида хизмат қилган **форма** термини, биринчидан, ясама сўзларни тилда мавжуд бўлган бошқа формал таркиблар билан уйғунликда тасаввур этиш имконини яратган бўлса, иккинчидан, худди шундай таркибли бирликларни функционал хусусиятларига кўра фарқлашда ҳам бу терминнинг аҳамияти беқиёс бўлган. Морфема терминининг жорий этилиши эса ўзак (асос), сўз ясовчи, луғавий ва синтактик шакл ясовчи каби функционал шакллар ўртасидаги умумий ва фарқли жиҳатларни янада аниқроқ идрок этишда муҳим аҳамият касб этди.

Тилшунослик тарихида юзага келган лингвистик ғояларни умумий бир вазифага, яъни бевосита тилни ўрганишга сафарбар этилишида ўтган

²³ Березин Ф.М. История лингвистических учений. –М., 1975. –С.135-136.

²⁴ Шарадзенидзе Г.С. Лингвистическая теория И.А. Бодуэна де Куртенэ и её место в языкознании в 19-20 в.в. –М., 1980. –С. 61-63.

асрнинг бошларида вужудга келган систем-структур таҳлил усулининг аҳамияти бекиёс бўлди. Фердинанд де Соссюр томонидан асос солинган бу тадқиқот усулининг марказий муаммоларини тил ва нутқ дихотомияси ҳамда бу дихотомия аъзоларининг нутқий (тил) фаолият билан муносабати ташкил қилди. Бироқ олим томонидан бу учликдаги тил лингвистиканинг асосий тадқиқот объекти сифатида белгиланди.

Соссюрнинг сўз ясалишига бевосита дахлдор бўлган қарашлари синтагма ва унинг аналогик табиатига доир мулоҳазалари мисолида кўзга ташланади. Хусусан, у икки ёки ундан ортиқ тил элементларининг нутқ оқимида бирин-кетин боғланиши орқали вужудга келадиган синтагмаларнинг тил ва нутққа оид турларини фарқлайди. Унинг ёзишича, нутқий синтагмалар тил бирликларининг эркин комбинацияси асосида таркиб топади. Бироқ «қатъий қоидалар асосида вужудга келадиган синтагмалар нутққа эмас, балки тилга дахлдордир. Синтагма типларининг тилдаги барқарорлиги уларга хос андозаларининг етарли миқдорда мавжудлигига боғлиқ бўлади»²⁵.

Соссюр тилга хос синтагмаларни (синтагматические единство) синтагматик яхлитлик номи билан ҳам юритади. Унинг ёзишича: «Синтагматик яхлитликнинг ўзига хос жиҳати шундаки, уларнинг деярли барчаси ё нутқ оқимида синтагматик узвийлик касб этадиган бирликларга ёки уни ташкил этувчиларга қарамликда намоён бўлади». Соссюр бундай узвийликни сўз ясалиши мисолида кузатиш мумкинлигини қайд этади ва қуйидаги таҳлилни далил сифатида келтиради: *desireux* (чанқоқ) сўзи таркибан иккита ўзидан қуйи турувчи лингвистик элементнинг бирикишидан ташкил топади (яъни, *desir+eux*). Ушбу ташкил этувчилар айнан *desir* каби сўзлар таркибида муносабатга киришиш имкониятига эга бўлганлиги боис, ўзидан юқори турувчи тил бирлигини, яъни *desireux* ясамасини рўёбга чиқара олади. Ташкил этувчиларнинг қарамлиги мустақил қўллана олмайдиган *-eux* суффиксининг *desir* ва шу каби бошқа асослар

²⁵ Соссюр Ф. де. Труды по языкознанию – М., 1977. -С.156-157.

(*chane+eux* - омадли) билан боғлиқликдагина тилдаги ўрнига эга бўлиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, *desireux* ясамаси таркибидаги *-eux* суффикиси *desir* асоси билан узвийлик ташкил этиши мазкур тил бирликларининг ўзаро қарамлигидан далолат беради²⁶.

Бундай синтагмалар дастлабки асосига кўра нутққа дахлдор бўлса ҳам, уларга хос тузилиш схемаларининг кишилар хотирасида чуқур из қолдиргани ва ассоциатив узвийлик (типик форма) касб этгани боис, улар тилда такрор содир бўладиган ҳодиса сифатида намоён бўлади. Ф. де Соссюр ана шу мулоҳазадан келиб чиқиб, ясама сўзлар замирида ўз аксини топадиган синтагмалар ҳақидаги мулоҳазасини аналогик қоидалар билан боғлиқ ҳолда янада чуқурлаштиради.

Унинг фикрига кўра: «Аналогия бу - доимий тақлид қилиш мумкин бўлган андозадир. Аналогик форма эса, муайян бир шаклий андоза ва қонуниятлар асосида бирдан ортиқ лингвистик муқобилларнинг вужудга келишини таъминловчи типик формади»²⁷.

Соссюр тилдаги аналогик фактни уч ижрочи иштирокида содир бўладиган воқеликка қиёслайди. Бу воқеликдаги, биринчи ижрочи анъанавий ва қонуний асосга эга бўлган типик мерос бўлса, иккинчиси ана шу типик мерос асосида вужудга келадиган рақобатчиларни тақозо этади, учинчи ижрочи эса рақобатчиларни вужудга келтирувчи халқ оммасидир.

Соссюрнинг эътирофича, «аналогик воқелик»нинг вужудга келишида инсон руҳияти, ақл-идроки муҳим аҳамият касб этади. Бироқ бу - ҳақиқатнинг бир қисми, холос. Чунки аналогия грамматик асосга эгалиги билан ҳам характерланади. Зеро, аналогия замирида тил бирликларининг ўзаро синтагматик узвийлиги ётади. Мазкур узвийлик асосида намоён бўладиган схемани англаш, тасаввур этиш, умумлаштириш амали эса унинг руҳий ва ижтимоий асосли эканлигидан далолат беради.

Аналогия ўз ибтидосига нутқда эга бўлади ва у «маълум бир

²⁶ Соссюр Ф. де. Кўрсатилган манба, 160-бет.

²⁷ Соссюр Ф. де. Кўрсатилган асар, 195-бет.

шахсининг тасодифий ижод маҳсули бўлиши ҳам мумкин»²⁸. Бироқ «Тилда пайдо бўладиган ҳар қандай янги форма йўқдан бор бўлиш ҳисобига юзага келмайди. Чунки янги форманинг вужудга келиши тилда бор бўлган ресурсларни ўзлаштириш асосида амалга ошади. Тилдаги захира асосини эса сўзлар ташкил қилади»²⁹.

Бундан келиб чиқадики, тилда пайдо бўладиган ҳар қандай янги сўз, ўзининг дастлабки асосига нутқда эга бўлади ва шу билан унинг нутққа қарамлиги ўз ниҳоясига етади. Чунки ясама сўзнинг кейинги тадрижий таракқиёти нутқий фаолият билан боғлиқ ҳолда давом этади. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, ясама сўзлар муайян муддат мобайнида нутқий фаолият «чиғириғи»дан ўтиб, одатийлик касб этади ва ўзи тегишли бўлган парадигма аъзолари билан уйғунлашади. Ана шундай босқичлардан тўлиқ ўтган дериватларгина тил бирлиги мақомига эга бўлади ва бошқа парадигмадошлари билан биргаликда тилни янги-янги ясамалар билан бойитувчи типик восита, форма сифатида фаолият кўрсата бошлайди. Сўз ясалиши ва умуман, тилга хос деривацион ҳодисалар, ана шу хусусиятига кўра, бир томондан, грамматик жараён билан, бошқа томондан эса, лингвопсихологик, лингвокогнитив фаолият билан боғланади.

Гарчи Ф. де Соссюр сўз ясалиши ёки бошқа турдаги деривацион ҳодисаларни махсус тадқиқ этишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган бўлса ҳам, унинг изланишларида тил ва нутққа хос синтагмаларнинг тафовутланиши, уларнинг аналогия билан боғлиқ ҳолда тавсифланиши, хусусан, аналогиянинг интро- ва экстралингвистик асосли эканлигига доир қарашлари деривацион ҳодисалар илмий талқинида алоҳида аҳамият касб этади.

Ф. де Соссюрнинг аналогик воқелик ҳақидаги фикрини деривацион ҳодисаларни нутқ – нутқий фаолият – тил ҳамкорлигига ишора сифатида қабул қилиш лозим. Зотан, сўз ясалиши ва умуман, тилга хос деривацион

²⁸ Соссюр Ф. де. Кўрсатилган манба. 199-бет.

²⁹ Соссюр Ф. де. Заметки по общей лингвистике. –М.,1990. -С.78.

ходисалар ана шундай узвийликда ўрганилгандагина бу ходисаларнинг воқеланишида инсон омилининг қай даражада аҳамиятга эга бўлишини тасаввур қилиш имкони туғилади.

Тилга хос деривация жараёнининг изчиллиги инсон хотирасида жамланиб борадиган аналогик формалар воситасида амалга ошади. Ўз навбатида, аналогик формалар келиб чиқиш асосига кўра, нутқий фаолият билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун ҳам Соссюр: «Тил –жамоа аъзоларининг нутқий фаолияти воситасида жамғариладиган хазинадир. Бу хазина замирида жамият вакиллариининг хотирасида виртуал ҳолда мавжуд бўладиган грамматик система ётади», -деб таъкидлайди³⁰.

Соссюрнинг фикрича, нутқий фаолият «биринчидан, жамият вакиллари томонидан шакллантирилган бекиёс қурол бўлса, иккинчидан, инсон учун ўзининг индивидуал ва туғма қобилиятини намоён этиш ва ривожлантириш имконини берадиган воситадир». Айнан ана шу асосларга таянган ҳолда Соссюр, «Сўзлаш қобилияти инсонда табиий равишда мавжуд бўладиган фаолият» сифатида баҳоланишига қарши чиқади ва бу қобилият инсонда туғма асосга эга бўлса ҳам, унинг шаклланиши ва ривож топишида ижтимоий нутқий фаолият муҳим аҳамиятга эга бўлишини таъкидлайди³¹.

Дарҳақиқат, ижтимоий нутқий фаолият нафақат сўз ясалишига хос типик структураларнинг таркиб топишида, балки, умуман, мулоқот учун зарур бўлган структураларнинг тил хотираси ёрдамида келажакка етиб бориши ва тилни замон талабига монанд равишда ривожланишида ҳам муҳим восита ҳисобланади. Соссюр томонидан кўтарилган бу масала бир қатор тадқиқотларда муҳокама қилинган³². Бироқ нутқий фаолиятининг бевосита лексик ва семантик деривация ходисаларининг воқеланишидаги аҳамиятига доир (Е.С.Кубрякованинг монографик тадқиқотида

³⁰ Соссюр Ф. де. Труды по языкознанию – М.,1977.С.52.

³¹ Соссюр Ф. де. Заметки по общей лингвистике. –М.,1990. С.36.

³² Қаранг: Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. -М.,1974; Леонтьев А.А.. Язык, речь, речевая деятельность.-М.,1969; Залевская А.А. Проблемы организации внутреннего лексикона человека. –Калинин,1977.

билдирилган фикрларни эътиборга олмаганда)³³ жиддий изланишлар олиб борилмаган.

Деривацион ходисаларнинг барқарор структуралар воситасида воқеланиши сўз ясалиш типига доир таҳлиллар мисолида кўзга ташланади. Бу таҳлилларда сўз ясалиш типини вужудга келтирувчи асосий омил сифатида ички лингвистик қонуниятларга эътибор қаратилади. Шунингдек, бу борада билдирилган мулоҳазаларнинг аксарият қисми морфологик типлар таҳлиliga бағишланади. Ана шулар инобатга олинadиган бўлса, бу масалада ҳам ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишлар анча салмоқли эканлигини қайд этишга тўғри келади.

Тилшуносликда сўз ясалишини идрок этишнинг таянч воситаларидан бири бўлган формалар назарияси замонавий тилшуносликда ҳам узоқ йиллар мобайнида ўз таъсирига эга бўлиб келди. Бу анъананинг умумий тилшуносликда кенг илдиз отганини Америка дескриптив тилшунослиги вакили Л.Блумфилд томонидан олиб борилган изланишлар мисолида кузатиш мумкин. У сўз ясалишига олиб келучи ходисаларга морфологик объект сифатида баҳо беради. Морфология эса боғлиқ формалар иштирокида тузиладиган мураккаб қурилмаларни ўрганувчи соҳани тақозо этади. «Морфологик қурилмалар алоҳида олинган боғлиқ формалар ёки бирикма шаклидаги сўз сифатида намоён бўлиши мумкин. Шу боис, морфология мазкур қурилмалар замирида ўз аксини топадиган сўзнинг таркибий қисмларини ўрганувчи соҳа эканлиги билан синтаксисдан фарқланади. Қўшма сўзлар сўз бирикмалари шаклидаги сўз (слово-словосочитание) сифатида оралиқ ходисани тақозо этади. Бироқ улар формал белгисига кўра, синтаксисга нисбатан морфологияга яқин туради»³⁴.

Л.Блумфилд морфологик қурилмалар таркибидаги бевосита иштирокчиларнинг икки турини, яъни эркин (ўзак) ва боғлиқ

³³ Қаранг: Кубрякова Е.С. Номинативный аспект речивой деятельности. -М.,1986.-С. 97-108.

³⁴ Блумфилд Л. Язык – М.,1968. -С. 222.

(қўшимчалар) формаларни фарқлаш асосида сўзларни бирламчи ва иккиламчи типларга ажратади. Ясама сўзлар иккиламчи луғавий birlikлар бўлиб, бирдан ортиқ боғлиқ морфема ёки бирдан ортиқ эркин морфемалар узвийлигидан ташкил топишига кўра, содда ва мураккаб (қўшма) сўзларга ажралади. Бу сўзлар замирида эса сўз ҳосил қилиш (словопроизводство) ва сўз қўшиш (словосложение) ҳодисалари ётади³⁵. Ана шунга кўра, «икки ёки ундан ортиқ эркин морфемаларнинг бирикиши» натижасида ҳосил бўлган қўшма сўзлар, «соф морфологик структурали» ясамалардан фарқланади.

Бундан келиб чиқадики, сўз ясалишининг аҳамияти биргина бу жараёни вужудга келтирувчи асос сатҳни лексик сатҳ билан муносабатга киритиш билангина чегараланмайди. Чунки, сўз ясалишининг таъсирига тушган birlikлар тилнинг лексик сатҳидан ўрин эгаллаши билан бир қаторда, морфологик тизим таъсирига ҳам учрайди. Айнан ана шу таъсирни назарда тутган ҳолда, Л.Блумфилд қўшма сўзларни синтаксисга нисбатан морфологияга яқин туришини қайд этади.

Умумий тилшуносликка доир манбада сўз ясалиши тадқиқининг бошланғич давлари **«морфологик босқич»** сифатида ажратилади³⁶. Бу бежиз эмас албатта, зеро ушбу ҳодиса ҳақидаги дастлабки мулоҳазалар сўз структураси таҳлили билан боғлиқ ҳолда юзага келган эди. Бу мулоҳазаларнинг кейинги изчиллигини тил формаси ҳақидаги таълимот асосида содир бўлди, зеро айнан ана шу таълимот формалар талқини учун туртки бўлди. Тилшуносликда морфема терминининг татбиқ этилиши сўз ясалиши талқинини, бир томондан, морфология соҳаси билан янада зич боғлашга хизмат қилган бўлса, иккинчи томондан, бу ҳодисани бошқа морфологик ҳодисалардан фарқланишига олиб келди. Ана шу асосда, сўз ясалиши талқинида морфологик тамойил ўтган асрнинг сўнгги чорагигача ўзининг кучли таъсирига эга бўлиб келди. Ўзбек тилшунослигида ана шу

³⁵ Блумфилд Л. Кўрсатилган манба. 241-243-бетлар.

³⁶ Лингвистический энциклопедический словарь. М. 1990. -С.468.

анъананинг таъсири А.Н.Кононов, В.В.Решетов каби олимлар томонидан чоп этилган дарсликларда яққол кўзга ташланади³⁷.

Бироқ сўз ясалиши талқинида бу анъанага бўлган муносабатда мутлақ яқдиллик ҳукм сурган, деб ҳам бўлмайди. Жумладан, А.М.Шчербак: «Сўз туркумларида морфологик қонуниятларга тўла бўйсунмайдиган, нисбий мустақил ички ҳодиса»нинг мавжудлигини қайд этади. Унинг фикрича, сўз ясалиши сўз туркумлари доирасида учрайдиган бошқа ҳодисалардан фарқли равишда **“иккиламчи асослар”**ни вужудга келтириувчи ҳодисадир. Иккиламчи асос тушунчаси эса сўз ясалиши билан бевосита боғлиқ бўлиб, улар сўз ясовчи аффикслар воситасида ҳосил бўлади³⁸.

1.4. Сўз ясалиши тилшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида.

Ўзбек тилшунослигида биринчилар қаторида сўз ясалиши бўйича махсус тадқиқот олиб борган А.Ғуломовнинг 50-йилларда эълон қилган мақолаларидан бирида сўз ясалиши тадқиқининг бу даврдаги ҳолатига қуйидагича баҳо берилади: «Сўз ясалиши масаласини биз ҳозиргача морфологик планда қараб келамиз, ҳолбуки, сўз ясалиши қандай бўлмасин, бирор усул билан янги сўз ҳосил қилишдир. Демак, у лексика - сўз баҳсига қарашлидир. Эски грамматик таълимотга кўра, сўз ясалиши ва сўз ўзгариши морфологияда қараларди. Ҳақиқатда эса, булар формал жиҳатдан ўхшаш, функционал жиҳатдан бошқа-бошқа ҳодисадир: биринчиси-лексик ҳодиса, иккинчиси-синтактик ҳодисадир», - деб ёзган эди³⁹.

Сўз ясалишининг лексик ҳодиса сифатида талқин этилиши инглиз тилшунослигида кенгроқ тус олганлигини кўриш мумкин. Хусусан, А.И.Смирницкий, И.В.Арнольд, Т.И.Арбекова каби олимлар томонидан чоп этирилган қўлланмаларда сўз ясалиши лексикология таркибида

³⁷ Қаранг: Кононов А. Н. Грамматика узбекского языка –Т.,1948. -С.92; Решетов В. В. Основы фонетики и грамматики узбекского языка. –Т., 1961. -С.92-97.

³⁸ Шчербак А. М. Грамматика староузбекского языка. -М-Л.,1962. -С.110-120.

³⁹ Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. -Т.,2002. 194-бет.

келтирилади⁴⁰. Ю.С.Степанов томонидан чоп этилган “Структура французского языка” номли ишда эса сўз ясалиши алоҳида бўлим сифатида берилади⁴¹.

Фанда вужудга келадиган янгича қараш қисқа вақт ичида ва бир йўла мукамалликка эга бўла олмайди, бунинг учун муайян вақт керак бўлади. Сўз ясалишининг морфологик формалардан фарқли ҳодиса эканлигини идрок этиш ва илмий асослаш ҳам кўп босқичли тинимсиз изланишларни талаб қилди. Шундай экан, ҳозирги тилшуносликда алоҳида соҳа сифатида эътироф этиладиган сўз ясалишини ҳар томонлама асослашга хизмат қиладиган далилларнинг вужудга келишини ҳам яқин тарих билан ўлчаб бўлмайди.

Сўз ясалишига доир дастлабки назарий қарашлар тилнинг лингвофалсафий талқини билан бошланган бўлса, бу қарашларнинг амалий асослари морфологик структуралар тадқиқи асосида яратилди. Замонавий тилшуносликка келиб сўз ясалишига доир ана шу тажрибалар умумлаштирилгани ҳолда, бу ҳодисанинг амалий кўлами тилнинг фонетик, морфологик, лексик-семантик ва синтактик қатламлари доирасида белгиланди, унинг терминологик базаси шакллантирилди. Ана шундай ҳаракатлар натижасида тилшуносликда сўз ясалиши алоҳида соҳа сифатида ажратилди.

Сўз ясалишининг замонавий мақомга эга бўлишида ўзбек тилшунослигида У.Турсунов, З.Маърупов, А.Ғуломов, А.Ҳожиёв А.Мадраҳимов, Б.Мадалиёв каби олимларнинг илмий изланишлари алоҳида аҳамият касб этган бўлса, умумий тилшуносликда И.И.Кавалик, Н.Д.Арутюнова, М.Доклул, Г.О.Винокур, Н.А.Янко-Тринская, А.Н.Тихонов, Е.С.Кубрякова, В.В.Лопатин, И.С.Улуханов, Н.М.Шанский кабилар томонидан олиб борилган илмий изланишлар муҳим ўрин тутганлиги қайд

⁴⁰ Қаранг: Смирницкий А.И.Лексикология английского языка. -М., 1956. -С.65; Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. -М., 1959. -С. 128; Арбекова Т.И. Лексикология английского языка.-М.,1977.-С.38.

⁴¹ Степанов Ю.С. Структура французского языка. -М., 1965. -С.101.

этилади⁴². Дарҳақиқат, айнан ана шу олимларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли сўз структурасида намоён бўладиган ясалиш ҳодисалари бошқа турдаги ҳодисалардан фарқланди, унинг ўзига хос структур-семантик имкониятлар асосида воқеланиши ҳақида қатъий хулосалар юзага келди.

Сўз ясалиши талқинида содир бўлган ана шундай ўзгаришлар А.Ғуломовнинг бу ҳодиса ҳақидаги муқаддам билдирган хулосасининг янгиланиши мисолида кўзга ташланади. Зотан, у ўзининг аввалги мулоҳазаларини қайта кўриб чиққан ҳолда, сўз ясалиши ҳақида қуйидагиларни таъкидлайди: «Сўз ясалишининг асосий (етакчи) йўли аффиксация бўлганлигидан, бу ҳодиса, маълумки, традицияга кўра морфологиянинг бир қисми сифатида ўрганилиб келинар эди. Ҳолбуки, у морфологиядан кўра ҳам лексикага яқин туради, чунки сўз ясалишининг вазифаси янги лексик birlik ҳосил қилиш, демак, тилда сўзларни кўпайтириш экан, унинг лексикологияга ҳослиги аниқ. Лекин сўзнинг яшаш йўллари ҳар хил бўлиб, бу йўллар фонетика, семантика, синтаксис билан ҳам алоқадордир. Кейинги текширишлар сўз ясалишининг тилшуносликдаги мустақил бир соҳа эканлигини кўрсатади (унинг бир қанча соҳалар билан алоқадорлиги шубҳасиз)»⁴³.

Г.С.Зенковнинг қайд этишича, 1951-1966 йиллар оралиғида сўз ясалиши бўйича олиб борилган илмий тадқиқотларда мазкур ҳодисанинг тилшуносликда тутган ўрни, сўз ясалишининг асосий тамойиллари, сўз яшаш элементларнинг тизимли муносабати, сўз ясалишини вужудга келтирувчи birlikлар, сўз ясалишининг синхрон ва диахрон аспектлари ҳамда уларнинг маҳсулдорликка муносабати, сўзнинг морфологик структураси ва сўз ясалиши ўртасидаги тафовут каби қатор муаммолар тавсифига доир олтмишдан ортиқ илмий иш эълон қилинган⁴⁴. Ана шу фактларнинг ўзиёқ, ўтган асрнинг иккинчи ярмидан кейинги даврда сўз ясалиш ҳодисасига бўлган муносабат нисбатан ўзгарганлигидан далолат беради.

⁴² Қаранг: Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи.-Т.,2002, 194-бет; Зенков Г.С. Вопросы теории словообразования. –Фрунзе, 1969. –С.3.

⁴³ Ўзбек тили грамматикаси. –Т.,1975. 3-бет.

⁴⁴ Зенков Г.С. Вопросы теории словообразования. –Фрунзе, 1969. -С.3-6.

Гарчи бу даврда сўз ясалиши алоҳида ҳодиса эканлиги ҳақида қатъий хулосалар юзага келган бўлса ҳам, унинг амалдаги ижроси анча кечикиб, хусусан, рус тилшунослигида 1970 йилда чоп этилган «Грамматика современного русского литературного языка», ўзбек тилшунослигида эса, 1975 йилда чоп этилган «Ўзбек тили грамматикаси» каби нашрларда рўёбга чиқди.

Мазкур давр сўз ясалиши соҳасини шакллантириш даври бўлгани боис, ушбу ҳодисанинг алоҳида соҳа ва яхлит система эканлигини ёритишга доир махсус изланишлар олиб бориш учун далиллар етарли эмас эди. Шунинг учун ҳам, Е.С.Кубрякова томонидан эътироф этилганидек: «Сўз ясалишининг алоҳида соҳа эканлиги унинг амалий аҳамиятидан келиб чиқиб белгиланди»⁴⁵.

Бунинг ўзига хос далилини А.Ҳожиёвнинг қуйидаги фикри мисолида ҳам кўриш мумкин: «Сўз ясалиши ва форма ясалиши морфологик ҳодиса сифатида қаралиб, морфология баҳсида берилиши бу тил ҳодисаларининг ҳақиқий моҳиятини тўғри белгилашга ҳалал бериб, бир қатор хато ва қарама-қарши фикрларни келтириб чиқарди. Бинобарин, буларнинг ҳар бирини махсус бўлимлар сифатида ажратиш уларнинг ўзига хос хусусиятларининг ҳақиқий моҳиятини тўғри ва осон англашга ёрдам беради»⁴⁶.

Боб бўйича хулоса.

Сўз ясалишининг алоҳида соҳа сифатида ажратилиши баъзи тадқиқотларда мазкур жараёнда иштирок этадиган компонентларни морфемалардан фарқлаш лозимлиги ҳақидаги ғоянинг илгари сурилишига ҳам сабаб бўлди. Жумладан, В.Б.Касевичнинг фикрига кўра, «Сўз ясалишида иштирок этадиган компонентлар, морфемалардан фарқли равишда, мотивловчи асос ва дериваторлардан таркиб топади. Шу боис, морфема ва ясовчи компонентлар баъзан ўхшашликка эга бўлса ҳам, бу уларнинг бир хиллигини англатмайди. Чунки морфемалар сўз ўзгариш ва

⁴⁵ Кубрякова Е. С. Словообразование // Общее языкознание. Внутренняя структура языка. - М., 1972. - С.346.

⁴⁶ Ҳожиёв А. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши. -Т., 1979. 3-бет.

шакл ясалиш жараёнида иштирок этувчи морфологик бирликлардир. Сўз ясалиши эса тилдаги махсус ҳодиса бўлиб, унда ясалиш қоидалари, моделлар ўз ифодасини топади»⁴⁷.

Сўз ясалиши алоҳида соҳа эканлиги уни тилнинг бошқа ҳодисаларидан изоляциялашга олиб келмаслиги лозим. Зотан, тилдаги ҳар бир ҳодиса ўзига хос тадқиқот объектига эгаллиги билан ажралиб турса ҳам, улар аслида бир бутун организмни, системани тақозо этади. Шундай экан, дериваторлик вазифасига эга бўлган аффикслар билан тилнинг бошқа турдаги аффикслари ўртасида систем муносабатнинг мавжудлигига шубҳа қилиб бўлмайди. Бинобарин, сўз ясовчи ва шакл ясовчи аффикслар бир бутун ҳолда тилнинг морфем структурасини, яъни аффиксал морфемалар парадигмасини ташкил қилади. Бошқача қилиб айтганда, «сўз ясалиши ва морфология тилшуносликнинг аффиксал морфема иштирок этган сўз структурасини» тақозо этади⁴⁸. Айнан ана шу яхлитлик сўз ясалиши ва морфемик ҳодисаларни алоҳида соҳа сифатида ажратилганига қадар морфологиянинг тадқиқот объекти сифатида ўрганилишига сабаб бўлган ва бу анъанага морфем таҳлил жараёнида ҳозир ҳам амал қилинади.

Сўз ясовчи аффиксларнинг дериваторлик хусусиятига келсак, бу вазифавий белги аффиксал морфемалар парадигмасидаги сўз ясовчиларнинг бошқа аффикслардан, хусусан, луғавий ва синтактик шакл ясовчилардан функционал жиҳатдан тафовутланишини кўрсатувчи белгидир. Аффиксал морфемалар парадигмасига хос ана шундай функционал тафовут идрок этилгани ҳолда, тилшуносликда сўз ясалиши ва морфемика деб номланувчи иккита соҳа вужудга келди.

⁴⁷ Касевич В.Б. Семантика. Синтаксис. Морфология. –М., 1988. -С.21.

⁴⁸ Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясалиши. -Т., 1989. 10-бет.

Иккинчи боб

Сўз ясалишининг формал-семантик таҳлили

2.1. Сўз ясалишининг морфологик таҳлили. Тилдаги ясамалик белгисига эга бўлган сўзлар лексик сатҳдаги алоҳида ички тизимни ташкил қилади. Шу нуқтаи назардан, сўз ясалиши учун устувор бўлган интегратив хусусиятлардан бири сифатида, (ҳосил бўлишидан қатъи назар) ясама сўз мақомини қайд этиш лозим. Сўз ясалишининг алоҳида соҳа сифатида ажратилишида ана шу мақомга таяниш А.Ғуломовнинг сўз ясалишига берган қуйидаги таърифида ўз ифодасини топади: «Сўз яшаш, умуман, қандай усул, қандай восита билан бўлмасин, янги сўз ҳосил қилишдир. Сўз ясалиши тилшунослик фанининг айрим бир бўлими, мустақил лингвистик соҳа, тармоқ бўлиб, у сўзларнинг ясалишини, янги сўз ҳосил қилишнинг қонун-қоидаларини, моделларини, воситаларини, шу билан боғлиқ ҳолда, сўзларнинг структурасини текширади». Худди шундай мулоҳаза бошқа манбаларда ҳам қайд этилади⁴⁹.

Бироқ У.Турсунов, Ж.Мухторов ва Ш.Раҳматуллаевларнинг фикрларига кўра, сўз ясалиши «Сўзнинг морфологик қисмларга ажралиши ва янги сўзлар ясалиши»га хос жараён эътиборидан келиб чиқиш лозим бўлади ва шунга мувофиқ тарзда бу ҳодисага «Тилнинг ясовчи воситалари орқали янги сўзлар ҳосил қилиниши» тарзида таърифланади. Ушбу олимларнинг фикрларига кўра: «Тилнинг янги ясалган сўзлар ҳисобига бойиб бориши, сўз маъносининг ўзгариши, уни бошқа маънода ишлатилиш йўли билан янги сўз ҳосил қилиш – булар сўз ясалишининг лексикология» билан боғланишини таъминлайди. Бироқ, сўз ясалиши аффикслар иштирокида воқеланувчи ҳодиса эканлигига кўра морфологиянинг текшириш объекти ҳисобланади⁵⁰.

А.И.Смирницкийнинг эътирофича, сўз ясалиши ҳозирги тилда мавжуд бўлган ва тарихан амал қилиб келган ясалиш моделлари орқали

⁴⁹ Ғуломов А. Сўз ясалиши || Ўзбек тили грамматикаси.-Т.,1975. -С.7.; Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясалиши. –Т., 1989. 3-5-бетлар; Земская Е.А.Современный русский язык. Словообразование. – М., 1973. - С.5.

⁵⁰ Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.,1975. 108-бет.

вужудга келадиган ҳодисани англатади. Бу ҳодиса таркибан икки қисмдан, яъни, «словопроизводство» ва «словосложение» каби қисмлардан иборатдир. Олимнинг бундай хулосага келишида ясама сўзлардаги сўз ясовчи асос микдорини эътиборга олиш туртки бўлади. Жумладан, унинг ёзишича, «словопроизводство» бир ўзак асосида рўёбга чиқадиган моделларини тақозо этади: *man-manly* (*мard- мardонавор*) каби. Сўз яшанинг бу тури аффиксация, лексик-гамматик (конверсия), фонетик каби ясалиш усуллари орқали юзага чиқади. «Словосложение» эса икки ёки ундан ортиқ ўзакнинг бирикишидан таркиб топадиган ва бир хил сўз ясалиш уясини ташкил эта олмайдиган ясама сўзлар моделини тақозо этади: *horse + man (om + одам) чавандоз* каби⁵¹.

В.Н.Нимченко рус тилшунослигида сўз ясалишининг талқинлари бир хил эмаслигини қайд этади. Хусусан, «тилда мавжуд бўлган бирликлар базасида янги сўз ҳосил қилиш ҳодисаси» эканлигига кўра, сўз ясалиши «тилнинг луғат бойлигини оширувчи муҳим ҳодиса» сифатида изоҳланади. Сўз ясалишининг муайян бир қоида, усул, андоза ёки модел асосида воқеланиши эътиборга олинганда эса, «тилдаги у ёки бу усул ёрдамида янги луғавий бирликларнинг вужудга келиши», «тилда мавжуд бўлган сўз ясалиш қоидалари ва усуллариининг мажмуйи» тарзида таърифланади⁵².

А.Ҳожиёвнинг сўнгги ишларида «сўз ясалиши» ва «сўз яшаш» терминларига хос моҳиятни фарқлаш кераклиги қайд этилади. Олим «сўз ясалиши» деганда, сўз ясалиши тизими ҳақидаги таълимотни, сўз яшаш деганда эса, тил бирликлари ёрдамида маълум усул билан сўз ҳосил қилиш тушунилишини таъкидлайди. Мазкур ишда «сўз ясалиши» ва «сўз яшаш» терминларини фарқлаш орқали, ҳодисанинг умумий ва хусусий моҳияти фарқланади. Жумладан, «Сўз ясалиши» тилшуносликнинг алоҳида соҳаси (бўлими) сифатида, сўз яшаш ва у билан боғлиқ бирликлар, ҳодисалар ҳақидаги, умуман айтганда, сўз яшаш тизими ҳақидаги таълимотдир». Сўз

⁵¹ Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. -М., 1956. -С.70.

⁵² Нимченко В.Н. Современный русский язык. Словообразование. -М., 1984. -С.4.

ясаш эса, «маълум бир луғавий бирликдан сўз ясовчи восита ёрдамида янги сўз ҳосил қилиш» демакдир. Демак, бу таърифга кўра «сўз ясалиши» морфологик ясалиш ҳосилалари, яъни «сўз ясаш» доирасида чегараланади. Шунинг учун ҳам А.Ҳожиев «Сўз ясаш ҳодисаси ва усули шундай тушунилганда, сўз ясаш усули деб таърифланган усулларнинг кўпчилиги сўз ясаш усули эмаслиги маълум бўлиб қолади», -деб ёзади⁵³.

Келтирилган мулоҳазалардан англашиладики, сўз ясалишига берилган таърифларда ушбу ҳодисанинг вужудга келишида муҳим деб қаралган механизмлар эътиборидан келиб чиқиш етакчилик қилади. Бироқ бундай механизмларни белгилашда ҳам олимлар ўртасида яқдиллик кузатилмайди. Хусусан, сўз ясалиши парадигматик нуқтаи назардан ёндашилганда, ясама сўз мақомига эга бўлган луғавий бирликларни вужудга келтирувчи ҳодиса сифатида намоён бўлади. Ана шунга монанд равишда сўз ясалиши «умуман, қандай усул, қандай восита билан бўлмасин, янги сўз ҳосил қилиш» ёки «тилда мавжуд бўлган луғавий бирликлар базасида янги сўз ҳосил қилиш» имконияти сифатида таърифланади.

Сўз ясалишига синтагматик нуқтаи назаридан ёндашилганда эса, ясалиш жараёнини воқелантирувчи алоҳида механизмлар ва уларнинг ички муносабатига эътибор қаратилади. Шунинг учун ҳам, бундай нуқтаи назар тарафдорлари сўз ясалишига олиб келувчи асосий механизм сифатида асос + формант узвийлиги орқали намоён бўлувчи жараёнга алоҳида аҳамият беришади. Жумладан, «тилнинг ясовчи воситалари орқали янги сўзлар ҳосил қилиш» ёки «маълум бир луғавий бирликдан сўз ясовчи восита ёрдамида янги сўз ҳосил қилиш» каби таърифларда ана шундай қараш ўз ифодасини топади⁵⁴. Бунинг натижасида махсус ясовчи воситалар иширокисиз ҳосил бўладиган номорфологик ясамалар сўз ясалиши доирасидан ташқарида қолади.

⁵³ Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. -Т.,2007. 5-7-бет.

⁵⁴ Ҳожиев А. Кўрсатилган манба.7-бет.

Сўз ясалиши талқинида юзага келган ана шундай ҳолатни эътиборга олган Ю.С.Степанов қуйидагиларни эътироф этади: «Ҳозирга қадар ясама сўзлар луғатларда қайд этиладиган тайёр махсул сифатида ўрганиб келинди. Бундай ёндашув моҳиятан «сўз қандай ҳосил бўлган» саволига жавоб бериш асосида, ушбу ҳодисани морфологиянинг тадқиқот объектига айланишига олиб келади. Аслида эса, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифа, «янги сўз қандай ясалади», саволига жавоб топишдан иборат бўлмоғи лозим. Зеро, ана шундай йўл тутилганда тилда амалда бўлган ясалиш ҳодисаларига хос типик қонуниятларни ўрганиш ва шу асосда сўз ясалишининг тадқиқот объектига тўғри баҳо бериш имконияти туғилади».

Унинг фикрига кўра: «Сўз ясалиши синтагматик режада таҳлил қилинганда, алоҳида олинган ясама сўзнинг нутқ занжиридаги узвийлиги, яъни морфем таркиби рўёбга чиқади ва шу асосда «сўз қандай ясалган»лиги ҳақида маълумот олинади. Парадигматик режада таҳлил қилинганда эса, ясама сўзларнинг вужудга келиши ҳақида умумий маълумот юзага келади ва шу асосда «сўзлар қандай ясалади» саволига жавоб топиш имкони туғилади. Шундай экан, сўз ясалишининг асосий вазифаси ясама сўзлар парадигмасини текширишдан иборат бўлмоғи лозим»⁵⁵.

Дарҳақиқат, сўз ясалишининг парадигматик таҳлили ясама сўзларни ички белгиларига кўра гуруҳлаш имконини яратади, натижада, уларнинг формал-семантик структурасига хос муштаракликларни бевосита кузатиш ҳамда ясама сўзлар ва сўз ясалиш жараёнига хос типикликни белгилаш имкони туғилади. Бир сўз билан айтганда, парадигматик таҳлил тадқиқотчини ясама сўзлар ва сўз ясалиши замирида яширинган деривацион тарихни синчиклаб ўрганишга йўналтиради. Натижада ясалиш ҳодисасида амал қилиб келинган ва амал қилинадиган лингвистик қонуниятлар моҳиятига чуқур кириб бориш имкони қўлга киритилади.

Сўз ясалишини ўрганишдан кўзланадиган мақсад «сўз қандай ясалади», саволига жавоб топиш экан, ясама сўзларнинг формал-семантик

⁵⁵ Степанов Ю.С. Структура французского языка. –М., 1965. –С.101-102.

муштаракликларни вужудга келтирувчи синтагматик муносабатга эътибор бермасдан ҳам кутилган натижани қўлга киритиб бўлмайди. Бинобарин, парадигма аъзоларининг қандай асосда вужудга келганлигини белгилашда синтагматик муносабат муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Сўз ясалиш ҳодисасининг воқеланишига олиб келувчи бош омил номинатив эҳтиёждир. Инсон ҳар доим ҳам бу эҳтиёжни қондириш мақсадида тилда мавжуд бўлган имкониятлардан фойдаланавермайди. Зеро, бу имкониятлар инсоннинг тил ижодкорлигини муайян бир турдаги ясалиш доирасида чегаралашга олиб келади. Шу боис, у номлаш, ифодалаш учун хизмат қиладиган ҳар қандай имкониятни назардан кочирмайди. Тил соҳибларининг ана шундай ижодкорлиги, иқтидори сўз ясалишининг маълум бир сатҳ билан боғланган ҳолда чегараланишига йўл қўймайди.

Сўз ясалишига хос энг муҳим лингвистик хусусиятлардан бири, лексик сатҳи ва бошқа турли сатҳлар ўртасида яқин муносабатни ташкил этиши орқали кўзга ташланади. Сўз ясалишига хос бу воситачилик лексик ва морфем сатҳлар муносабати асосида ёрқинроқ намоён бўлади. Бироқ, ясалиш сўз ясалишига хос воситачилик шу билан чегараланмайди. Чунки, бу ҳодисанинг воситачилиги тилнинг лексик ва грамматик сатҳлари, шу жумладан, синтактик сатҳ ўртасидаги ўзаро алоқани ташкил қилиш орқали ҳам кўзга ташланади. Хусусан, қўшма сўзлар, грамматик-семантик дериватлар ана шу сатҳлар муносабати асосда вужудга келадиган ясамалардир.

Бу каби имкониятлар хилма-хиллиги сўз ясалиши ва ясама сўзлар таҳлилини ички ҳодисалар узвийлигидан ташкил топадиган яхлитлик сифатида ўрганиш лозимлигидан далолат беради. Бинобарин, шундай йўл тутилганда сўз ясалиши ва ясама сўзлар муносабатида юзага келган номутаносибликлар бартараф этилади. Сўз ясалишига хос ички ҳодисаларни аниқлаш ва тадқиқ этишда синтагматик ва парадигматик ва иерархик муносабатларга алоҳида эътибор бериш лозим, зеро шу асосда сўз ясалишининг сатҳлараро воситачилик роли ҳақида янада аниқроқ

хулосаларга келиш мумкин бўлади.

2.2. Сўз ясалиши ва ясама сўзлар мунсабати масаласи. Сўз ясалиши ва ясама сўзлар мунсабатида эътиборга олинishi лозим бўлган масалалардан бири, ясалишни вужудга келтирувчи компонентлардир. Сўз ясалишини вужудга келтирувчи асослар хилма-хиллиги компонентлар орқали ҳам ўз ифодасини топади. Масалан, морфологик асосли ясамаларнинг формал-семантик структураси ёрдамида уларни вужудга келтирувчи компонентларни кузатиш ва улар асосида ясама сўзлар моҳиятини, ясалиш техникасини бевосита англаш имкони мавжуд. Аммо ясама сўз мақомига эга бўлган бир қатор сўзлар борки, уларда компонентлар муносабатини кузатиб бўлмаганидек, ясалиш механизмлари моҳиятини ҳам бевосита англаб бўлмайди. Хусусан, қўшма ва қисқатма сўзлар, шунингдек, семантик дериватлар ана шундай хусусиятлидир.

Сўз ясалишига олиб келувчи ҳодисаларга хос ана шу жиҳатни инобатга олган Л.М.Васильев, ясама сўзларни ҳосил бўлишига олиб келувчи компонентлар эътиборига кўра, сўз ясалишининг **«эксплицит»** (очик) ва **«имплицит»** (яширин) компонентли турларини фарқлайди. Ўз навбатида, ясама сўзларнинг формал ва семантик белгиларга кўра, **«формал-семантик, формал ва семантик»** типларини ажратади⁵⁶.

Агар масалага ана шу нуқтаи назардан ёндашиладиган бўлса, ўзбек тилида мавжуд бўлган ясама сўзлар парадигмаси таркибан формал ва семантик белгилар асосида фарқланувчи қуйидаги ички парадигмалардан ташкил топишини қайд этиш мумкин:

1.Эксплицит компонентли формал-семантик ясамалар парадигмаси морфологик ва синтактик асосли дериватлардан ташкил топади. Бу парадигма аъзоларига хос муштараклик, биринчидан, сўз ясовчи компонентларни бевосита кузатиш имкониятига эгалиги, иккинчидан эса, уларда формал-семантик ясалишининг намоён бўлиши орқали кўзга ташланади. Бироқ формал-семантик асосли ясамаларнинг ҳар бири ўзига хос

⁵⁶ Васильев Л.М.Современная лингвистическая семантика. -М.,1990. -С. 98.

ички қонуниятларга эгалиги билан қуйидаги оппозитив гуруҳларни ташкил қилади:

а) морфологик ясамаларнинг ҳосил бўлишида морфем компонентларнинг синтагматик узвийлиги (асос+формант моделидаги) асосида формал-семантик структура (*боғ+бон*) таркиб топади;

б) қўшма сўзлар эса структурал жиҳатдан эркин бирикмалар билан боғлиқ бўлиб, ана шу моделларнинг тилда формал-семантик (*учбурчак*) жиҳатдан типиклашуви асосида ҳосил бўладиган дериватлардир;

2. Эксплицит компонентли формал ясамалар қисқартма сўзлар парадигмаси мисолида кўзга ташланади. Қисқартма сўзларнинг ҳосил бўлиши терминлашиш, лингвистик иқтисод зарурати билан боғлиқ бўлиб, бир бутун ҳолда номинатив функцияга эга бўлган мураккаб отли бирикмаларга хос фонетик компонентларнинг морфонологик асосда бириктиришдан ташкил топади. Масалан, *Бирлашган Миллатлар Ташиқлоти* аслида барқарор мураккаб бирикма бўлиб, БМТ унинг формал муқобилидир.

Е.С.Кубрякованинг қайд этишича, қисқартма сўзлар, бошқа ясамалардан фарқли равишда, борлиқ хусусидаги тасаввурнинг сифат ўзгариши асосида юзага келади⁵⁷. Бундай муносабатнинг рўёбга чиқишида эса тил бирликларига хос функционаллик муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Зеро, қисқартма сўзларнинг формал структурасини ташкил этадиган компонентлар бевосита фонема ёки бўғин эмас, балки ана шу фонологик бирликларнинг морфонологик функцияга хосланган вариантидир. Морфонологик функция эса фонологик элементларнинг морфемага хос вазифа бажариши демакдир.

3. Имплицит компонентли формал-семантик ясамалар лексик-семантик, грамматик-семантик ва лексик-фразеологик дериватлар мисолида кўзга ташланади. Бу турдаги дериватларнинг вужудга келиши

⁵⁷ Кубрякова С.Е. Семантика производного слова // Аспекты семантических исследований. –М.,1980. - С.146.

имплицит, яъни яширин ҳолда иштирок этувчи семантик ва грамматик компонентлар муносабати билан боғлиқ бўлади. Уларнинг мустақил луғавий бирлик мақомига эга бўлиши эса асос ва ҳосила ўртасида семантик боғланишнинг узилиши ва фарқланиши натижасида содир бўлади. Ана шунга кўра, бундай турдаги ясамаларни имплицит компонентли формал-семантик дериватлар каторига киритиш мумкин.

Бу тоифага кирадиган дериватлар ички ва ташқи омиллар билан боғлиқ ҳолда вужудга келишига кўра фарқланади. Ички омиллар асосида вужудга келадиган ясамалар синтактик ва лексик сатҳлар мунсабатини ўзида акс эттиради. Шунинг учун ҳам бундай дериватларнинг структураси орқали нутқий этимологик асосга доир маълумотлар сақланиб қолганлигини кўриш мумкин. Масалан, *бирга*, *бирдан*, *кечаси*, *кундузи*, *олди-берди*, *муз ёрар*, *олиб сотар* кабиларда бунинг яққол далилини кўриш мумкин.

Ташқи омил асосида вужудга келадиган дериватлар эса, полисемантик сўзлар замирида ўз ифодасини топадиган “семантик парадигма” аъзоларидан бирининг ҳосила маъно сифатида рўёбга чиқиши ва асос маъно билан алоқаси узилиши натижасида формал ифодага эга бўладиган ясамалардир⁵⁸.

Тилшуносликда сўз ясалиш ҳодисасини морфологик тамойиллар асосда ривожлангани боис, бу тамойил аксарият ҳолларда ўз устуворлигини сақлаб келмоқда. Бунинг натижасида юқорида таснифи келтириб ўтилган каби тамоида бошқа асослар билан боғлиқ ҳолда вужудга келадиган ясама сўзларни тадқиқ этиш механизмларини ишлаб чиқишга етарли даражада эътибор берилмай келинмоқда.

Сўз ясалиш тадқиқида морфологик тамойилларнинг таъсири қўшма сўзлар бўйича олиб борилган таҳлилларда яққол кўзга ташланади. Тўғри, қўшма сўзларнинг бевосита тилда содир бўлишига олиб келувчи қонуниятларнинг вужудга келишида морфологик таъсирни ҳам эътиборга

⁵⁸ Қўчқортюев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. –Т.,1977. 33-бет.

олиш лозим. Бироқ бу кўшма сўзларни вужудга келиш механизмларни мутлақ морфологияга боғлаш имкнини бермайди. Шунинг учун ҳам А.Ҳожиев содда ва кўшма ясама сўзларнинг вужудга келиши тамомила бошқа-бошқа асослар билан боғлиқ эканлигини таъкидлайди⁵⁹.

Сўз ясалишига хос интегратив белги унинг ясама сўз мақомига эга бўлган ҳосилаларни вужудга келтириш орқали ўз ифодасини топади. Бироқ сўз ясалиш жараёни шундай хусусиятга эгаки, улардан бирини ўрганиш асосида орттирилган тажрибаларни ҳар доим ҳам иккинчисига бевосита татбиқ этиб бўлмайди. Ана шу хусусият тилда ясама сўз мақомига эга бўлиш йўлларининг хилма-хил эканлигини алоҳида эътироф этиш лозимлигидан далолат беради. Бу хилма-хиллик сўз ясалишига олиб келувчи асос сатҳга хос ички қонуниятлар орқали юзага чиқади. Ҳозирга қадар сўз ясалиш муаммоси алоҳида ҳодисалар доирасида ўрганиб келингани боис, бу рангбаранглик ҳақида умумлаштирувчи мулоҳазалар юзага келмаган. Шу боис, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган галдаги вазифа сўз ясалишини ташкил этувчи ички ҳодисаларнинг қиёсий таҳлилини амалга оширишдан иборат бўлмоғи лозим.

2.3. Сўз ясалиш усуллари тавсифи. Сўз ясалишига олиб келувчи компонентлар узвийлиги синтагматик муносабат асосида содир бўлади. Ана шу муносабат туфайли кўзга ташланадиган ички жараён **усул** термини воситасида фарқланади. А. Ҳожиев томонидан эътироф этилганидек: «Бу масала бўйича кўп ишлар қилинди, кўп гаплар айтилди. Бироқ, ўзбек тилшунослигида бу ҳодисанинг моҳияти шу вақтга қадар аниқ белгилангани, бу масалада бир фикрга келингани йўқ»⁶⁰. Дарҳақиқат, худди шундай ҳулосани умумий тилшуносликка нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

Жумладан, рус тилининг “Академ грамматикаси”да қайд этилишича, сўз ясалиш усули сўз ясалиш типларига нисбатан йирикроқ бўлиб, муайян формант (префикс, суффикс, постфикс) иштирокида ҳосил бўладиган

⁵⁹ Қаранг: Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиш тизими. -Т., 2007, 16-бет.

⁶⁰ Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиш тизими. -Т., 2007, 6-бет.

типларни ўзаро бирлаштирган ҳолда, уларни турли формантлар ёрдамида ясалган бошқа типлардан фарқлайдиган воситадир. Мазкур манбада сўз яшаш усуллари мотивловчи асос миқдоридан келиб чиқилган ҳолда, қуйидагича фарқланади: 1) битта мотивловчи асосли усул (аффикс ва унинг позицион турлари билан ясаладиган содда ясамалар ҳамда субстантивация усулида ясаладиган сўзлар киритилади), 2) бирдан ортиқ мотивловчи асосга эга бўлган усул (қўшма, мураккаб ва қисқартма ясама сўзлар киритилади)⁶¹.

Е.А.Земскаянинг фикрига кўра, сўз ясалиш усуллари фарқлашда дериватив маънонинг вужудга келишида муҳим бўлган воситаларга эътибор бериш лозим. Шунга кўра, синхрон ясалиш усуллари икки турини: а) аффикслар воситасида сўз яшаш, б) аффиксларсиз сўз яшаш усуллари қайд этиш мумкин. Ушбу олим биринчи турга суффикс, префикс каби морфем структурали ясамаларни, иккинчи усулга эса қўшма, мураккаб, қисқартма, конверсив ясамалар ва бошқа семантик асосли ҳосилаларни киритади⁶².

Келтирилган бу фикрларда бевосита сўз ясалиш усулининг маъно-моҳиятини тавсифлашга нисбатан, ясалиш усуллари вазифаси ва уларнинг сўз ясовчи воситалар иштирокига кўра турларини фарқлаш етакчилик қилади. Инглиз тилига оид манбаларда эса, сўз ясалиш усуллари санаб ўтиш билан чекланилади⁶³.

Ўзбек тилшунослигида, хусусан, А. Ҳожиёвнинг кейинги ишида усул тушунчаси *сўз ясалиши* термини бевосита ясалиш маҳсуллари эканлигидан келиб чиқиб белгиланади. Олимнинг қайд этишича: «Сўз ясалиши деганда, маълум бир луғавий бирликдан сўз ясовчи восита ёрдамида янги сўз ҳосил қилиш тушунилади. Масалан, *билим* сўзи *бил* сўзига *–(и)м* қўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилинган. Демак, бу усул – қўшимча қўшиш усули. Ҳар қандай ясама сўз ана шундай таркибий қисмдан – сўз ясалиш асоси ва сўз ясовчи қисмлардан иборат бўлади.

⁶¹ Грамматика современного русского литературного языка. –М., 1970. –С.41-43.

⁶² Земская Е.А. Современный русский язык. Словообразование. –М., 1973. –С.173.

⁶³ Қаранг: Арбекова Т.И. Лексикология английского языка. –М. 1977. –С.40.

Шундай қисмлар бирикиб, сўз ҳосил қилиш, сўз яшаш усулини белгилайди»⁶⁴.

Бу фикрга кўра, сўз ясалиш усулини белгилашга хизмат қиладиган асосий мезон сўз ясалиш асоси ва сўз ясовчи қисм муносабатидир. Бундай қисмларга эга бўлмаган ясалишлар эса усулга кирмайди. Назаримизда, сўз ясалиш усулининг бундай талқини ўзининг муайян асосга эга бўлса ҳам, унинг биргина морфологик асосли ясалиш билан чегараланиши изоҳталабдир.

Усул термини хусусида Б.Н.Головин томонидан билдирилган фикрига таяниладиган бўлса, унинг замирида ясалишнинг маълум бир лингвистик жараён билан боғлиқлиги ўз ифодасини топади⁶⁵. Ҳар қандай лингвистик жараён замирида тил бирликларининг синтагматик муносабати ётади. Синтагматик муносабат эса барча тил сатҳларига оид бирликларнинг ички алоқасини ташкил этувчи асос ҳисобланади. Сўз ясалиш жараёни ҳам бундан мустасно эмас, зеро бу ҳодисанинг воқеланиш ҳам ана шу қонуниятга таянади.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да **усул** сўзи «Бирор нарсани юзага чиқариш, амалга ошириш йўли, ҳаракат тарзи, хили, тартиби» деган маънони билдириши қайд этилади (ЎТИЛ. 2-т.285.). Демак, сўз ясалиш усули замирида деривацион жараённинг юзага чиқиш тартиби, йўли ўз ифодасини топади. Масалан, *боғ+бон* ва *кул+ранг* каби ясамалар орқали кузатиладиган лингвистик жараён аффиксация ва композиция усули деб юритилади.

Сўз ясалиши орқали хилма-хил сатҳ бирликларининг синтагматик муносабати кузатилар экан, усул термини замирида ўз ифодасини топадиган деривацион жараённинг юзага чиқиш йўли, хилини белгилашда ҳам ана шу хилма-хилликни белгилашга хизмат қиладиган қонуниятга таянилмоғи лозим. Назаримизда, ана шундай фарқловчи восита сифатида

⁶⁴ Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. -Т., 2007. 7-бет.

⁶⁵ Головин Б.Н. Введение в языкознание. -М.,1977. -С.130.

иерархик муносабатга таянилмоғи лозим. Д.Г.Богушевич иерархик муносабатнинг синтагматик жараёнда кузатиладиган турини **“субординатив иерархия”** деб юритади. Субординатив иерархия тил бирликларининг синтагматик муносабатида кузатиладиган ички жараён бўлиб, унга кўра қуйи сатҳ бирликларнинг синтагматик комбинацияси асосида юқори сатҳ бирликларига ўтиши ўз аксини топади⁶⁶.

Сўз ясалиш усули термини орқали ўз ифодасини топадиган лингвистик жараённинг хили, тури иерархик муносабат билан боғлиқ ҳолда фарқланадиган бўлса, у ҳолда сўз ясалишининг икки турини, яъни а) **бевосита ясалиш**, б) **билвосита ясалиш**ни ажратишга тўғри келади. Ана шу нуқтаи назарга кўра усул термини, А.Ҳожиев томонидан эътироф этилганидек, морфологик асосли ясамаларга бевосита дахлдор бўлади. Айни пайтда бу бошқа деривацион жараёнларга нисбатан усул термини қўллаш мумкин эмас, деган хулосага ҳам олиб келмаслигини далиллайди.

Бевосита ясалиш морфологик асосли ясамалар орқали ўз ифодасини топади. Унга кўра, морфем сатҳ эементларининг синтагматик комбинацияси асосида улардан юқорида турувчи лексик бирликлар вужудга келади. Ана шунга кўра, тил бирликларининг одатдаги тартиби асосида намоён бўладиган бу муносабат субординатив иерархия деб номланади. Бевосита ясалиш орқали кузатиладиган бу хусусият сўз ясалиши терминининг ўта тор маънода, яъни **“сўз ясам”** сифатида талқин этилиши (морфологик асосли ясалишга нисбатан қўлланиши) учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади⁶⁷. Айни пайтда, бу деривацион жараёни вужудга келтирувчи асосий воситалар морфологик бирликлар бўлгани боис, жараён ва манба ўртасидаги боғлиқлик асосида бу усулини **“морфологик усул”** деб юритиш одат тусига кирган.

Билвосита ясалиш орқали кузатиладиган деривацион жараённинг тури, хилини тил бирликларининг субординатив иерархиясига зид

⁶⁶ Богушевич Д.Г.Единица функция уровень. К проблеме классификации единиц языка. –М.,1985.-С.19-20.

⁶⁷ Қаранг: Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими.-Т.,2007.

равишда содир бўлишига қараб белгилаш талаб қилинади. Зеро, бу турдаги деривация жараёнида юқори сатҳ бирликлари бир бутун ҳолда қуйи сатҳга ўтиши орқали ясама сўзлар ва бошқа турдаги дериватлар вужудга келади. Айнан ана шу зидлик мазкур деривацион жараён орқали кузатиладиган поғонали муносабатни *“десубординатив иерархия”* деб номлаш учун асос бўлади. Хусусан, ясама сўз мақомидаги конверсив дериватлар, қўшма сўзлар, шунингдек, фраземалар, парафразалар, асос эътиборига кўра, нутқ бирликларининг лексик сатҳга кўчиши орқали вужудга келадиган дериватлардир.

Умумий тилшуносликка доир манбада сўз ясалиши орқали кузатиладиган бу фарқ, тил бирликларининг синтагматик муносабат орқали кузатиладиган деривацион моделларнинг икки типини, хусусан, *“линияли ($A+B=AB$) ва линиясиз (A нинг B га ўтиши)”* моделларни фарқлаш асосида қайд этилади⁶⁸. Гарчи бу таснифда ўз ифодасини топган моҳият билвосита ва бевосита ясалиш усулларининг характериға мос келса ҳам, унда масала моҳиятиға бир ёқлама ёндашилганлигини қайд этишға тўғри келади. Зеро, келтирилган моделлар оппозицияси морфологик ясалишға, яъни линияли ($A+B=AB$) моделға нисбатан линиясиз (A нинг B га ўтиши)ни белгиланади. Ушбу манбада линияли моделлар сирасиға морфологик ясамалар билан бир қаторда, қўшма сўзлар ҳам киритилади⁶⁹.

Ҳолбуки, тил бирликларининг иерархик муносабати нуқтаи назаридан келиб чиқилганда, бу икки турдаги ясама сўзларни вужудга келтирувчи қонуниятлар тубдан фарқ қилади. Тўғри, бир қарашда қўшма сўзлар морфологик асосли ясамалар каби линияли ($A+B=AB$) модел асосида ясалгандек кўринади. Аслида эса, қўшма сўзлар структурал жиҳатдан линияли бўлса ҳам, деривацион нуқтаи назардан эса A нинг B га ўтиши асосида юзага келувчи типик моделлар воситасида ҳосил бўладиган сўзлар тоифасиға киради. Бунинг боиси шундаки, билвосита ясалиш

⁶⁸ Общее языкознание. Внутренняя структура языка. М., 1972.-С.368.

⁶⁹ Каранг: Кубрякова Е.С. Что такой словообразование. –М., 1965. –С.59 // Общее языкознание. Внутренняя структура языка. М., 1972.-С.368.

махсулларига хос формал структуралар (шу жумладан кўшма сўзлар ҳам) нутқда шакллангани ҳолда, тилда барқарорлашади. Нутқ структураларнинг барқарорлашувида эса лексик талаб, яъни семантик омил етакчилик қилади. Зотан, мураккаб таркибли birlikларнинг ихчам ифодага айлантиришдан кўзланадиган бош мақсад барқарор ном ҳосил қилишдир.

Шундай экан, бундай деривация замирида нутққа хос мураккаб таркибли бирикмаларнинг трансформация ва транспозиция воситасида тилга кўчиб, типиклашган моделлар асосида вужудга семантик ҳодиса ётади. Юзаки қаралганда, уларда бир йўла формал-семантик ясалиш содир бўлгандек кўринса ҳам, аслида, семантик ясалиш етакчилик қилади. Уларга хос ташқи структуралар эса, нутқдан “қарз олиш” ҳисобига шаклланган типик формалардир.

Шундай қилиб, сўз ясалиш усуллари тил birlikларининг иерархик муносабатига кўра, бевосита ва билвосита ясалишга дахлдор бўлган лингвистик жараёнларни ўзида акс эттиради. Ҳар иккала ҳолда ҳам деривация жараёнини воқелантирувчи асос сатҳлар лексик талабга бўйсунгани ҳолда ясама сўз ёки дериват мақомидаги birlikларни вужудга келишига сабаб бўлади. Зеро, ҳар қандай ясалиш номлаш эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилади. Номлар ва номлашнинг марказида эса лексика туради. Сўз ясалиши ва умуман тилга хос деривация номинатив birlikларни вужудга келтириш механизмларининг мажмуи сифатида асос ва лексик сатҳлар ўртасида воситачлик вазифасини бажаради.

Сўз ясалиш ҳодисасига умумий деривацион нуқтаи назардан баҳо бериладиган бўлса, ясама сўзларга бўлган эҳтиёжни қондириш билан чегараланадиган ҳодиса сифатида намоён бўлади. Бинобарин, барча турдаги ясалиш ҳодисалари, охир-оқибатда, ясама сўз мақомига эга бўлавермайди. Юқорида қайд этилганидек, тилда **формал-семантик** ясамалар билан бир қаторда, **семантик** ва **фомал** ясамалар ҳам мавжуд. Номинация жараёни учун хизмат қиладиган ҳодисаларга хос ана шу ички оппозиция сўз яалишига нисбатан кенгроқ қамровли лингвистик

парадигмага эҳтиёж болигидан далолат беради. Тилшуносликда ясалиш ходисаларининг деривацион тамойиллар остида бирлаштириб ўрганилишига сабаб бўлган асосий омил ҳам ана шу эҳтиёж туфайлидир.

Сўз ясалиш ва умуман тилга хос деривация жараёнининг воқеланиши орқали кузатиладиган ички тафовутлар синтагматик муносабатни воқелантирувчи асос сатҳ билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Зеро, синтагматик муносабат ҳар қандай турдаги тил бирлигининг биринкетин бирикишини ўзида акс эттирувчи умумий қонуниятдир. Шунинг учун ҳам, синтагматик муносабат турини белгилашда манба, яъни сатҳ эътиборидан келиб чиқилгани ҳолда, морфологик, лексик, синтактик каби турлар фарқланади. Синтактик муносабатнинг манбалар, яъни асос сатҳлар эътиборидан келиб чиқиб фарқланиши, умумий тарзда деривацион муносабат деб юритилади.

Сўз ясалишига доир ишларда ушбу системани ташкил этувчи энг муҳим интегратив восита сифатида сўз ясалиш типи эътироф этилади. Юқорида қайд этилганидек, бу масаланинг илмий таҳлили қадимий асосга эга бўлиб, туркийшуносликда Маҳмуд Кошғарий меросида илк бор тилга олиинган бўлса, Гумбольдт ва Ф.де Соссюрларнинг меросида эса бу масала тил формасининг аналогик табиати билан боғлиқ ҳолда атрофлича муҳокама қилинади.

Н.В.Крушевскийнинг тадқиқотида бевосита сўз ясалиш типи ҳақида сўз юритилади. Унинг фикрига кўра, «Тилда ҳар доим сўз ясалиш типларига ва уларнинг алоҳида турлари ўртасидаги боғланишга дуч келиш мумкин, зотан, сўзларда ҳар доим структуралар оиласи, типлар системаси намоён бўлади. Бошқа томондан эса, тушунчалар мазкур системалар воситасида борлиқдаги нарса, белги, ҳаракат кабилар билан боғланади ва ўзига хос категорияларни ташкил қилади». Типик структураларнинг амалий аҳамияти хусусида олим қуйидагиларни қайд этади: «Агарда сўзларда ана шундай типлар тизими у ёки бу аниқликда намоён бўлмаганда, тилнинг

барқарорлиги ҳақидаги хулосалар ҳам юзага келмаган бўлар эди»⁷⁰.

Сўз ясалишга оид кейинги ишларда бу каби типик структуралар «сўз ясалиш типи» термини остида юритилгани ҳолда, бу борада олиб борилган изланишларнинг аксарияти морфологик типлар таҳлили доирасида чегараланган. Жумладан, И.С.Улухановнинг ёзишича, «сўз ясалиш типи - ясалиши жиҳатидан бир хил бўлган ҳосилаларнинг формал-семантик структурасига доир абстракт схема бўлиб, мазкур схема а) сўз ясовчи асос мансуб бўлган туркум, б) ясама сўз ва ясовчи ўртасидаги семантик муносабат, в) ясама сўз ва ясовчи ўртасидаги формал муштараклик орқали белгиланади»⁷¹.

А.Ҳожиёвнинг фикрига кўра, сўз ясалиш типи «Маълум бир лексик-семантик гуруҳга оид сўзлардан муайян бир сўз ясовчи ёрдамида ҳосил қилинган, бир хил сўз ясалиш маъносига эга бўлган сўзлар сўз ясалиш типини ҳосил қилади». Олимнинг қайд этишича, «муайян тилнинг ўзаро алоқа (муносабат)даги сўз ясалиш типлари эса сўз ясалиш тизими»ни ташкил қилади⁷².

Келтирилган иккала таърифда ҳам сўз ясовчи асос ва ясовчи восита (формант)ларининг алоҳида эътироф этилиши орқали асос+формант моделида ясаладиган морфологик ясамалар типи ҳақида гап бораётганлигини англаш мумкин.

Сўз ясалиши кенг маънода ясама сўз мақомидаги бирликларни вужудга келтирувчи ҳодиса сифатида талқин этилар экан, келтирилган таърифлар ва сўз ясалиш типи термини моҳияти ўртасида номувофиқлик мавжудлигини қайд этишга тўғри келади. Зеро, сўз ясалиш типи термини таркибидаги биринчи компонент (яъни сўз ясалиши қисми) ушбу ҳодисани сўз ясалишининг муайян бир тури (юқоридаги таърифлардаги каби морфологик ясамалар) билан боғлаш мумкин эмаслигидан далолат беради. Шундай экан, сўз ясалиш типини хусусий типлардан ташкил топадиган

⁷⁰ Крушевский Н.В. Очерк науки о языке // Хрестоматия по истории русского языкознания. -М.,1973. -С. 424-425

⁷¹ Улуханов И.С. Словообразовательная семантика в русском языке. -М.,1977. С.11.

⁷² Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими.-Т., 2007.39-42-бетлар.

умумий аналогик механизм сифатида тавсифлаш лозим. Бундай тажриба А.Ҳожиевнинг изланишида қўлланилган бўлиб, у сўз ясалиш типи асосида юзага келадиган ясама маъноларнинг умумий ва хусусий типларини, шунингдек, сўз ясалиш типининг “*подтиплари*”ни фарқлайди⁷³.

Гарчи, бу тасниф сўз юритилаётган умумий ва хусусий типлар билан бевосита боғлиқ бўлмаса ҳам, масала ечимига бўлган ёндашув (умумийликдан хусусийликни фарқлаш) нуқтаи назаридан яқиндир. Бизнинг назаримизда, сўз ясалишининг умумий типини белгилашда муҳим бўлган манбалардан бири ясама сўз мақомидаги бирликлар ва уларнинг вужудга келишини таъминловчи аналогик қоидалар умумийдир. Бундай типликни вужудга келтирувчи восита эса ижтимоий нутқий фаолиятдир. Зотан, ана шу восита сўз ясалиш типини авлодан авлодга ўтиб, кишилар хотирасида концептуал тизим сифатида сақланишини таъминлайди.

2.4. Сўз ясалиш типи ҳақида маълумот. Сўз ясалиш типи хусусий типлар сингари конкрет ифодага, яъни формула ёки схемага эга эмас. Шу боис, уни ясама сўз мақомидаги бирликларнинг вужудга келишини таъминловчи аналогик қоидаларга хос муштаракликлар асосида тасаввур этиш мумкин. Ана шу хусусиятлар сўз ясалиш типини бир неча хусусий типлар узвилигидан ташкил топадиган умумийлик сифатида тасаввур қилиш имконини яратади. Сўз ясалишнинг умумий типига хос хусусийликларни белгилашда эса деривацион муносабат турига таянилади.

Масалага ана шу нуқтаи назардан қаралганда, умумий ва хусусий типлар муносабати биргина ясама сўз мақомидаги бирликлар орқали ўз ифодасини топмаслиги маълум бўлади. Зеро, деривацион муносабат биргина формал-семантик жиҳатдан мустақил бўлган сўзлар доирасида чегараланмагани каби, типик аналогияларнинг амал қилиш кўлами ҳам сўз сатҳига мансуб бирликлар доирасида чегараланмайди, балки фразиологик бирликларнинг вужудга келиши мисолида ҳам ўз ифодасини топади.

⁷³ Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиши.-Т., 1989. 22-бет.

Шунга кўра уларнинг турларини умумий тарзда қуйидагича белгилаш мумкин:

1) **сўз ясалишининг морфологик типи** маълум бир лексик-семантик гуруҳга оид сўзлардан муайян бир сўз ясовчи ёрдамида ҳосил қилиниши ва бир хил сўз ясалиш маъносига эга бўлиши асосида намоён бўлади⁷⁴. Демак, морфологик типларни белгилашда ясама маъно ва сўз ясалиш структурасини ташкил этувчилар муштараклигига эътибор қаратилади. Бундай муштаракликни ташкил этувчилардан бирининг ўзгариши натижасида хусусий типлар бошқа подтиплар билан бирлашган ҳолда умумлашма ҳосил қилади. Масалан: *сувчи, буфетчи, ишчи, футболчи, доирачи* каби дериватларда асослар хилма-хил бўлгани боис ясама маъно ҳам умумий, яъни “асосдан англашилган фаолият билан шуғулланувчи шахс” маъноси англашилади. Бироқ, *доирачи, найчи, сурнайчи, карнайчи, чангчи, гижжакчи* каби ясамаларда структур-семантик жиҳатдан муштарак эканлиги билан юқорида келтирилган умумий типдан фарқланади. А.Ҳожиев ана шундай хилма-хилликни “типнинг ички группаси, яъни подтип” сифатида фарқлайди⁷⁵. Демак, сўз ясалишининг морфологик типи ана шундай тип ва подтиплар узвийлигидан ташкил топади.

2) **сўз ясалишининг абберивацион типи** мураккаб отли бирикмаларнинг формал ифодалари асосида юзага келади. Бу турдаги сўзларнинг ясалишдан кўзланган мақсад мураккаб бирикмалардан қисқартма сўзлар ҳосил қилишдир. Шу боис, абберивацион типлар ясамаларга хос формал муштараклик асосида белгиланади. Хусусан, ўзбек тилида қисқартма сўзларнинг қуйидаги подтиплари қайд этилади: а) бирикма компонентларининг бош ҳарфларини қисқартириб олиш асосида: *БМТ - Бирлашган Миллатлар Ташиқоти, МТС – Мобиль телефон станцияси*; б) биринчи сўзнинг бош бўғини, қолган сўзларнинг бош

⁷⁴ Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими.-Т., 2007.39-42-бетлар.

⁷⁵ Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиши.-Т., 1989. 22-бет.

харфларини қисқартириб олиш асосида: *ЎзМУ, СамДУ, СамДЧТИ* каби; в) фақат бош қисмларни қисқартириб олиш асосида: *Ўзтелеком, филфак* каби; г) биринчи сўзларнинг бош қисми ва кейинги сўзни бутун ҳолда олиш асосида: *Ўздунробита, Ўзтелерадио* каби.

3) **сўз ясалишининг семантик тип** муайян асос маънодан ҳосила маънони юзага келтирувчи имплицит компонентли моделларни ўзида бирлаштиради. Ҳосила маънонинг юзага келишида эса семантик (метафора, метонимия, синекдоха каби) ва грамматик (конверсия) транспозиция восита бўлиб хизмат қилади. Юқорида қайд этилганидек, семантик транспозиция сўз маъносининг экстралингвистик омиллар таъсирида полисемантик хусусият касб этиши асосида содир бўладиган семантик дериватлар мисолида ўз ифодасини топади. Грамматик транспозиция эса лингвистик бирликларининг интеролингвистик омиллар таъсирида полифункционал хусусият касб этиши асосида воқеланадиган деривацион ҳодисалар орқали кўзга ташланади. Бироқ ҳар иккала ҳолда ҳам, деривацион жараён асос ва ҳосила семалар ўртасидаги муносабатга таянади. Шунга кўра, бундай деривацион жараён орқали кузатиладиган типикликни семантик тип деб умумлаштириш мумкин. Ўз навбатида, бу умумий тип қуйидаги подтиплар бирлигидан ташкил топишини қайд этиш мумкин:

1) **лексик-семантик тип** тилда мавжуд бўлган маъно кўчиш усуллари натижасида вужудга келадиган ҳосила маъноларнинг барқарор номинатив эҳтиёж туфайли мустақил формал-семантик структура ташкил этиши натижасида ҳосил бўладиган ясама сўзлар (*дам - ҳордиқ, ҳарорат, тиг* каби) орқали ўз ифодасини топади. Бироқ, бундай типдаги ясама сўзларнинг вужудга келиши қисқа муддатли эмас, шу боис сўз ясалишининг лексик-семантик типни синхрон ясалишга киритиб бўлмайди;

2) **семантик тип** тилда мавжуд бўлган маъно кўчиш усуллари асосида ҳосила маъноларни вужудга келтирувчи семантик моделлар

орқали ўз ифодасини топади. Бу типдаги дериватлар контекстуал карамликда намоён бўлади ва маъно кўчиш ҳодисаларнинг воқеланиш характерига монанд равишда бир неча подтиплардан ташкил топади;

3) *грамматик-семантик тип* синтактик қуршов тақозосига кўра вужудга келган сўз шакллари (содда, жуфт, такрор ва баъзи қўшма шакллар)нинг номлаш эҳтиёжи билан боғлиқ ҳолда трансформацияси ва транспозицияси (конверсияси) натижасида ҳосил бўлган дериватларда ўз ифодасини топади. Грамматик-семантик тип асосида ҳосил бўладиган дериватлар ҳам икки хил ҳолатда кузатилади: а) асос структура билан грамматик-семантик алоқа узилиши натижасида мустақил структурага эга бўлган ясама сўзлар орқали, б) асос структура базасида шаклланиб, контекстуал карамликда намоён бўладиган грамматик-семантик дериватлар орқали ўз ифодасини топади. Айни пайтда, улар ниҳоятда хилма-хил синтактик вазиятлар билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади (*қўйин, чақмоқ, ўйнаш, бирдан, ишбилармон, олди-берди, олди-қочди*). Ана шунга кўра уларнинг бир неча подтипларга ажратиш имконини беради.

4) *сўз ясалишининг композитив тип*и, қўшма сўз қисмларга хос муштарак синтактик муносабат асосида юзага келадиган аналогик моделлар орқали кўзга ташланади. Аввал айтилганидек, қўшма сўзлар эркин бирикмаларнинг трансформацияси, транспозицияси, десемантизацияси ва лексикализацияси натижасида вужудга келадиган деривацион механизмларни ўзида акс эттиради. Қўшма сўзларнинг ҳосил бўлишида семантик талаб, яъни номлаш эҳтиёжи етакчилик қилса ҳам, бу жараён турли семантик вазиятлар билан боғлиқ ҳолда воқелангади. Ана шу ҳолат уларни деривацион маъно асосида гуриҳлаш имконини бермайди. Шунинг учун ҳам, қўшма сўзлар замирида ўз ифодасини топган типикликларни белгилашда структурал ёндашувга эҳтиёж сезилади⁷⁶.

Қўшма сўзларнинг вужудга келиши эркин номинатив бирликларнинг тилда барқарорлашуви асосида содир бўлади. Ана шунга мувофиқ тарзда,

⁷⁶ Раҳимов А. Лексик ва семантик деривация муаммолари. –Т.2011.56-б.

эркин номинатив бирликларни ташкил этувчи компонентлар ўртасидаги грамматик муносабат ҳам, компонентлар мақоми ва муносабати ҳам ўзининг эркинлигини йўқотади. В.И.Кодухов томонидан эътироф этилганидек, бундай функционал ўзгариш қуйидаги омиллар таъсирида содир бўлади: «Сўз ясалиш моделларининг муҳим жиҳатларидан бири, уларнинг воситачилик характери орқали намоён бўлади. Чунки тил бирликлари айнан сўз ясалиш моделлари воситасида биринчидан, тилнинг морфологик системасидан, яъни сўз туркумлари, разрядлар тизимидан ўрин эгаллаш имкониятига эга бўлса, иккинчидан, тилнинг лексик-семантик системасидан ўрин эгаллайди»⁷⁷.

Сўз ясалиши тилнинг лексик тизимида туб сўзлар, яъни бирламчи луғавий бирликлардан фарқланади. Шунинг учун ҳам ясама сўзлар тилнинг лексик системасидаги иккиламчи луғавий бирликлар микротизими сифатида ҳам эътироф этилади. А.Бердиалиев ясама сўзлар парадигмасига хос ана шундай хусусий ва умумий белгиларни эътиборга олиб, «ўзаро оппозитив муносабатдаги *меҳнаткаш, ишчи, курсдош, бозбон, каптарбоз, ҳукмдор* каби сўзларни бир парадигма доирасида бирлаштириш мумкинлигини қайд этади. Унинг фикрига кўра, келтирилган сўзларнинг парадигма ҳосил қилиши учун асос бўлган муштарак белги –шахс маъносидир. Бироқ бу типдаги парадигма қамровида ҳар бир аъзо бошқасидан фарқ ҳам қилади. Фарқ уларнинг ифода материалига (репрезентациясига) кўрадир»⁷⁸.

Бошқа тил бирликларида бўлгани каби сўз ясалиш системаси ҳам иерархик муносабат талабига кўра кичик бирликларнинг ўзидан катта бирликларга бирлашиши асосида шаклланади. Сўз юритилаётган ҳодисага хос тизимни тадқиқ этишдан кўзланган мақсад, аввало, сўз ясалишининг узлуксиз содир бўлишига олиб келадиган типик механизмни аниқлаш ва мазкур механизмларни бири иккинчисини келтириб чиқаришга асосланувчи қонуният асосида ишлаши учун қулай шароит яратувчи лингвистик ва

⁷⁷ Кодухов В.И. Словообразовательный ярус и словообразовательный модель // В сбор.: Актуальные проблемы русского словообразования.-Т.,1978. -С. 44-47.

⁷⁸ Бердиалиев А. Ўзбек тили синтактик парадигматикаси асослари.-Т.,1991.9-бет.

экстралингвистик омилларни аниқлаш ва тадқиқ этишдир.

Масалага ана шу нуқтаи назардан ёндашиладиган бўлса, П.А.Соболева томонидан қайд этилган систем муносабатда синтагматик ва парадигматик асосларни туташтирувчи ва чегараловчи марказий воситанинг етишмаслиги маълум бўлади. Сўз ясаиш тизимидаги ана шундай марказий восита вазифасини сўз ясаиш типи ўташи, юқорида келтирилган деярли барча ишларда яқдиллик билан эътироф этилади. Бироқ, мазкур марказий механизмнинг аҳамияти нималарда намоён бўлиши изоҳталабдир.

Баъзи ишларда сўз ясаишига хос тизимли муносабатни белгилашда муҳим бўлган воситалардан бири сифатида “усуллар парадигмаси” ҳам қайд этилади⁷⁹. Юқорида айтиб ўтилганидек, усуллар сўз ясаишига хос жараён тури, хили асосида дифференциацияловчи воситадир. Шунинг учун ҳам усуллар парадигмаси фақат ички деривацион муносабатга хос муштарак ва фарқларни аниқлашда аҳамиятли бўлиши мумкин. П.А.Соболеванинг таъбири билан айтганда, усуллар сўз ясаиш маҳсуллари каби ифодаловчи ва ифодаланувчи томонлар бирлигига эга эмас. Шунинг учун ҳам бундай парадигмаларни сўз ясаиш тизимини белгиловчи асосий воситалар қаторига киритиб бўлмайди⁸⁰.

Ю.С.Степанов сўз ясаиш структурасини ясаиш типларидан фарқлаш лозимлигини уқтиради. Унинг фикрига кўра: «Сўз ясаиш структураси нутқ билан боғлиқ бўлгани боис, идеоматик моҳият касб эта олмайди. Сўз ясаиш типлари эса, ўзининг ижтимоий тан олинганлиги, идеоматизациялашганлиги, тайёр ҳолда намоён бўлиши билан структурадан фарқланади». Сўз ясаиш типларига хос идеоматизация замирида эса структур-семантик яхлитланиш ва барқарорлашиш ётади. Шунинг учун ҳам, «идеоматизация ясама сўзларни сўз ясаишда иштирок этадиган қисмлар маъносига нисбатан кенгроқ бўлишини таъминлайди»⁸¹.

Дарҳақиқат, сўз ясаишига хос типиклик структуралар замирида тил

⁷⁹ Мирзакулов Ш.Ў. Ўзбек тилида сўз ясаиш маъноси ва парадигмаси. НДА. -Самарқанд, 1995. 12-бет.

⁸⁰ Соболева П.А. Словообразовательная полисемия и омонимия. -М., 1980. -С.37.

⁸¹ Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. -М., 1975. -С.151.

– нутқ – нутқий фаолият – тил схемаси орқали намоён бўладиган жараён ўз ифодасини топади. Чунки, сўз ясалишни вужудга келтирувчи восита тил бирликларидир ва улар ўзининг илк конструктив асосига нутқда эга бўлади. Ўз навбатида, бу деривацион жараённинг воқеланиши стихияли ҳолда эмас, балки нутқий фаолият орқали белгиланган мезонларга таянади. Айнан ана шу мезонлар сўз ясалиш структураларининг типик характерга эга бўлган ҳолда, бевосита тилда содир бўлувчи ҳодиса сифатида амал қилиши учун қулай имконият яратади.

Бироқ қайд этилган бу схематик жараён орқали биргина бевосита ясалишга дахлдор қонуниятларни тасаввур қилиш мумкин. Билвосита ясалиш жараёнида эса сўз ясалиш структураларининг таркиб топиши ва типиклашуви нутқ – нутқий фаолият – тил схемаси асосида амалга ошади. Зотан, билвосита ясалиш маҳсулларининг аксарият қисмини нутқ структуралари базасида вужудга келиб, ижтимоий нутқий фаолият таъсирида типиклашган моделлар ёрдамида ҳосил қилинган бирликлар ташкил қилади.

Ана шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, сўз ясалиш ҳодисаси икки асос билан, яъни динамик ва статик асослар билан боғлиқ ҳолда намоён бўладиган тизимни ўзида акс эттиради. Шунинг учун ҳам Г.С.Зенков сўз ясалиш моделларига хос икки хил асосини синтагматик ва парадигматик асосларни ажратади⁸².

Бизнинг назаримизда, П.А.Соболева томонидан эътиоф этилган деривацион босқич ва структуралар муносабати сўз ясалишнинг динамик босқичига дахлдор бўлса, мазкур тизимни ташкил этувчилар сифатида И.И.Кавалик томонидан қайд этилган разрядлар, категориялар ва синфлар парадигмаси унинг статик босқичга дахлдордир. Бинобарин, сўз ясалиш тизимида хос бошланғич фаза сифатида эътироф этилган деривацион босқич операнд ва операторларнинг синтагматик узвийлиги орқали намоён бўладиган ички жараённи тақозо этади. Бу жараённинг сўнгги натижаси

⁸² Қаранг: Зенков Г.С. Вопросы теории словообразования. -Фрунзе,1969. -С.33.

сифатида эса сўз ясалиш структураси вужудга келади ва шунинг билан сўз ясалиш тизимининг динамик босқичи ўз якунига етади.

Динамик босқичга тегишли бўлган сўз ясалиш структуралари, Ю.С.Степанов томонидан эътироф этилганидек, нутқ билан боғлиқ бўлади. Шу боис, улар бир йўла идеоматик моҳият касб эта олмайди. Бунинг учун деривацион структуралар тил эгалари томонидан сараланаши ва танланиши лозим. Ана шунга мувофиқ тарзда сўз ясалиш структураларининг кейинги такомили ижтимоий нутқий фоллят билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Зотан, айнан ана шу восита ёрдамида сўз ясалиш структуралари тил эгаларининг синовидан ўтади, одатий ва анъанавий хусусият каб этади, типиклашади ва ўз типдошлари билан **ассация** ҳосил қилади ҳамда идеоматик моҳият ҳосил қилади. Бундан келиб чиқадики, сўз ясалишнинг статик босқичига хос бўлган энг характерли хусусият деривацион структураларни парадигматик барқарорлик касб этиши ва меёрийлашишини таъминлашдир. Ана шунга кўра, бу босқич бевосита лингвистик элементлар комбинациясини эмас, балки лингвистик қийматга эга бўлган бирликларнинг когнитив тамойиллар асосида мустаҳкамланишини ўзида акс эттиради.

Боб бўйича хулоса

Қайд этилган мулоҳазалар ижтимоий нутқий фаолиятни биргина статик босқич билан боғлиқ ҳолда тасаввур этилишига ҳам олиб келмаслиги лозим. Зеро, ижтимоий нутқий фаолият сўз ясалишининг статик босқичи учун қай даражада аҳамиятли бўлса, унинг динамик босқичида ҳам шу даражада аҳамият касб этади. Чунки, операнд ва оператор муносабатини тақозо этувчи деривацион босқич ва структураларнинг ички таркида ҳам, ана шу структураларнинг типик хусусият касб этишида ҳам ижтимоий нутқий фаолият лингвокогнитив асос сифатида хизмат қилади. Нутқий фаолиятни ана шу хусусиятига кўра ижтимоий синов майдонига ўхшатиш мумкин. Зеро, ана шу ижтимоий синов майдонидан муваффақият билан ўтган структураларгина деривацион жараёни бевосита тилда содир бўлишини таъминловчи механизм сифатида фаолият кўрсата олади.

Сўз ясалиш тизимининг кейинги поғоналашуви ясалиш типининг тизим ташкил этувчанлик хусусияти асосида амалга ошади. Зеро, сўз ясалиш типлари тип-подтип муносабати асосида хилма-хил парадигмаларни ташкил этади. Бу парадигмаларни разрядлар, категориялар ва синфлар каби ўзига хос иерархик поғоналар мисолида тасаввур қилиш мумкин. Ана шу фактлар сўз ясалиш тизимининг ташкил топишида марказий механизм сифатида сўз ясалиш типи иштирок этишини тасдиқлайди. Сўз ясалиш типига хос бу мақом мазкур тизимнинг динамик ва статик босқичларини ўзаро туташтирувчи восита сифатида аҳамият касб этши орқали ҳам ўз тасдиғига эга бўлади.

Сўз ясалиш типининг марказий механизм эканлиги деривация ходисасига хос узуал мезонни белгиловчи восита эканлиги орқали ҳам кўзга ташланади. Сўз ясалиш типига хос бу хусусият ҳам нутқий фаолият таъсирида вужудга келади. Зеро, сўз ясалишнинг типиклиги замирида нутқий фаолият асосида ишлаб чиқилган ижтимоий мезонлар ётади. Бу мезонлар: а) тил эгаларининг онгида ясама сўзларни ҳосил қилишда иштирок этувчи элементларнинг синтагматик комбинациясига хос типиклик мисолида, б) ана шу комбинацион имкониятларнинг концептуал **узвийлигига** доир билим ва кўникмалар мисолида ўз ифодасини топади. Сўз ясалиш типларининг бир томондан грамматик, бошқа томондан эса ижтимоий руҳий ходиса сифатида намоён бўлишининг боиси ҳам ана шу икки асос билан боғлиқдир.

Ю.С.Степанов сўз ясалишида тилнинг ички лингвистик табиатига дахлдор бўлмаган фактлар ҳам ўз аксини топиши ҳақида ёзади. Унинг фикрича, сўз ясалишига хос ана шундай омилларни фарқлашда «ясама сўзларнинг фаол моделлар асосида нутқда ҳосил бўлиши ва ана шу сўзларнинг ижтимоий эҳтиёж маҳсули сифатида бевосита тилда барқарорлашиши, яъни луғатлардан ўрин эгаллаши»га эътибор қаратиш лозим. Булардан биринчисида бевосита сўз ясалишнинг ички механизмлари ўз аксини топгани боис, уларни лингвистик терминлар орқали изоҳлаш

имкони мавжуд. Бироқ иккинчиси халқ маданияти, тарихи билан боғлиқ мураккаб ва узоқ муддатли жараён бўлгани боис, уларни тилнинг бирор бир структур тамойили воситасида таҳлил қилиб бўлмайди»⁸³.

Дарҳақиқат, бу фикр ҳам сўз ясалишнинг биргина грамматик қонуниятлар билан боғлиқ эмаслиги, бу жараённинг бевосита тилда содир бўлишига олиб келувчи қонуниятларнинг вужудга келишида экстралингвистик омиллар ҳам ўз таъсирига эга бўлишига доир мулоҳазаларни яна бир бор тасдиқлайди. Сўз ясалиши орқали кузатиладиган ана шу хусусиятларни чуқур ўрганиш мақсадида сўнгги йилларда лингвокогнитив усулларни татбиқ этиш масаласи илгари сурилаётганининг боиси ҳам шундадир⁸⁴.

⁸³ Степанов Ю.С. Основы общего языкознания.-М.,1975. -С.151.

⁸⁴ Кросильникова Л.В. Функциональное словообразование как одна из дисциплин специальности // Ruslang. edu. ru/files/ materials/169

Учинчи боб

Ўзбек ва корейс тилларида сўз ясалиши

3.1. Лексик деривация типларининг ўзбек ва корейс тилларида воқеланаши. Деривацион ҳодисаларга хос энг асосий дифференциал белги уларнинг динамик ёки статик ҳолатда воқеланиши орқали намоён бўлади. Ана шу хусусиятга таянилган ҳолда, бу ҳодисаларнинг икки типини, яъни лисоний ва нутқий деривацияни фарқлаш мумкин. Ҳозирга қадар бундай фарқланиш лексик ва синтактик деривация терминлари асосида амалга ошириб келингани маълум. Бироқ, бу термин, айти пайтда, лексик деривация жараёнида содир бўладиган категориал ўзгаришларнинг ифодаловчиси сифатида ҳам қўлланади. Терминларнинг параллеллигини эса ижобий ҳол деб бўлмайди, чунки улар турли чалкашликларга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам, ишда бу ҳодисалар лисоний ва нутқий деривация терминлари асосида фарқланишига эҳтиёж сезилади

Лисоний деривация жараёни тил бирликларининг субординатив ва десубординатив иерархиясига кўра, бевосита ва билвосита ясалишни ўзида акс эттиради. Бевосита ясалиш қуйи сатҳ бирликларининг синтагматик комбинацияси асосида ўзидан юқори турувчи бирликларни вужудга келтиришни тақозо этади. Ана шунга монанд равишда, бу типдаги ясалиш орқали асос+формант модели (линияли модел) ўз ифодасини топади. Сўз ясалишининг тор маънода, яъни морфологик асосли ясамаларга нисбатан (сўз яшаш сифатида) қўлланишига сабаб бўлган омил ҳам, аслида, бевосита ясалишдир.

Билвосита ясалиш эса турли ҳажмдаги тил ва нутқ бирликларининг десубординатив иерархиясига таянади. Бу турдаги деривацион жараён замирида тил ва нутқ бирликларининг транспозицияси ётади. Зеро, транспозиция биринчидан, нутқ бирликларининг тил бирлигига кўчиши учун, иккинчидан, деривация жараёнида турли категорияга мансуб асос (операнд) структураларнинг туркумлараро кўчиши учун, ниҳоят, хилма-

хил концептуал (семантик) майдонларнинг ўзаро кесишуви учун ўзига хос кўприк вазифасини бажаради. Ана шу хусусиятига кўра, транспозиция лексик деривация жараёнида содир бўладиган категориал ўзгаришларнинг анъанавий ифодаловчиси бўлган синтактик деривация терминга нисбатан қулайроқдир⁸⁵.

Лексик деривация қиёсланаётган тилларда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, бу ходиса тилларнинг замон талабига монанд равишда ривожланиши учун энг муҳим восита ҳисобланади. Лексик деривация бўйича тадқиқот олиб боришда эътиборли бўлган масалалардан бири сўз ясалишининг синхрон ва диахрон асосга эътибор беришдир. Бинобарин, ҳозирги (яъни синхрон) лексик деривацияда ясама сўз компонентлари ўртасидаги муносабат жонли бўлади, унинг маъносини компонентларининг маъно муносабати билан асослаш мумкин (шундай муносабат аниқ сезилиб туради): *тер+им, йиғ+им, ўр+им, арра+ла, эгов+ла, инсоф+сиз, савод+сиз* каби. Корейс тилида ҳам маъно муносабати аниқ сезилиб туради: *წმ+ ი, ტყ+ გე, ჯამ+ ბო, მტ+ ჯერი, ჯი+ დამა, კეკე+ ხადა, წმ+ იდა, უტ+ გიდა, ჯოფ+ ი, მტ+ ი* ва бошқалар.

Тарихий (диахрон) ясалишда ясама сўзнинг маъноси ва шу маънонинг ифодаланиш усулини юқоридагидек асослаб бўлмайди. Бу маъно махсус текширишлар, тарихий кузатишлар орқали аниқланади. Масалан, *кўрпача*: *кўрпа* сўзи ётганда устга ёпиладиган, ичига пахта ёки бошқа нарса солиб тайёрланган нарсани, **-ча** аффикси эса кичрайтириш маъносини билдиради. Лекин *кўрпача* сўзи «кичик кўрпа» деган маънони эмас, балки ичига пахта ёки бошқа нарса солиб тайёрланган, ўтириш жойига тўшаладиган нарсани билдиради. Демак, *кўрпача* сўзининг маъносини унинг *кўрпа* ва **-ча** қисмлари маъноси билан асослаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам *кўрпача* сўзининг ясалиши тарихий ясалиш ҳисобланади. Бунда ҳозирги *кўрпача* сўзини *кўрпа* ва **-ча** компонентларига ажратиб эмас, балки унинг қандай қилиб шундай маънони ифодаловчи

⁸⁵ Раҳимов А. Лексик ва семантик деривация муаммолари. –Т.,2010. 4-б.

сўзга айланганлигини аниқлаш, текшириш керак. Демак, тарихий (диахрон) сўз ясалиши бир бирликнинг (бу ўринда морфологик бирликнинг – кичрайтириш формасининг) қандай қилиб иккинчи бир бирликка (лексик бирликка - лексемага) ўтишини ўрганади.

Диахрон ясалишда тилнинг тарихи ва унинг қандай ривожланиши муҳимдир. Корейс тили тарихида хитой ва япон тилларининг аҳамияти жуда катта. Уларда ҳар бир сўз ясалиши 3 мамлакатнинг тарихи, маданияти нуктаи назаридан келиб чиққан. Шунинг учун корейс тилида диахрон ясалиш деганда, 3 мамлакат тил тарихидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Масалан: Равиш сўз туркуми ҳисобланган 비로소 сўзи 비롯+오 шаклидан ясалган деб тахмин қилиш мумкин. ҳозирги корейс тилидаги 비롯하다га қараганда, ўрта асрлар тилидаги 비롯다 билан алоқадор феълдан ясалган. Ўзбек ва корейс тилларида ҳозирги (синхрон) сўз ясалишида камида иккита ясовчи компонент қатнашади. Булардан, ҳеч бўлмаганда биттаси мустақил маъноли (предмет, белги, ҳаракат ва ш.к.) бўлади. Ясама сўзни юзага келтирувчи бу компонентлар ясовчилар, уларнинг ўзаро муносабатидан (бирикишадан) ҳосил бўлган бирлик **ясалма** (ясама сўз) дейилади.

Ясалманинг юзага келишида қатнашувчи мустақил маъноли қисм ясовчи асос (ясалманинг асоси) ҳисобланади. Бундай асос содда ясама сўзда битта, қўшма сўзда бирдан ортиқ бўлади: *ишчи*: *иш* – ясовчи асос, - **чи** – ясовчи аффикс, *ишчи* – ясалма; *тошқўмир*: ясовчи асос – *тош* ва *қўмир*, *тошқўмир* – ясалма. Корейс тилида ҳам: *깨끗하다*: *깨끗* - ясовчи асос, *하다* - ясовчи аффикс, *깨끗하다* – ясалма; *돌다리*: *돌* (тол - тош) + *다리* (тари - кўприк) - ясовчи асос, *돌다리* (толтари - тошқўприк) – ясалма.

Агар сўз таркибида, юқорида айтилганидек, икки ясовчи компонент қатнашмаса, гарчи бу сўз таркибида ясовчи аффикс ёки мустақил маъноли қисм бўлса-да, шунингдек, сўзнинг маъноси билан сўз ясалишининг маълум типни ўртасида алоқадорлик сезилса-да, бу ясама сўз бўла олмайди.

Масалан, *қаттиқ*, *юмшоқ*, *силлиқ* сўзларига эътибор беринг. Булардан *юмшоқ* сўзи *юмша* феълига **-қ** аффиксининг кўшилишидан ҳосил бўлганини сезиш қийинд эмас (**-қ** аффиксининг таъсирида феъл охиридаги **а** товуши **о** товушига ўтган: *юмша+қ* - *юмшоқ*). Шунингдек, *юмшоқ* сўзи билдирган маънони *юмша* ва **-қ** ясовчилари маъноси билан асослаш мумкин: **-қ** аффикси предметнинг феъл англатган ҳаракат натижаси сифатидаги белгисини билдиради: *йиғиқ*, *қисиқ*, *ёпиқ*, *йиртиқ* каби.

Қаттиқ сўзи ҳам аслида худди *юмшоқ* сўзи типиди ясалган. Буни *юмшоқ* сўзи билдирган маънонинг юмшаш ҳаракати билан боғлиқлиги, *қаттиқ* сўзи билдирган маънонинг қотиш ҳаракати билан боғлиқлигидан ва иккаласида бир аффиксининг мавжудлигидан сезиб олиш мумкин. Лекин юз берган фонетик ўзгариш *қаттиқ* сўзининг *қот* феъли билан боғланишини жуда хиралаштириб, сезилмас даражага келтириб қўйган. Шунинг учун бу сўзни қисмларга ажратиб бўлмайди. Фонетик ўзгариш жиҳатидан корейс тилида ясама сўзга ўхшаш, лекин чуқур мулоҳаза қилинса яъни уларни икки маъноли қисмларга бўлсак унда маъно келиб чиқмайди ва сўз ясалиши нуқтаи назаридан ясама сўз ҳисобланмайди.

Демак, ўзбек тили ҳозирги сўз ясалиши нуқтаи назаридан *юмшоқ*, *илиқ*, *ўсиқ* кабилар ясама сўз. Лекин *суюқ*, *силлиқ*, *қуюқ* сўзлари ясама сўз эмас.

Баъзи сўзларда аффиксал қисм борлиги сезилиб туради, ҳатто уни бошқа аффикс билан алмаштириш ҳам мумкин. Бу ҳол мазкур сўзнинг аслида ясама бўлганини жуда аниқ кўрсатади: *тирик*, *тирил*. Лекин буларда ҳам мустақил маъноли қисм (ясовчи асос) бўлмаганидан уларни ясама сўз ҳисоблаб бўлмайди. Корейс тили аналитик формадаги тилларга хос бўлганлиги сабаб, унда аффиксларнинг роли унча катта эмас. Лекин шунга қарамай корейс тилида аффикслар жуда кўп ва янги сўз ясалишида уларнинг аҳамияти катта. *늘+이*, *부채+질*, *욕심+쟁이*, *맞+나다*, *꽃+답다*, *부지런+하다*, *힘+들다*, *힘+쓰다*, *떡+이다*.

Демак, маълум бир сўзнинг таркибида мустақил маъноли қисм ёки ясовчи аффиксининг, ёки ҳар иккисининг борлиги сезилиб турса-да, лекин бу сўзнинг маъносини ажралиши мумкиндек кўринган қисмлари маъноси билан асослаб бўлмаса, бундай сўз ҳозирги сўз ясалишига кирмайди. Бундай сўзлар ясовчи қисмларга бўлинмайди (буларда ясовчи асос+ясовчи аффикс ёки ясовчи асос+ясовчи асос ҳолати бўлмайди), уларда соддалашиш юз берган.

Хуллас, ҳозирги сўз ясалишида икки ясовчи компонентнинг катнашуви, булардан эса камида биттаси мустақил маъноли бўлиши шарт. Ясама сўзнинг (ясалманинг) маъноси ана шу ясовчи компонентларнинг маъно муносабатига асосланган бўлади: *тер+им*: *тер* – ясовчи асос, **-им** – ясовчи аффикс; *белбоғ+ли*: *бел-боғ* – ясовчи асос, **-ли** – ясовчи аффикс ва б. *깨끗하다*: *깨끗* - ясовчи асос, *하다* - ясовчи аффикс, *깨끗하다* – ясалма; *돌다리*: *돌* (тол - тош) + *다리* (тари - кўприк) - ясовчи асос, *돌다리* (толтари - тошкўприк) – ясалма.

3.2. Ўзбек ва корейс тилларида сўз ясалиш структураси.

Юқоридагилардан маълум бўлдики, сўз ясалиши таҳлилида ясама сўзнинг ясовчи компонентлари белгиланади, яъни сўз қисмларга ажратилади. Шунингдек, сўз морфологик структураси жиҳатдан ҳам таҳлил этилади. Бундан ташқари, сўз морфема нуқтаи назаридаи ҳам таҳлил этилади. Лекин сўзнинг сўз ясалиш структураси морфема структурасидан ҳам, морфологик структурасидан ҳам фарқланади.

Сўзнинг сўз ясалиш структураси шу сўзнинг ясовчи компонентларидан иборат бўлади. Сўз ясалиш таҳлилида ясама сўзнинг қандай ясовчи компонентлардан ташкил топгани ва шу компонентлар асосида ясама сўз маъносининг ифодаланиш усули ўрганилади. Масалан, *терим*: *тер* — ясовчи асос. **-им** — ясовчи аффикс; *теримчи*: *терим* — ясовчи асос, **-чи** — ясовчи аффикс. *깨끗하다*: *깨끗* - ясовчи асос, *하다* -

ясовчи аффикс, *깨끗하다* – ясалма; *돌다리*: *돌* (тол - тош) + *다리* (тари - кўприк) - ясовчи асос, *돌다리* (толтари - тошкўприк) – ясалма.

Демак, сўз ясалиши таҳлилида, биринчидан, фақат сўз ясовчи воситалар ўрганилади. Бунда (морфологик таҳлил текширадиган) форма ясовчи воситалар эътибордан четда қолади, иккинчидан, бу таҳлилда ясама сўз таркибида нечта ўзак ва нечта ясовчи аффикс борлиги ўрганилмайди (сўз шу нуқтаи назардан таҳлил этилмайди), балки ясама сўзни юзага келтирган компонентлар белгиланади. Масалан, *теримчи* сўзи морфема составига кўра уч қисмга бўлинса (*тер* + *им*+*чи*), шу сўзнинг ясовчи компонентлари нуқтаи назаридан у (*теримчи* сўзи) иккига бўлинади (*терим* + *чи*). Чунки *теримчи* сўзи *тер* ўзагидан ясалаётгани йўқ, балки *терим* ва **-чи** ясовчи компонентлари ёрдамида ясалган.

Ясама сўзнинг асоси (сўз ясалиш асоси) қўшма сўз ёки сўз бирикмасига тенг бўлиши ҳам мумкин: *белбоғли* (*белбоғ*+*ли*), *темир йўлчи* (*темир йўл*-*чи*), *беш йиллик* (*беш йил*+*лик*) каби.

Кўринадикки, сўзнинг морфема таҳлилида унинг таркибидаги ҳар бир морфема (сўзнинг маъно билдирувчи энг кичик бўлаги) текширилади ва аниқланади. Бундай морфемалар сўзда бир нечта бўлиши мумкин: *тер* + *им* + *чи*+*лар*+*имиз*+*ники*+*да*. Сўз ясалиш таҳлилида ясама сўзнинг ясовчи компонентлари белгиланади. Бундай компонент ҳар бир ясама сўзда иккитадан ошмайди (гарчи сўз таркибида бирдан ортиқ ўзак ва сўз ясайдиган бирдан ортиқ аффикс бўлса-да). Масалан, *бичиқ*: *бич* — ясовчи асос, **-иқ** ясовчи аффикс; *бичиқчи*: *бичиқ* — ясовчи асос, **-чи** — ясовчи аффикс.

Сўз ясалиши корейс тилида ҳам худди шу структурада ясалади. Албатта ясовчи асос+ясовчи аффикс тарзида ясалади: *깨끗하다*: *깨끗* - ясовчи асос, *하다* - ясовчи аффикс, *깨끗하다* – ясалма; *돌다리*: *돌* (тол - тош) + *다리* (тари - кўприк) - ясовчи асос, *돌다리* (толтари - тошкўприк) – ясалма.

3.3. Ўзбек ва корейс тилларида сўз яшаш усуллари **파생 방법 (пасенгпангпон).** Сўз ясалиши қандай усул билан бўлса ҳам, янги сўз ҳосил қилиш эканлиги аниқланди. Ўзбек тилида сўз ясалишининг бир неча усули бор. Биз уларни бирма бир кўриб чиқамиз ва корейс тили билан солиштиришга ҳаракат қиламиз. Сўз яшаш усуллари:

1. Семантик усул **의미 방법** (ими пангпон);
2. Фонетик усул **음운 방법** (имун пангпон);
3. Синтактик-лексик усул; **어휘 방법** (оҳуи пангпон);
4. Аффиксация усули; **파생 방법** (пасенг пангпон);
5. Композиция усули. **복합 방법** (покҳап пангпон).

Семантик усул **의미 방법** (ими пангпон) билан сўз ясалишида тилда бор бўлган сўз (сўз формаси)нинг маъноси ўзгариши натижасида янги сўз ҳосил бўлади: *кун* (сутканинг ёруғ қисми) - *кун* (күёш, планета), *бошда* (ўрин келишигидан отдан юзага келган равиш), *кечаси* (эгалик формасидаги отдан юзага келган равиш) ва б. Корейс тилида **배** (тананинг корин қисми), **배** (қайиқ), **배** (нок).

Корейс тилида худди ўзбек тили сингари фонетик ўзгариш (товуш ўзгариши) натижасида ҳосил бўлган сўзлар ҳам анчагина: *кўр* – *кўз*, *бўр* – *бўз*, **넙** (*nap* - нон) – **넙** (*nan* - хона), **사람** (*сарам* – одам) – **사랑** (*саранг* - севги) каби. Бундай йўл билан сўз ҳосил бўлиши **фонетик усул** билан сўз ясалиши дейилади.

Синтактик-лексик усул билан сўз ясалиши деганда сўз бирикмасининг сўзга айланиши тушунилади. Вақтлар ўтиши билан маълум типдаги сўз бирикмалари бир сўзга айланиши мумкин. Бунда сўз бирикмаси бир маъно – лексик маъно ифодаладиган бўлиб қолади, бирикма компонентлари ўртасидаги синтактик алоқа йўқолади. Натижада аслида сўз бирикмаси бўлган бирлик қўшма сўзга айланади. Масалан, *токқайчи*, *қашқаргул*, *мингбоши*, *жўхориюя*, *енгилтабиат*, *калтафаҳм*

каби қўшма сўзлар худди шундай йўл билан ҳосил бўлган. *빛나다, 마을가다, 조용히, 맛나다, 눈설다, 머나멀다, 검붉다.*

Сўзга аффикс қўшиш билан янги сўз ҳосил қилиш *а ф ф и к с а ц и я у с у л и* билан сўз ясалиши дейилади: *ишчи, бетончи, спортчи, пахтакор, очик, ёпик, ишла, эговла, ўйла* каби. *넓이, 톱질, 겹보, 정답다, 복스럽다, 튼튼하다, 좁다랗다, 막히다, 울리다, 조용히, 자주.*

Ўзбек ва корейс тилида аффикс қўшиб сўз яшадан ташқари, бирдан ортиқ ўзакни (мустақил маъноли морфемани) қўшиш орқали ҳам янги сўз ясалади. Сўз яшашнинг бу усули *к о м п о з и ц и я у с у л и* дейилади. Композиция усули билан қўшма сўзлар ясалади: *туяқуш, ойболта, атиргул, ҳаво ранг, сотиб олмоқ, олиб келмоқ, ҳеч қачон, ҳар вақт, 멍들다, 아우보다, 마을가다, 그만두다* каби.

Демак, қўшма сўзлар икки усул: синтактик-лексик ва композиция усули билан юзага келади.

Семантик, фонетик ва синтактик-лексик усуллар билан сўз ясалиши тарихий ясалиш (диахрон ясалиш) ҳисобланади. Ҳозирги сўз ясалишига кейинги икки усул – аффиксация ва композиция усуллари киради, шу икки усул ҳозирги сўз ясалишининг ўрганиш объекти бўла олади.

Ҳозирги ўзбек тилида сўз ясалишининг энг актив усули **аффиксация усулидир**. Лекин корейс тилида асосан **композиция усули** билан сўз ясалиши кўпроқ учрайди. Аффиксация усули ҳам ундан кам ишлатилмайди. Ўзбек ва корейс тилларида сўз ясовчи аффикслар бир катор хусусиятларга эга.

Сўз ясовчи аффикслар содда ёки қўшма бўлади. Содда аффикс биргина аффиксдан иборат бўлади: **-чи** (*ишчи*), **-им** (*бўлим*), **-ла** (*ишла*), **-чан** (*ишчан*) каби. Қўшма аффикслар икки ёки ундан ортиқ аффикснинг ўзаро бирикиб, бир аффикс ҳолига келишидан ҳосил бўлади. **-чилик** (*деҳқончилик*), **-арли** (*қизикарли*), **-гарчилик** (*ёгингарчилик, намгарчилик*) каби.

Корейс тилида сўз ясовчи аффикслар ҳам содда ва кўшма сўз ясовчи аффиксларга бўлинади. Масалан: *과생어* (пасенго - сўз ясовчи аффикслар) - *이, -개\게, -질, -보, -꾸러기, -쟁이, -자, -사, -수* содда сўз ясовчи аффикслар таркибига киради. *복합어* (покхабо - кўшма сўз ясовчи аффикслар) деб юритилади.

Аффиксларнинг сўз яшаш даражаси бир хил эмас. Баъзи аффикслар жуда кўп миқдорда, баъзилари эса жуда кам миқдорда янги сўз ясайди. Шунингдек, айрим аффикслар ҳозирги кунда кўплаб янги сўзлар яшашда актив қўлланса, айримларининг эса сўз яшаш функцияси жуда чекланган бўлади. Ана шу фарқли хусусиятларига кўра сўз ясовчи аффикслар уч турга бўлинади:

1. Унумли (ёки маҳсулдор) аффикслар;
2. Кам унум (кам маҳсул) аффикслар;
3. Унумсиз аффикслар.

У н у м л и аффикслар жуда кўп миқдорда янги сўзлар ясайди, шунингдек, ҳозирги корейс ва ўзбек тилларида янги сўзлар яратишда ҳам актив иштирок этади. От ясовчи **-чи**, сифат ясовчи **-ли**, феъл ясовчи **-ла** аффикслари ана шундай аффикслардан ҳисобланали. Корейс тилида эса: *-자* от ясовчи кўшимча, *-롭-* сифат ясовчи, *-이, -히, -리, -기* феъл ясовчи аффикслари сўз ясалишида актив аффикслар сирасига киради.

Кам унумли аффикслар унчалик кўп бўлмаган миқдорда сўз ясайди, шунингдек, ҳозирги вақтда янги сўз яратишда ҳам кам иштирок этади. Масалан, от ясовчи **-дош** (*мусобақадоиш, суҳбатдоиш, курсдоиш*) аффикси, сифат ясовчи **-ма** (*қовурма, терма*) аффикси.

Унумсиз аффикслар жуда кам миқдорда янги сўз ясалишида қатнашади, улар ёрдамида ҳозирги кунда янги сўз яратилмайди. Масалан, от ясовчи **-гар** (*савдогар. заргар*), **-каш** (*аравакаш*), сифат ясовчи **-агон** (*чопазон, қонагон*) анна шундай аффикслар жумласидандир. Худди шундай аффикслар корейс тилида ҳам мавжуд:

Композиция усули билан қўшма сўзлар ясалишини кўрдик. Қўшма сўз бирдан ортиқ мустақил маъноли морфемадан ташкил топган бир сўздир. У шу хусусияти билан содда сўз ва сўз бирикмасидан фарқланади.

Қўшма сўзнинг содда сўздан фарқи шундаки, содда сўзда мустақил маъноли морфема битта, қўшма сўзда эса бирдан ортиқ бўлади: *теримчи, кўкаламзорлаштир, эслатма, тортинчоқ* — содда сўз; *эрксевар, белбоғ, томорқа, бошпана, асалари* — қўшма сўз. *눈설다, 배부르다, 빛나다* – содда сўз. *힘쓰다, 선보다, 아우보다, 뒤서다, 돌아가다, 갈아입다, 알아듣다, 잘되다, 그만두다, 오늘날, 요즈음* – қўшма сўз.

Агар икки ёки ундан ортиқ мустақил маъноли морфемадан ташкил топган қўшма сўзнинг бирор компоненти (морфемаси) ҳозирги ўрганаётган тилларда мустақил маъносини йўқотган бўлса, бу қўшма сўз ҳам қўшма сўзлик хусусиятини йўқотади ва содда сўзга айланади. Бу ходисани ўзбек тилида *кечқурун* сўзида кўриш мумкин. Аслида қўшма сўз бўлган *кечқурун* ҳозирги тил нуқтаи назаридан морфемаларга бўлинмайди (содда сўз ҳисобланади).

Бошқа тиллардан содда сўзлар қатори қўшма сўзлар ҳам (*зараркунанда, одамшаванда, дардисар, астойдил, сантиметр, аэропорт каби*) ўзлаштирилади. Лекин бундай сўзлар ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан ҳам бирдан ортиқ мустақил морфемали деб қаралса, қўшма сўз, акс ҳолда содда сўз ҳисобланади. Шу жиҳатдан қараганда, юқорида келтирилган сўзлар содда сўзлардир.

Қўшма сўзнинг сўз бирикмасидан фарқи шундаки, қўшма сўзнинг компонентлари морфема, сўз бирикмасининг компонентлари эса сўз бўладн. Шу сабабли қўшма сўзнинг компонентлари яхлитлигича бир лексик маъно ифодалайди ва компонентлари ўртасида синтактик алоқа бўлмайди: *туяқуш, ойболта, қўзиқорин, хушфеъл, олиб келмоқ* каби. Корейс тилида қўшма сўзлар жуда кўп учрайди: *힘쓰다, 선보다, 아우보다, 뒤서다, 돌아가다, 갈아입다, 알아듣다, 잘되다, 그만두다, 오늘날, 요즈음* –

кўшма сўз. Кўшма сўз таркибида ҳозирги тилда мустақил маъно ифодаладиган бирдан ортиқ морфеманинг бўлиши шарт. Мустақил маъноли сўз билан ёрдамчи сўзнинг бирикишидан кўшма сўз ҳосил бўлмайди. Шунга кўра етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топувчи *ўқиб бермоқ, ёза бошламоқ, ухлаб қолмоқ*. каби бирикувлар кўшма сўз (кўшма феъл) бўла олмайди. Чунки буларда биринчи феъл ўз маъносини сақлаган ҳолда, кейингиси унга кўшимча маъно беради. Демак, бунда бирдан ортиқ феълнинг ўзаро бирикишидан янги феъл (янги сўз) ҳосил бўлмайди.

3.4. Сўз туркумларида сўз ясалиши. Сўз ясалиши ҳодисаси мустақил сўз туркумларига хос бўлиб, лекин сўз яшашнинг бирор усули билан янги сўз ҳосил қилиш сўз туркумларининг барчаси учун бирдек эмас. Масалан, ҳозирги корейс тилида энг маҳсулдор усул — аффиксация ва композиция усули билан сўз яшаш от, сифат, феъл ва равиш туркумлари учун характерлидир. Худди шу хусусият ўзбек тилида ҳам кузатилади. Ўзбек тили сон туркумида эса аффиксация усули билан ҳам, композиция усули билан ҳам миқдор билдирувчи янги сўз (янги сон) ясалмайди. Сонларга қўшилувчи **-(и)нчи** (*учинчи, бешинчи, иккинчи*), **-та** (*иккита, учта, бешта*) каби аффикслар янги миқдор билдирувчи сон ҳосил қилмайди, балки сон (миқдор) тушунчасини ўзгартмаган ҳолда, унга тартиб, дона каби маънолар қўшади, холос. Корейс тили сон туркумида эса тартиб ва миқдорни билдирувчи аффикслар мавжуд эмас. Уларда тартиб ва миқдорни алоҳида бир сўз билан ифодаланади.

Ҳам ўзбек, ҳам корейс тилларида олмошлар бошқа туркумга оид сўзлар ўрнида қўлланувчи, умумийлик хусусиятига эга сўзлар бўлганидан янги сўз ясалиш ҳодисаси бу туркумда деярли йўқ даражададир.

3.5. ОТ ЯСАЛИШИ – 명사 파생

Ясама отлар қуйидаги усуллар билан ҳосил қилинади:

1. Аффиксация усули; *파생어* (пасенго)
2. Композиция усули; *복합어* (покҳабо)
3. Аббревиация усули. *약어* (яго)

Аффиксация усули 과새어

Бу усул — от ясалишнинг энг маҳсулдор усули.

-чи. Ўзбек тилида бу аффикс от ясовчилар ичида энг активдир. У асосан от туркумига оид сўзлардан от ясайди. Кейинги вақтларда фан, техника ва бошқа соҳаларнинг ривожланиши билан бу аффикснинг сўз ясаш доираси ҳам ниҳоятда кенгайди: *физкультурачи, рекордчи, кабелчи, лугатчи, гимнастикачи, текстилчи* ва б.

Корейс тилида ҳам аффиксация усули сўз ясалишида кенг қўлланилади. Ва худди шундай **-чи** аффиксига ўхшаш аффикс корейс тилида ҳам мавжуд. Қуйида **-чи** ва **ИН** аффиксларини қиёслаймиз.

Бу аффикс шахс билдирувчи отлар ясайди. Бундай отларнинг семантик хусусиятлари **-чи** аффикси қўшиладиган асос ва шу аффиксга хос хусусиятнинг таъсирида шаклланади. Бу хил отлар умумий маъноларига кўра бир неча группани ташкил этади:

1. Бирор касб, мутахассислик билан шуғулланувчи шахсни билдирувчи от ясайди: *нефт+чи, спорт+чи, сув+чи, трактор+чи, чойхона+чи, магазин+чи, буфет + чи* ва б. *기술+자* (кисулжа-санъатчи), *과학자* (кваҳакжа-ёзувчи), *학자* (ҳакжа-олим); *기+자* (мухбир-журналист)

Касб, ҳунар, машғулотнинг умумий кўринишлари ва атама (ном)лари бўлиш билан бирга, уларнинг турли тармоқлари, соҳалари ва буларнинг ҳам атамалари бор.

2. **-чи** аффикси касб-ҳунар, машғулотнинг умумий атамаларни билдирувчи сўзларга қўшилиб, шу касб, соҳага мансуб шахс отларини ясайди: *спорт+чи, санъат+ чи, чорва + чи, қу+рув+чи* каби; Корейс тилида ҳам: *음악가* (имакка - кўшиқчи), *작가* (чакка - ёзувчи), *정치가* (чонгчига- сиёсатчи), *번역가* (понёкка-таржимон), *건축가* (кончукка - қурувчи).

3. Иш-ҳаракат билан боғлиқ бўлган маълум объектларни билдирувчи асосларга қўшилиб, шу объектга мансуб бўлган ишчи, хизматчини, ходимни билдирувчи от ясайди: *склад+чи, магазин+чи, буфет+чи, киоска+чи, хирмон+чи*; *컴+ㅅ* (комса – қарор чиқарувчи), *교+ㅅ* (кёса - ўқитувчи), *미/응+ㅅ* (миёнгса – юз безатувчи), *사진 ㄱ+ㅅ* (Сажин киса - суратчи);

Кўринадики, ҳозирги ўзбек ва корейс тилларида **–чи** ва **–ㅅ** (ча), **ㅅ** (са), **–ㅅ** (ка) аффикси жуда актив от ясовчи.

-шунос. Ўзбек тилида бу аффикс асосдан англашилгаи соҳанинг мутахассисини билдирувчи от ясайди: *адабиёт+шунос, тил+шунос, тарих+шунос, ўлка+шунос*. Лекин корейс тилида соҳа мутахассисини билдирувчи от ясовчи аффикс йўқ. Корейс тилида мутахасисликни алоҳида бир сўз билан ифодалайди. Масалан: тарихшуносни 2 та мустақил сўз билан ифодалаш мумкин, кўпроқ композиция усулига ўхшайди, *역사 교수* (ёкса кёсу) тарих фани мутахассиси, *수학 교수* (суҳак кёсу) математика фани мутахассиси, *철학 교수* (чорак кёсу) фалсафа фани мутахассиси,

-истон. Миллат номини билдирувчи сўзларга қўшилиб, улар англатган миллат яшайдигани жойни, шу миллатга қарашли территорияни ифодалайдиган от ясайди: *Ўзбек+истон, Тожики+истон, Туркман+истон. Қабр+истон, гул+истон* каби сўзлар ҳам **-истон** аффиксининг шу маъноси асосида ясалган. Корейс тилида **–истон** аффиксига мос келувчи, жойни англатувчи аффикс **–국** (гук) ҳисобланади. *한/국* (хангук- Корея) , *영/국* (ёнгук - Англия), *미/국* (мигук - АҚШ), *중/국* (чунгук - Хитой);

Хуллас, шахс оти ясовчилар ичида энг активи **–чи** аффикси бўлиб, бу аффикс ўзбек тилининг ўз сўзларидан ҳам, бошқа тиллардан кирган сўзлардан ҳам от ясай олади. Айниқса сўнгги пайтларда шахс отлари яшашда шу аффиксдан кенг фойдаланилмоқда. Қолган шахс оти ясовчи аффикслар санокли сўзлардангина шахс оти яшашда иштирок этади.

Корейс тилида шахс оти ясовчилар ўртасида энг активи **–чи** аффиксига синоним бўлган (-ча) аффикси бўлиб, шахс оти ясалишида муҳим ўрин эгаллайди. Лекин корейс тилида ўзбек тилида мавжуд бўлмаган шахс оти ясовчи қўшимчалари ҳам мавжуд.

Юқорида ўзбек ва корейс тилларидаги сўз ясовчи қўшимчаларнинг ўхшаш томонларини кўриб чиқдик. Энди ҳар бир тилнинг ўзига хос сўз ясовчи аффиксларини бирма бир кўриб чиқамиз.

Ўзбек тилида **–лик, -чилик, -зор, -паз, -дош, ҳам-, -нома, -ги (-ки, -ғи, -қи), -ма** от ясовчи аффиксларини бирма бир таҳлил қилиб чиқамиз. Юқоридаги аффикслар ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, корейс тилида бундай аффикслар мавжуд эмас. Лекин худди шундай хусусият ҳам корейс тилида мавжуд. Корейс тилида - 이, -게\게, -질, -보, -꾸러기, -쟁이, -자, -사, -수 аффиксларини кўриб чиқамиз.

-лик. Бу аффикс феълдан бошқа деярли барча туркумга оид сўзлардан от ясай олса-да, асосий ясалиш от ва сифат туркуми доирасида бўлади.

Қайси туркумга оид сўздан ясалганлигига кўра **–лик** аффикси ёрдамида ясалган отларнинг маънолари ҳам турлича бўлади:

1. Сифат ва равишлар (белги билдирувчи сўзлар)га қўшилиб, белги оти ясайди: *сарик+лик, аниқ+лик, бемаъни+лик, ёш+лик, тез+лик, мардл-лик, хафа+лик* каби.

Маълумки, сифатлар предметнинг турли хил: ранг, характер-хусусият, маза ва ш. к. жиҳатдан бўлган белгиларини билдиради. Шунга кўра **–лик** аффикси ёрдамида шахснинг кайфият жиҳатдан ҳолатини билдирувчи сифатлардан ясалган белги отлари асосдан англашилган кайфият, ҳолат маъноларини англатади: *хурсанд+лик*—хурсанд кайфиятли ҳолат, *хафа+лик*— хафа кайфиятли ҳолат. Шахсни характер, хусусият, қилиқ жи-ҳатдан бўлган белгисини билдирувчи сифатлардан ясалган белги отлари асосдан англашилган характер, хусусият (қилиқ)ни ифодалайди:

олифта+лик — олифта хусусият (олифта қилиқ), *эзма+лик* — эзма хусусият.

2. От туркумига оид сўзлардан **-лик** аффикси ёрдамида ясалган отлар асос англатган нарсаларнинг хусусияти таъсирида турли маъноларни билдиради:

1) шахс отларидан ясалганда: а) қариндошлик маъносини англатувчи сўзлардан ясалган отлар шу маънони умумлаштириб, ҳолат тарзида билдиради: *ота+лик, ака+лик, тоға+лик* каби; б) ҳаёт (умр)нинг маълум даври маъносини англатувчи отлардан ясалган сўзлар шу маънони ҳолат тарзида ифодалайди: *бола+лик, йигит+лик, қиз+лик, келин+лик, қуёв+лик* каби; в) касб, амал-унвон ёки бошқа иш-фаолият зғасини билдирувчи отлардан **-лик** аффикси ёрдамида ясалган сўзлар шу касб, амал-унвон, иш-фаолият номини билдиради: *декан+лик, мудир+лик, дирижёр+лик, ўқитувчи+лик, шофёр+лик, босмачи+лик* каби; г) шахснинг бирор характер, хусусиятини англатувчи сўзлардан ясалган отлар асосда англашилган характер, хусусиятни умумлаштириб кўрсатади: *гинахон+лик, ваъдабоз+лик* каби;

2) маълум жой, территорияни билдирувчи сўзлардан ясалган отлар шу жойга (территорияга) мансуб бўлган, шу жойда яшовчи шахс маъносини билдиради: *район+лик, шаҳар+лик,*

3) асосдан англашилган вақт (пайт) билан алоқадор нарсани билдиради: *сахар+лик, туш+лик* (сахар ва тушда бўладиган овқатланиш), *пайшанба+лик* (эски мактабда пайшанба куни болалар домлага олиб келадиган нарса): *Болалар олиб келиши лозим бўлган пайшанбаликнинг мазаси йўқ эди. (Ш. Саъдулла.);*

4) асосдан англашилган нарса эгаллаган объект, территорияни англатади: *муз+лик, ботқоқ+лик, қум+лик;*

-чилик. Бу аффикс отлар, белги билдирувчи сўзлар, **-в** аффиксли ҳаракат номи ва **-(а)р** аффиксли айрим сифатдошлардан қуйидаги умумий маъноли отлар ясайди:

1. Асосдан англашилган нарса етиштириладиган соҳани билдиради: *пахта+чилик, уруғ+чилик, чорва+чилик, шоли+чилик, галла+чилик, полиз+чилик, узум+чилик, мева+чилик* каби. Бундай сўзларда **-чи** ва **-лик** аффикслари мустақил аффиксдай туюлади. Масалан, *уруғчилик* сўзи *уруғчи* сўзидан ясалгандай кўринади. Ҳақиқатда эса бундай эмас. Касб эгасини билдирувчи сўзга **-лик** аффиксининг қўшилишидан касб оти ясалади. **-чилик** ёрдамида эса соҳа оти ясалади. Қиёсланг: *ўқитувчи+лик* — *касб*; *пахта+чилик* — қишлоқ хўжалигининг пахта етиштириш соҳаси. Шунинг учун ҳам касб эгасини билдирувчи *пахтакор, сабзавоткор* каби сўзларга **-лик** аффиксини қўшиш йўли билан соҳа отлари ясаб бўлмайди («пахтачилик» маъносида *пахтакорлик* сўзи қўлланмайди).

2. Асосдан англашилган нарса-ҳодисанинг борлик ҳолатини англатади: *пишиқ+чилик, тўкин+чилик, қаттиқ+чилик, қурғоқ+чилик, қиммат+чилик, арзон+чилик, келишмов+чилик, мўл+чилик,*

3. Асосдан англашилган нарса билан боғлиқ бўлган ҳолатни билдиради: *улфат+чилик, тирик+чилик, майнабоз+чилик, ўртоқ+чилик* каби.

-зор. Асосдан англашилган нарса (экин, дарахт ва б.) кўп бўладиган жойни билдиради: *гул+зор, пахта+зор, лола+зор, ўрик+зор, дарахт+зор.*

-нома. Асосдан англашилган нарсани ифодаловчи текст, хат ва ш. К. Ни билдиради: *арз+нома, таклиф+нома, саёҳат+нома.*

-ги (-ки, -ғи, -қи, -ғу). Бу аффикс ҳам феъллардан от ясайди ва бу турдаги отлар ҳам асосдан англашилган ҳаракат процесси билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг атамаси бўлади. Қиёсланг: *сев+ги, кул+ги, сунур+ги, чоп+қи* каби. Яна мисоллар: *тепки, ачитқи, ёқилғи, томизғи, тутатқи.*

-ма. Бу аффикс ҳам феъллардан от ясайди. Унинг ёрдамида ясалган отлар қуйидаги умумий маъноларни ифодалайди:

1. Асосдан англашилган ҳаракат натижасида юзага келадиган нарса, предмет атамасини билдиради: *уюш+ма, эрит+ма, жамғар+ма,*

чўк+ма, суз+ма, кўчир+ма, қурил+ма, қотиш+ма, бирлаш+ма, бирик+ма каби.

2. Асосдан англашилган ҳаракат-ҳодисанинг юз бериш процесси билан юзага келадиган нарса номларини ясайди. Булар одатда бирор касаллик номлари бўлади: *исит+ма, қичит+ма, оқ+ма, терла+ма* каби. *Қатлама, чўз+ма, димлама* каби отлар ҳам **-ма** аффиксининг шу маъноси асосида ясалган.

3. Бу аффикс ёрдамида ясалган отлар нарса-предметнинг асосдан англашилган иш-ҳаракатга мўлжалланганини, шу мақсад учун ишлатилишини билдиради: *кўргаз+ма, йўқла+ма, туг+ма, сайрат+ма, қўллан+ма* каби.

Булардан ташқари, **-ма** аффикси ёрдамида ясалган яна кўпгина отлар борки, булар ҳам асосдан англашилган ҳаракат-ҳодиса билан алоқадор бўлган нарса-предметларни англатади. Лекин уларга хос умумий маъно ҳақида гапириш қийин бўлганидан, ҳар бирининг маъносини алоҳида изоҳлашга тўғри келади: *пистир+ма, ула+ма, тенгла+ма, газла+ма, бостир+ма, торт+ма, эслат+ма, айир+ма* ва б.

ҳам. Бу аффиксоид ҳам асосдан англашилган иш, нарсага бирга алоқадор маъносидаги шахс оти ясайди: *ҳамишаҳар, ҳамсуҳбат, ҳамкурс, ҳамкасб*.

Корейс тилида отларнинг ясалиши (과생명사 – пасенгмёнгса)

1. - 이: 넓이, 길이, 높이, 깊이, 놀이, 먹이. Сифатга кўшилиб от ясайди. 끓이 (кипи) – чуқурлик;
2. -개\게: 덮개, 지우개, 찌개, 지개, 집개. Феълдан от ясайди. 지우개 (чиуге) - ўчирғич
3. -질: 가위질, 톱질, 부채질, 이간질. Отга кўшилиб янги бир от ясайди. 부채질 (пучечил) – шамол пургагич; 부채 – шамол;

4. **-보:** 잠보, 겹보, 털보, 울보. Феълга қўшилиб от ясайди. 잠보 (чампо) – уйқу;

5. **-쟁이:** 멋쟁이, 거짓말쟁이, 욕심쟁이. Сифатга қўшилиб от ясайди. **-лик** аффиксига ўхшайди. 욕심쟁이 (ёкшимченги) - худбинлик

Иш давомида ўзбек ва корейс тилларидаги от ясовчи аффиксларни ўриб чиқдик. Уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини ҳам ўргандик. Ўзбек ва корейс тилларида шундай от ясовчи аффикс борки у ҳам ўзбек тилида, ҳам корейс тилида бир хил вазифани бажариши билан бирга, ўқилиши ва ёзилиши ҳам бир хил. Бу: -м (-им, -ум). Бу аффикс ҳам феъллардан от ясайди ва унли билан тугаган асосга –м, асосда у товуши бўлса –ум, бошқа турдаги асосларга –им тарзида қўшилади: *чида+м, тўпла+м, ун+ум, туз+ум, чиқ+им, ўн+им, кечир+им* каби.

Корейс тилида ҳам нги шундай аффикс бор. □/음 (м/им) аффикси ҳам феъллардан от ясайди. Унли билан тугаган асосга □, ундош билан тугаган асосга эса 음 қўшилади.

-□/음: 웃음 (усим), 울음 (урим), 믿음 (мидим), 기쁨 (кипим), 슬픔 (силпим); 웃다 (утда) кулмоқ + 음 – 웃음 (усим) кулгу;

Композиция усули복합어

Ўзбек ва корейс тилларида композиция усули билан қўшма отлар ҳосил қилинади: *тошқўмир, туяқуш, карнайгул, ойболта, садарайҳон, қўкқарға, қорақурт, мингоёқ, қўзиқорин, қизилиштон* каби.

Қўшма отлар (복합 명사- покҳап мёнгса)

1. 명사 + 명사(мёнгса - от): 손목 (сонмок), 고무신 (комушин), 어깨동무 (окедонгму), 기와집 (кивачип), 산나물 (саннамул);

2. 관형사 (кванхёнгса - сифат) + 명사: 새언니 (сеонни), 꽃사랑 (путсаранг), 옛날 (етнал).

3. 용언의 관형사형 (ёнгоне кванхёнгса - аниқловчи) + 명사: 굳은살 (구딘сал), 큰덕 (킨тек), 올해 (올хе).
4. 용언의 어간 (ёнгоне оган – феъл ўзаги) + 명사: 곱감 (готкам), 찹칼 (чопкал), 묵밭 (мокпат).
5. 부사 (пуса - равиш) + 명사: 살짝곰보 (салжаккомпо), 곱슬머리 (копсилмори), 산들바람 (сандилпарам).
6. 부사 + 부사 (пуса - равиш): 잘못 (чалмот).
7. 동사의 명사형 (донгсаэ мёнгсахёнг - сифатдош) + 명사: 갈림길 (каллимкил), 디딤돌 (дидимдол), 비빔밥 (бибимпап).

Корейс тилида қўшма отларнинг бир неча турлари бўлиб, содда отларнинг ҳар хил йўли билан: боғловчи ва боғловчисиз бир-бирига қўшилишидан ҳосил бўлади:

맨손 (менсон)

약국 (дорихона)

덮개 (қопқок)

Қўшма отларнинг бу турида аниқловчи ва аниқланмиш муносабати мавжуд. Корейс тилида бундай отлар бир урғу билан айтилади ва бир тушунчани билдиради.

눈물 кўз ёши

돌다리 тош кўприк

잠옷 тунги кўйлак

밤낮 кеча-кундуз

Аббревиация усули 약어

Аббревиация усули билан қисқартма отлар (аббревиатуралар) ҳосил қилинади. Бу усулнинг моҳияти шундаки, от бирикманинг компонентларидан маълум қисмлари олиниб бириктирилади ва шу йўл билан қисқартма от ҳосил қилинади. *БМТ* — *Бирлашган миллатлар ташкилоти*, *СамДУ* — *Самарқанд Давлат университети* каби. Бундай

қисқартмалар турли ташкилот, муассаса номлари, шунингдек, ижтимоий-сиёсий ва илмий терминлар доирасида учрайди.

Қискартиб сўз яшашда бирикма компонентининг қисқартирилиши бир неча хил кўринишда бўлади. Асосий кўринишлари қуйидагилар:

1. Бирикма компонентларининг бош ҳарфигина олинаб, қисқартма от ҳосил қилинади: *ГДР, БМТ, АҚШ*.

2. Биринчи сўзнинг бош қисми, қолган сўзнинг бош ҳарфини олиш билан: *ТошДУ, ТошМИ*.

Аббревиатура – 약어

고려대학교 Корея университети – 고대 (Коде)

대한민국 Корея Республикаси – 한국 (Хангуг)

임시정부 Муваққат ҳокимият – 임정 (Имчонг)

우즈베크은행 Ўзбекистон банки – 우은 (Уин)

의사대학교 Медицина университети – 의대 (Иде)

3.6. СИФАТ ЯСАЛИШИ 파생형용사

Аффиксация усули 파생어

Ўзбек тилида сифат ясовчи аффикслар анчагина миқдорни ташкил қилади. Бу аффикслар ёрдамида турли маънодаги сифатлар ясалади. Корейс тилида ҳам сифат ясовчи кўшимчалар кўп, лекин ўзбек тили сифат ясовчи кўшимчаларига мос келадигани фақат битта –**ли** аффиксидир.

-**ли** аффикси. Сифат ясовчилар ичида энг сермахсул аффикслардан бўлиб, асосан от туркумига оид сўзлардан сифат ясайди: *кулги+ли, маслаҳат+ли, севим+ли, тур+ли, миннат+ли* каби. Бу типдаги сифатлар қуйидаги умумий маъноларни ифодалайди: Корейс тилида –**ли** аффиксига –**ㄴ/는** (н/ин) аффикси мос келади. *아름다운* (аримдаун - ёқимли), *예쁜* (епин - чиройли), *사랑하는* (сарангҳанин - севимли), *웃는* (утнин - кулгили);

1. Асосдан англашилган нарса-предметга эгаликни, шундай нарса-предмет борлигини билдиради: *тажриба+ли, асос+ли, бола+ли,*

расм+ли, дўпти+ли, айб+ли, манфаат+ли, диёнат+ли, попук+ли. Асос билдирган нарсa-предмет ва **–ли** аффиксига хос «эга» (бор) деган маъно таъсирида яна бошқачароқ маънолар ифодаланиши мумкин: *мулоҳаза+ли* (мулоҳаза билан иш қиладиган, мулоҳазаси бор), *маслаҳат+ли* (маслаҳат билан бўладиган) каби. Корейс тилида: *똑똑한* (токтокхан - ақлли), *초인한* (чоонхан - маслаҳатли), *진철한* (чинчолхан - меҳрибонли), *부지런한* (пужиронхан - диёнатли);

2. Баъзи сўзлар билдирган предмет-ҳодисалар инсон ёки нарсада табиий равишда бор бўлади. Масалан, инсон маълум даражада ақлга, каттами-кичикми гавдага эга бўлади. **–ли** аффикси ана шундай предмет-ҳодисаларни билдирувчи сўзларга қўшилганда, шу сўз англатган нарсага нормал ҳолатдан юқори даражада эгаликни ифодалайди: *куч+ли* (бола), *мазмун+ли* (асар), *ёғ+ли* (палов). *똑똑한* (токтокхан - ақлли) , *기가 큰* (кика кин – гавдали), *심한* (шимхан - кучли);

Ўзбек тилида **сер-, -манд, -сиз, но-, -чан, -мас, -ий (-вий), -ча, -парвар** сифат ясовчи аффиксларини бирма бир таҳлил қилиб чиқамиз. Юқоридаги аффикслар ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, корейс тилида бундай аффикслар мавжуд эмас. Лекин худди шундай хусусият ҳам корейс тилида мавжуд. Корейс тилида **–답-, –수롭-, –하-, –다랑-** аффиксларни кўриб чиқамиз.

сер-. Бу аффикс ёрдамида ясалган сифат асосдан англашилган нарсa-предмет миқдор жиҳатдан нормал ҳолатдан ортиқ даражада эканини билдиради. Шу хусусиятига кўра **–ли** аффиксига синоним бўлади. Қиёсланг: *сер+унум – унум+ли*. Лекин **–ли** аффикси айрим ўзақларга қўшилгандангина шу маънони ифодаласа (юқорида айтилди), **сер-** аффикси ҳар қандай сўзга қўшилганда ҳам шу маънони ифодалайди: *сер+шоҳ, сер+соқол, сер+фарзанд, сер+ғўшт* каби. **сер-** аффикси асосан миқдор жиҳатдан ортиқликни ифодалайди.

-манд. Бу аффикс ҳам асосдан англашилган нарсага эгалик белгисини билдирувчи сифат ясайди. Бундай ясалиш анча чекланган: *давлат+манд, орзу+манд, касал+манд* каби.

-сиз ҳам сифат ясовчи энг маҳсулдор аффикс:

1. Асосдан англашилган нарса, ҳолатга, предметга эга эмасликни билдирувчи сифатлар ясайди: *адолат+сиз, алоқа+сиз, асос+сиз, тайин+сиз, зарар+сиз, хабар+сиз, диёнат+сиз, ер+сиз, сув+сиз.*

2. Асосдан англашилган нарсага кам, паст даражада эгаликни ёки умуман эга эмасликни билдирувчи сифатлар ясайди: *куч+сиз, кўрим+сиз, мадор+сиз, ранг+сиз.*

Демак, **-сиз** аффикси **-ли** аффикси ясаган сифатларга қарама-қарши маънодаги сифатлар ясайди: *дўппили — дўпписиз, пулли — пулсиз, кучли — кучсиз* каби.

но-. Бу аффикс от ва белги билдирувчи сўзлардан сифат ясайди:

1. Отларга қўшилганда, шу сўздан англашилган нарсага эга эмасликни билдирувчи сифат ҳосил қилади (бундай сифатлар санокли): *но+умид, но+инсоф, но+илож, но+ўрин;*

2. Белги билдирувчи сўзларга қўшилганда, асос англатган маънога қарама-қарши маъноли сифатлар ясайди: *но+аҳил, но+дуруст, но+мард, но+маълум, но+муносиб, но+маъқул, но+мувофиқ, но+тўғри;*

-чан. Бу аффикс иш, ҳолат, хусусият каби маъноли асосларга қўшилиб, шу асос билдирган хусусиятларга эгаликни, уларга кўпроқ мойилликни англатувчи сифатлар ясайди: *кураш+чан, кўнгил+чан, яшов+чан, унутув+чан, ўзгарув+чан, уят+чан, хаёл+чан, иш+чан, таъсир+чан, талаб+чан, ўй+чан, ҳаёт+чан, ўсув+чан.*

-мас. Бу аффикс аслида сифатдош ясовчи бўлиб, ҳозирги ўзбек тилида **-(а)р,** **-мас** аффикси ёрдамида сифатдош ясалишининг пассивлашиб кетиши натижасида **-мас** аффикси ёрдамида сифат ясалиши активлашиб бормоқда. **-мас** аффикси ёрдамида ясалган сифатлар шахс ёки предметнинг феълдан англашилган ҳаракат-ҳолатнинг инкор

белгисини билдиради: *яра+мас, енгил+мас, бўлин+мас, бузил+мас, туган+мас, сўн+мас, қайт+мас, ўт+мас, ажрал+мас, қўрқ+мас*. Булар сифатдош эмас, балки сифат бўлганидан, улардаги **–мас** аффикси ўрнида **–(а)р** аффиксини қўллаб бўлмайди.

–ий, –вий. Ундош билан тугаган сўзларга **–ий**, унли билан тугаган сўзларга **–вий** қўшилади. Бу аффикс:

1. Предметнинг асосдан англашилган нарсасига алоқадорлик, оидлик белгисини билдирувчи сифатлар ясайди: *илм+ий, шахс+ий, синф+ий, ахлоқ+ий, партия+вий, техника+вий, оила+вий, имло+вий, зоя+вий, молия+вий*.

2. Бу аффикс ёрдамида ясалган айрим сифатлар асос англатган тушунчага эгалик маъносини ифодалайди: *тахмин+ий, ақл+ий, омма+вий, мажбур+ий, қиёс+ий, зарур+ий, доим+ий, ихтиёр+ий*.

–ий, –вий аффикслари аслида араб тилидан ўзлашган сўзлар таркибида қўлланган. Шунинг учун бу турдаги сифатларнинг айримлари ҳозирги ўзбек тилида мустақил морфемаларга бўлинмайди: *лугавий, маиший, жиноий, жиддий, маданий* кабилар.

–ча. Бу аффикс чекланган миқдордаги сўзлардан сифат ясайди. Бу турдаги сифатлар шахс ёки предметнинг миллат, жой, миқдор, хусусият ва ш.к.га кўра белгисини билдиради: *рус+ча* (талаффуз), *ўзбек+ча* (меҳмондўстлик), *фарғона+ча, ортиқ+ча, янги+ча* кабилар.

–парвар. Шахснинг асосдан англашилган нарсани севиш, унга садоқат каби яхши муносабат белгисини билдирувчи сифат ясайди: *халқ+парвар, инсон+парвар, ватан+парвар, адолат+парвар*.

Корейс тилида сифат ясовчи қўшимчалар қуйидагилар.

1. **–답-:** 정답다 (чонгдапда), 꽃답다 (котдапда).

Отга қўшилиб сифат ясайди.

꽃답다 – 꽃 (кот - гул) + 답다 (дапда - дек) - гулдек

2. **-수롭-**: 복스롭다(поксиропта), 탐스롭다(тамсиропта), 어른스롭다 (оринсирипта). Бу аффикс ҳам отга қўшилиб сифат ясади. –лик аффиксига ўхшаб кетади.

어른스릅다 - 어른 (орин - ёш) + 스릅다 (сирипда - лик) - ёшлик

3. -하-: 깨끗하다 (кекитхада), 부지런하다 (пужиронхада), 조용하다 (чоёнгхада), 튼튼하다 (тинтинхада).
Феълга кўшилиб сифат ясайди.

깨끗하다 - 깨끗 (кекит - тозаламок) + 하다 (хада) - тоза

4. **-다랗-**: 굵다랗다 (куттаракда), 좁다랗다 (чоптаракда), 커다랗다 (кодарахда). Сифатга кўшилиб сифат ясайди. Таржима қилганда ўзбек тилидаги **-гина** аффиксига мос келади.

좁다랗다 – 좁 (чоп-кичик) – 다랗다 (타라하다 - гина) –
키치кина.

Композиция усули 복합어

Ўзбек ва корейс тилларида композиция усули билан қўшма сифатлар ҳосил бўлади. Масалан, ўзбек тилида: *калтафаҳм, соддадил, хомхаёл, софдил, қимматбаҳо, шалпанг қулоқ, жигар ранг, кўк ранг* ва бошқалар.

Қўшма сифатлар ҳам, содда сифатлар каби, даража формаларини қабул қила олади: *калтафаҳм, калтафаҳмроқ, энг калтафаҳм* каби.

Кўшма сифатлар 복합형용사
(покхапхёнёнгса)

1. 명사 (мёнгса - от)+ 형용사 (хёнгёнгса - сифат) (주어 (чүө - эга) + 서술어 (сосуаро - кесим)):

맞나다 – 맞 (мат - таъм) + நா다 (нада - чикмок) – таъм
ЧИКМОК

값싸다, 배부르다, 맛나다, 입바르다.

2. 명사(мёнгса - от) + 형용사 (хёнгёнгса - сифат)
(부사어 (пусао-аниқловчи) + 서술어(сосуаро - кесим)):

눈설다 – 눈 (нун-кўз ёш) + 설다 (солда-аччик) – аччик кўз
ёш

눈설다, 남부끄럽다, 남다르다, 번개같다.

3. 형용사 어간 (хёнгёнгса оган – сифат ўзаги) + 형용사
(хёнгёнгса – сифат): 검푸르다 (компурида – сап-сарик)

곧세다, 검붉다, 검푸르다.

4. 반박어(панпого – такрорий сўзлар): 머나멀다
(монамолда – узок узок).

그는 머나먼 곳에 살아요. (кинин монамон гоме сараё – У
узок узокларда яшайди.).

크나크다, 머나멀다, 검디검다.

3.7. ФЕЪЛ ЯСАЛИШИ 파생동사

Аффиксация усули 파생어

Ўзбек тилида ҳам, корейс тилида ҳам феъл ясовчи аффикслар анча чекланган бўлишига карамай, улар воситасида ясаладиган феъллар жуда кўп. Ўзбек тилида сама феълларнинг асосий қисмини аффиксация усули билан ясалганлари ташкил этади. Шу жиҳатдан феъл ясалишининг бу усули энг маҳсулдор усул ҳисобланади. Лекин корейс тилида феъллар асосан композиция усули билан ясалади.

Аффиксация усули билан ўзбек тилида феъл бўлмаган сўзлардангина феъл ясалади: *иш* — *ишла*, *куч* — *кучай*. Лекин корейс тилида аффиксация усули билан феъл сўз туркумидан феъл ясалади. Аффикслар қўшилиши билан феълнинг ўзлик даражасидан мажҳул даража формасидаги янги сўзлар ясалади. Ҳозирги ўзбек тилидаги **–н**, **–**

ин, -ил аффиксларига мос келадиган аффикслар ёрдамида корейс тилида феъллардан ўзлик ва мажхул даража формасини ясайди. Масалан:

1. **-н, -ин, -ил** аффикси ҳозирги ўзбек тилида ўзлик ва мажхул даража формасини яшаш учун хизмат қилади (*кўрин* — ўзлик даража, *олинди* — мажхул даража). *Ёзди* — *ёзилди*, *танлади* — *танланди*, *еди* — *ейилди* ва бошқалар. 쓰이다 (сиида - ёзилди), 막히다 (макҳида - ёпилди), 잘리다 (чаллида - чалинди), 빼앗기다 (пеаткида - танланди).

Ҳозирги ўзбек тилида феъллар қуйидаги аффикс ёрдамида ясалади:

-ла. Бу аффикс феъл ясовчилар ичида энг маҳсулдори бўлиб, феълдан бошқа барча туркумга оид сўзлардан феъл ясай олади (*силтала*, *опичла* каби феъллардаги –ла аффикси билан қориштирмаслик керак).

1. Унинг ёрдамида отлардан ясалган феъллар асосан қуйидаги маъноларни билдиради:

1) асосдан англашилган нарсаларга эга ҳолатли қилиш маъносини: *ўғит+ла*, *мой+ла*, *бетон+ла*;

2) асбоб-қурол билдирувчи отларга қўшилганда, ишни шу асбоб воситасида бажариш маъносини: *ранда+ла*, *қайчи+ла*, *арра+ла*, *эзов+ла*;

3) асосдан англашилган нарсаларга юзага келтириш (пайдо қилиш) маъносини: *уруғ+ла*, *мозор+ла*, *бола+ла* каби.

2. Сифат ва равишлардан **-ла** аффикси ёрдамида ясалган феълларда асосан англашилган ҳолатга эга қилиш, шу ҳолатга киритиш маънолари ифодаланади: *тик+ла*, *текис+ла*, *силлиқ+ла*, *секин+ла*, *тез+ла*, *тоза+ла*, *яхши+ла*, *думалоқ+ла*, *тўғри+ла*.

3. Ундовлардан **-ла** аффикси билан ясалган феъллар шу ундовга хос ҳис-ҳаяжон, буйруқ-хитоб, мурожаат кабиларни бажариш маъносини ифодалайди. Бундай феъллар ўз семантик хусусиятларига кўра нутқ феълларига яқин туради. Шу жиҳатдан **-ла** аффикси маълум даражада «демоқ» феъли билан маънодошдир. Қиёсланг, *додламоқ* (дод

демоқ), *войвойламоқ* (вой-вой демоқ), *чуҳламоқ* (чуҳ демоқ), *ҳиҳиламоқ* (ҳи-ҳи де-моқ).

4. Таклид сўзлардан **–ла** аффикси ёрдамида ясалган феълларда таклид- сўз англатган товуш ёки бирор ҳолатнинг юз бериши маъноси ифодаланади: *шитирламоқ* (шитир этмоқ), *гумбурламоқ* (гумбур этмоқ), *лапангламоқ* (лапанг-лапанг этмоқ). Бундай феълларда ҳам, одатда, таклид сўздан англашилган товуш, образ ва ш.к. такрор ҳолда бажарилади.

Ясама феъллар 파생동사

Корейс тилида аффиксация усули билан асосан феълнинг мажҳул нисбат формаси ясалади. қуйидаги аффиксларнинг барчаси мажҳул нисбат феълларини ясайди.

2. –*이/히/리/기*:-: *쓰이다* (сиида - ёзилди), *막히다* (макҳида - ёпилди), *잘리다* (чаллида - чалинди), *빼앗기다* (пеаткида - танланди).

3. – *이/히/리/기/애/우/구/추*:-: *먹이다* (могида - ейилди), *울리다* (уллида - йиғлатди), *웃기다* (уткида - кулдирди), *엎애다* (опседа- йўқолди), *지우다* (чиуда - учирилди).

4. –*거리*:-: *덜렁거리다* (доллонгкорида – олиб ташланди), *덤벼거리다* (домпонгкорида – йиғиб олинди).

5. –*이*:-: *끄덕이다* (кидокида), *깜박이다* (кимпакида), *뒤척이다* (движикида), *서성이다* (сосонгида).

Композиция усули 복합어

Ўзбек ва корейс тилларида бу усул билан қўшма феъллар ясалади.

Қўшма феъллар компонентларининг қайси туркумга оидлигига кўра икки асосий турга бўлинади:

1. *от+феъл* типдаги (феъл бўлмаган сўз билан феълнинг бирикишидан ҳосил бўлган) қўшма феъллар;

2. *феъл + феъл* типдаги (икки феълнинг ўзаро бирикишидан ҳосил бўлган) қўшма феъллар.

Ўзбек тилида от+феъл типдаги кўшма феълларнинг кўпгина қисмини қилмоқ, айламоқ, этмоқ ёки бўлмоқ феълларининг бирикишидан ҳосил бўлган баён қилмоқ, каишф этмоқ, касал бўлмоқ типдаги бирикувлар ташкил этади.

Ўзбек тилида икки феълнинг ўзаро бирикишидан ҳосил бўлувчи кўшма феъллар у қадар кўп эмас. Улар ҳам ўз таркибидаги компонентлари маъносидан фарқли бўлган янги маъно ифодалайди: олиб келмоқ, сотиб олмоқ каби.

Корейс тилида ҳам от+феъл типдаги кўшма феъллар мавжуд, лекин корейс тилида айнан бир феъл эмас балки ҳар хил феъллар ишлатилади ва улар қўшилиб ёзилади.

Кўшма феъл 복합동사 (покхапдонгса)

1. 명사 (мёнгса - от) + 동사 (донгса - феъл) (주어 (чуо - эга) + 서술어 (сосуро - кесим)):

빛나다 (питнада) – 빛 (пит - кун) + 나다 (нада - чиқмоқ)
– кун чиқмоқ (эга + кесим)

힘들다 (химдилда), 빛나다 (питнада), 겹나다 (комнада),
명들다 (монгдилда).

2. 명사 (мёнгса - от) + 동사 (донгса - феъл) (목적어 (мокчого - тўлдирувчи) + 서술어 (сосуро - кесим)):

힘쓰다 (химсида) – 힘 (хим - куч) + 쓰다 (сида - ишлатмоқ) – куч ишлатмоқ (тўлдирувчи+кесим)

본받다 (понпада), 힘쓰다 (химсида), 등지다 (дингчида),
선보다 (сонпода), 아우보다 (аупода).

3. 명사(мёнгса - от) + 동사 (донгса - феъл) (부사어 (пусао - аниқловчи) + 서술어 (сосуро - кесим)):

앞서다 (апсода) – 앞 (ап – олдин, тик) + 서다 (сода - турмоқ) – тик турмоқ (олдинда турмоқ). (аниқловчи+кесим)

앞서다 (апсода), 뒤서다 (двисода), 마을가다 (маилкада),
거울삼다 (коулсамда)

4. 동사의 활용형 (донгсаэ хвалёнхёнг – феъл ўзаги) +
동사 (донгса - феъл):

돌아가다 (доракада) – 돌아 (дора – қайтмоқ феълнинг
ўзаги) + 가다 (када - кетмоқ) – қайтиб кетмоқ

돌아가다 (доракада), 갈아입다 (караипда), 알아듣다
(арадидда), 파고들다 (пагодилда), 타고나다 (тагонада).

5. 부사 (пуса - равиш) + 동사 (донгса – феъл):

그만두다 (кимантуда) – 그만 (киман - жимлик) + 두다
(туда - сақламоқ) – жимлик сақламоқ (ҳол + кесим)

가로막다 (каромакда), 잘되다 (чалдvida), 그만두다
(кимантуда).

3.8. РАВИШ ЯСАЛИШИ ПАСЕНБУСА

Аффиксация усули ПАСЕН

Ўзбек ва корейс тилларида равиш ясалиши умуман бошқа-бошқа йўналишлардан борган десак адашмаган бўламиз. Ҳар иккала тилда ҳам аффиксация ва композиция усуллари қўлланилган, лекин уларда ўхшаш томонлари умуман йўқ. Шунинг учун, ҳар иккала тилни алоҳида кўриб чиқамиз.

Ўзбек тилида **-ча** аффикси феълдан бошқа деярли барча туркумга оид сўзлардан равиш ясай олади: *яхшилик+ча, хотин-ча, бун+ча* каби.

Худди шунингдек, **-ча** аффикси сифатлардан ҳам равиш ясайди (*айёрча* каби). Лекин бу ҳолда ҳам сифатларнинг бирор туридан маъно жиҳатдан системалилик характериға эға бўлган равишлар ясай олмайди. Худди ана шу сабабларға кўра **-ча** аффикси ёрдамида ясалган равишлар

семантик жиҳатдан умумий турга бирлашмай, бир неча турга мансуб бўлади *яширинча* (тарз равиши), *бутунича* (микдор-даража равиши), *вақтинча* (пайт равиши) ва Ҳ.

-ларча аффикси белги билдирувчи сўзлардан ҳам равиш ясайди. Бундай сўзлар, биринчидан, фақат шахсга хос белги, хусусиятни ифодалайди. Иккинчидан, улар белги ифодаловчи (яъни сифат) тарзида эмас, балки шу белги, хусусият эгасини билдирувчи асос сифатида— предметлик (от) маъносида қатнашади: *мард+ларча*, *нодон+ларча*, *сурбет+ларча*, *дўст+лар-ча*, *биродар+ларча*, *ёвуз+ларча*, *ваҳший+ларча*, *ўртоқ+ларча* каби.

-часига. Бу аффикс шахс отларига қўшилиб, ҳаракат-ҳолатнинг асосдан англашилган маънога хос усул билан бажарилишини англатувчи равиш ясайди: *деҳқон+часига*, *мард+часига*, *тентак+часига* каби.. Демак, бунда асос предмет (нарсa) билдирувчи бўлса-да, лекин унда белги маъноси устун.

-ан. Бу аффикс араб тилидан кирган санокли сўзлардангина равиш ясайди: *мажбур+ан*, *қиёс+ан*, *мазмун+ан*, *мантиқ+ан*, *тахмин+ан*, *тасодиф+ан*, *тақлид+ан*, *виждон+ан* каби:

Булардан ташқари, макон келишиклари формаларидан бирида равишга кўчган сўзлар ҳам анчагина учрайди: *азалдан*, *тубдан*, *янгидан*, *қўққисдан*, *тўсатдан*, *бошқатдан*, *бирдан*, *бирга*, *бекорга*, *бошда*, *қунда*, *ниҳоятда*, *одатда*.

Ясама равишлар 파생부사

1. -ㅓ: *같이* (кати - бирга), *많이* (мани - кўп), *높이* (нопи - баланд), *고이* (кои - умуман), *바빠* (папи - баъзан).

저는 오늘은 많이 바빠요. (чонин онирин **мани** *напаё* – мен бугун **жудаям** бандман.);

2. –히: 천천히 (чочонхи – аста-секин), 쓸쓸히 (силсилхи-жимжитлик), 조용히 (чоёнгхи – жим), 부지런히 (пужиронли – меҳнатли).

아이들이 조용히 앉고 있어요. (аидири чоёнгхи анжго иссоё – болалар жим ўтиришибди.);

3. –로: 진실로 (чиншилло – чиндан), 대대로 (тедеро – умуман).

저는 진실로 당신을 믿습니다. (чонин чиншилло тангшинил мидсимнида – мен чиндан сенга ишонаяпман.);

4. –오/우: 너무 (ному – жуда), 자주 (чажу – тез).

안바르는 이 책을 자주 읽어요. (Анварининг и чегил чажу илгоё – Анвар бу китобни тез тез (часто) ўқийди).

Ҳозирги корейс тилида равишлар турли сўз туркумлари от, сифат, тақлидий сўзлардан аффиксация йўли билан ясалади. Булар:

1. Отга қўшилиб равиш ясайди – 자연히, 정말로, 진실로.
2. Сифатга қўшилиб равиш ясайди – 많이, 멀리, 빨리, 같이.
3. Тақлидий сўзлардан равиш ясалади - 천천히, 쓸쓸히, 넉넉히

Композиция усули

Ўзбек ва корейс тилларида композиция усули билан қўшма равишлар ҳосил бўлади. Ўзбек тилида қўшма равишлар асосан мустақил маъноли лексемаларни қўшиш орқали ясалади. Қўшма равишларнинг ясалишида айрим сўзлар актив рол ўйнайди. Булар:

1. **Хар, ҳеч** сўзлари: *хар доим, ҳар вақт, ҳар қачон, ҳеч вақт, ҳеч қачон;*

2. Кўпгина қўшма равишлар бир сўзининг иштироки билан ясалади:
бир оз, бир нафас, бир вақт, бир йўла, бирпас, бирмунча, бир қанча.

Корейс тилида қўшма равишлар қуйидаги усуллар билан ясалади:

Қўшма равишлар 복합부사

1. 명사 (мёнгса - от) + 명사 (мёнгса - от): 밤낮
 (памнат), 오늘날 (онилнал), 여기저기 (ёгичоги).

밤낮 (памнат) – 밤 (пам- кеча) + 낮 (нат - кундуз) – кеча кундуз.

2. 관형사 (кванхёнгса - аниқловчи) + 명사 (мёнгса - от): 한바탕 (ханпатанг), 한층 (ханчинг), 요즈음 (ёжиим).

요즈음 (ёжиим) – 요즈 (ёжи-шу) – 으 (им - вақт) – шу вақтлардаб шу кунларда

3. 부사 (пуса - равиш) + 부사 (пуса - равиш): 곧잘
 (кодчал), 잘못 (чалмот), 점더 (чомдо).

점더 (чомдо) – 점 (чом - озгина) + 더 (до - яна) – яна озгина;

4. 반복어 (панбого - тақлидий сўз): 오래오래 (ореоре - кимқачон), 소곤소곤 (согонсогон – эс-эс), 반짝반짝 (панчакпанчак – ялт-юлт).

Боб бўйича хулоса

Келтирилганларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, сўз ясалиш типи ясама сўз мақомидаги луғавий бирликлар замирида ўз ифодасини топадиган типик формал ва семантик структур барқарорликни намоён этувчи интегратив механизм бўлиб, айнан ана шундай типик механизмлар туфайли лексик деривация жараёни бевосита тилда содир бўлувчи ходиса мақомига эга бўлади. Шунинг учун ҳам сўз ясалиш типи лексик деривацион тизимини белгилашда марказий восита сифатида хизмат қилади. Бироқ, шу ўринда таъкидлаш лозимки, сўз ясалиш типи

асосида кузатиладиган тизимли муносабат сўз ясалишига хос умумий тизимини эмас, балки умумий тизим таркибида амал қилувчи мкротизимларни тақозо этади. Зотан, сўз ясалишига хос изчилликни таъминловчи бу каби интегратив механизмлар замирида формал-семантик муштарклик асосида муайян бир узвийликка эга бўладиган ясама сўзлар парадигмаси ётади.

Умумий хулосалар

Сўзнинг морфологик таркибини тадқиқ этилишига доир дастлабки изланишлар қадимги ҳинд тилшунослигида кўзга ташланади. Туркийшуносликда эса Маҳмуд Кошғарий томонидан олиб борилган тадқиқотлар мисолида ана шундай изланиш натижаларини кўриш мумкин. Европа тилшунослигида бу масала тавсифи В. фон Гумбольдт меросида тил формаси ва унинг аналогик табиатига доир қарашларида, Ф. де Соссюр ижодида эса синтагма ва аналогия ҳақидаги фикрларида ўз ифодасини топади. Рус тилшунослигида сўз ясалиши мустақил сўзларнинг формал белгили ва бундай белгига эга бўлмаган турларга ажратилиши билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилинади. Корейс тилининг тарихида бу масала тавсифи хитой ва япон манъаларида ўз аксини топади.

Айнан ана шундай илмий изланишлар туфайли ўтган асрнинг бошларига келиб, И.А. Бодуэна де Куртенэ томонидан сўз таркибини ташкил этувчи формал элементлар, яъни морфемалар фарқланади. Сўз структурасини ташкил этувчи элементларни морфемаларга ажратилиши сўзнинг морфологик структурасини ўрганишда ўзига хос туб бурилиш ясади, десак муболаға бўлмайди. Зотан, ушбу термин атрофида олиб борилган илмий тадқиқотлар туфайли морфемаларнинг эркин ва боғлиқ турлари, шунингдек, аффиксал морфемаларнинг сўз ясовчи, сўз ўзгартирувчи ва форма ясовчи каби функционал типлари фарқланди. Ана шу асосда замонавий тилшуносликда сўз ясовчи воситалар, бошқа морфологик ҳодисалардан фарқли равишда, тилнинг лексик тизимини бойитувчи алоҳида бирликлар эканлиги ҳақида хулосалар юзага кела бошлади.

Ушбу мулоҳазалардан келиб чиқиб, сўз ясалишининг тадқиқот тарихини белгилаш мумкин. Хусусан, тил тарихининг энг қадимги даврларидан ўтган асрнинг бошларигача бўлган даврни морфологик босқич сифатида ажратиш ўринли бўлади. Чунки бу даврда сўз ясалишига

доир илмий изланишлар асосан сўзнинг морфқологик структурасини текшириш мақсади билан боғлиқ ҳолда амалга оширилган.

Сўз ясалишининг иккинчи босқичи ўтган асрнинг бошларидан сўнгги чорагигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврни шартли равишда формал-семантик босқич деб белгилаш мумкин. Чунки бу босқичда сўз ясалишининг алоҳида соҳа сифатида ажратилишига эришилган бўлса ҳам, олиб борилган илмий изланишлар асосан, ясама сўзларнинг формал – семантик белгиларига таяниб таҳлил қилинади. Бошқча қилиб айтганда, сўз ясалишининг ривожини учун пойдевор вазифасини ўтаган тарихий морфологик таҳлил усули ясама сўз ва умуман, лисоний дериватлар таҳлилида ўз устуворлигини сақлаб қолади.

Сўз ясалишининг янги босқичини деривацион ёндашув номи билан фарқлаш мумкин. Чунки бу босқичда амалга оширилган илмий изланишларда ясалиш ҳодисаларига деривацион тамойиллар асосида ёндашилгани боис, мазкур ҳодисанинг ички таркибига кўра сўз ясалиши, маъно ясалиши каби турларга ажратган ҳолда тадқиқ этиш асосий мақсад қилиб қўйилади. Ўз навбатида, бу икки ҳодисанинг бирлиги лисоний деривация термини остида бирлаштирилади.

Сўз ясалиши ва умуман, деривацион ҳодисалар, аввало, номинатив эҳтиёжни қондириш учун хизмат қилади. Бу эҳтиёж эса ҳар доим ҳам ясама сўз мақомидаги бирликлар ҳисобигагина қондирилмайди. Зеро, сўз ясалиши билан бир қаторда, семантик деривация ҳодисаси ҳам ана шундай эҳтиёж учун хизмат қилади. Айнан ана шу омиллар тилшуносликда ясалиш, шаклланиш ҳодисаларини ўрганишда сўз ясалишига нисбатан кенгроқ қамровли деривацион тамойилнинг татбиқ этиш заруратини келтириб чиқарди.

Деривацион ҳодисалар ўзининг вужудга келиш манбаидан қатъий назар, статик ва динамик асосда воқеланади. Айнан ана шу хусусият деривацион ҳодисаларнинг лисоний ва нутқий типларини фарқлаш учун асос қилиб олинди. Нутқий деривация лисоний деривациядан фарқли

равишда динамик характерлидир. Лисоний деривацияга хос статик асос эса бу турдаги дериватларни ҳосил бўлишида иштирок этадиган элементлар комбинациясининг парадигматик талаб асосида воқеланишини тақозо этади. Шунинг учун ҳам, нутқий деривацияга нисбатан, лисоний деривацияда аналогиянинг таъсирини аниқроқ илғаш мумкин.

Шунинг билан бир қаторда, бу типдаги деривацион ҳодисалар тил бирликларининг иерархик муносабатига кўра, бевосита ва билвосита ясалишни ўзида акс эттиради. Бевосита ясалиш қуйи сатҳ бирликларнинг синтагматик комбинацияси асосида ўзидан юқори турувчи сатҳ бирликларнинг вужудга келишига асосланади. Ана шунга монанд равишда, бу типдаги ясалиш орқали асос+формант модели (линияли модел) ўз ифодасини топади. Айнан ана шу хусусият сўз ясалиши терминининг ўта тор маънода, яъни морфологик асосли лексик дериватларга нисбатан қўлланиши учун асос бўлади.

Билвосита ясалиш эса, турли ҳажмдаги тил ва нутқ бирликларининг десубординатив иерархияси асосида тилга кўчишини тақозо этади. Бу турдаги деривацияни вужудга келтирувчи асосий восита транспозиция бўлиб, бу ҳодиса, биринчидан, нутқ бирликларининг тил бирлигига кўчиши учун, иккинчидан, асос структураларининг туркумлараро кўчиши учун ва ниҳоят, турли семантик майдонларнинг ўзаро кесишуви учун қулай имконият яратади. Билвосита ясалиш махсулларининг аксарият қисмини семантик дериватлар ташкил қилади. Шунинг билан бир қаторда, бу дериватлар лингвистик ва экстралингвистик омиллар таъсирида вужудга келишига кўра, грамматик-семантик, лексик-семантик ва семантик каби ички гуруҳларга ажратилади. Санаб ўтилган бу хусусиятлар лисоний деривация бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўлами анча кенг эканлигидан далолат беради.

Ишнинг асосий ўрганиш объектини лексик дериватлар ташкил қилади. Лексик дериватларнинг воқеланишида эса сўз ясалиш типлари инсон хотирасида яшайдиган аналогик механизмни тақозо этади. Чунки

сўз яшаш жараёни туб моҳиятига кўра андозавий изчилликка асосланади. Масалан, ўзбек тилида ясама отлар Асос + чи, **лик**, **-чилик**, **-зор**, **-паз**, **-дош** каби аналогияни ўзида акс эттирса, корейс тилида ҳам худди шундай аналогик қонуниятни асос+ 이, -개\게, -질, -보, -꾸리기, -쟁이, -자, -사, -수 аффикслари воситасида ясалган отлар мисолида кузатиш мумкин.

Бундан келиб чиқадики, лексик дериватлар ҳар доим структуралар оиласи, типлар системаси орқали намоён бўлади. Бошқа томондан эса, мазкур системалар тушунчалар оламидаги нарса, белги, ҳаракат кабилар билан боғлиқ ҳолда ўзига хос категорияларни ташкил қилади. Агарда сўзларда ана шундай типлар тизими у ёки бу аниқликда намоён бўлмаганда, тилнинг барқарорлиги билан боғлиқ моҳият ҳам рўёбга чиқмаган бўлар эди.

Қайд этилганлардан маълум бўладики, сўз ясалиш типлари лексик деривация жараёнининг системали воқеланишида муҳим асос ҳисобланади. Ана шу асос базасида воқеланувчи лексик дериватларга хос системалилик эса, дериватларнинг ҳам формал, ҳам семантик структурасига хос муштараклик, ассоциотивлик асосида кўзга ташланади. Бошқача қилиб айтганда, сўз ясалиш типи - ясалиши жиҳатидан бир хил бўлган ҳосилаларнинг формал-семантик структурасини акс эттирувчи абстракт схемадир. Мазкур схема а) сўз ясовчи асос мансуб бўлган туркум, б) ясма сўз ва ясовчи ўртасидаги семантик муносабат, в) ясма сўз ва ясовчи ўртасидаги формал муштараклик орқали кўзга ташланади. Масалан, асос + 자 (ча) моделида: 기술+ 자 (санъатчи), 과학+ 자 (-ёзувчи), 학+ 자 (-олим); 기+ 자 (журналист), 노동자 (ишчи), 공급자 (ёрдамчи), 경기자 (ўйинчи), 문학자, 준비자 (адабиётчи), 조정자 (даллол, воситачи), 수출업자 (экспортчи), 거지 (тиланчи), 약탈자 (тиланчи), 탑승자 (йўловчи) каби шахс отлари ясалади.

Келтирилганларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, сўз ясалиш типи ясама сўз мақомидаги луғавий бирликлар замирида ўз ифодасини топадиган типик формал ва семантик структур барқарорликни

намоён этувчи интегратив механизм бўлиб, айнан ана шундай типик механизмлар туфайли лексик деривация жараёни бевосита тилда содир бўлувчи ҳодиса мақомига эга бўлади. Шунинг учун ҳам сўз ясалиш типик лексик деривацион тизимини белгилашда марказий восита сифатида хизмат қилади. Бироқ, шу ўринда таъкидлаш лозимки, сўз ясалиш типик асосида кузатиладиган тизимли муносабат сўз ясалишига хос умумий тизимини эмас, балки умумий тизим таркибида амал қилувчи микротизимларни тақозо этади. Зотан, сўз ясалишига хос изчилликни таъминловчи бу каби интегратив механизмлар замирида фомал-семантик муштарклик асосида муайян бир узвийликка эга бўладиган ясама сўзлар парадигмаси ётади. Бу парадигманинг энг йирик кўриниши у ёки бу сўз тукумига мансуб ясама сўзлар мисолида кўзга ташланадиган бўлса, ундан кўйирокда муайян туркум доирасидаги ички гуруҳлар, масалан, ясама отлар макропарадигмасидаги нарса-буюм, шахс отлари каби ички категорияларнинг концептуал узвийлиги ўз ифодасини топади. Ўз навбатида шах отлари касб-машғулотга кўра фарқланувчи бир неча микорконцептлардан ташкил топиши мумкин. Масалан: *거지* – *тиланчи*, *건축가* – *меъмор*, *вилоят ҳокими* – *지사*, *ўйинчи* – *선수*, *경기자*, *маърузачи* – *대변인*, *대표자*, *тарихчи* – *사가*, *тафтишчи* – *검사관*, *оқсоқол* – *장로*, *가입자* – *қатнашувчи*. Лексик дериватларга хос аналогик механизмларнинг ана шу хусусияти улар воситасида концептуал тизимни ўрганиш имконияти борлигидан далолат беради.

Фойдалинлган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Призеденти И.А.Кримовнинг асарлари:

1. Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. - Т., 2012. 434.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. — Т.:Маънавият, 2008. 176.

II. Илмий асарлар:

1. Беляевская Е.Г. Семантика слова. —М., 1987. 128.
2. Березин Ф.М. История лингвистических учений. —М., 1975. 304.
3. Блумфилд Л. Язык — М.: - М.:«Прогресс», 1968. 606.
4. Богушевич Д.Г.Единица функция уровень. К проблеме классификации единиц языка. —М.,1985. 116.
5. Бенвенист Э. Общая лингвистика.-М., 1974. 446.
6. Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил курилиши: таҳлил методлари ва методологияси. - Тошкент, 2007. 274.
7. Васильев Л.М.Современная лингвистическая семантика. -М.,1990. 176.
8. Гумбольдт В. О различии строения человеческих языков и его влиянии на духовное развитие человеческого рода // Хрестоматия по истории языкознания XIX-XX веков. - М.: «Просвещение»,1956. 458.
9. Залевская А.А. Проблемы организации внутреннего лексикона человека. —Калинин,1977. 84.
10. Зенков Г.С. Вопросы теории словообразования. —Фрунзе, 1969.166.
11. Звегинцев В.А. Семасиология. —М., 1957. 323.
12. Кубрякова Е.С. Словообразование // Общее Языкознание. Внутренняя структура языка. - М.: «Наука»,1972. 560.
13. Кубрякова С.Е. Семантика производного слова // Аспекты семантических исследований. — М.: «Наука»,1980. 355.

14. Кубрякова Е.С. Номинативный аспект речевой деятельности. –М.: «Наука», 1986.160.
15. Кубрякова С.Е. Язык и сознание: на пути получения знаний о языке. Части речи с когнитивной точки зрения. Роль языка в познание мира. – М.: «Языки славянской культуры», 2004. 560.
16. Касевич В.Б. Семантика. Синтаксис. Морфология. –М., 1988.
17. Мирзакулов Ш. Ў. Ўзбек тилида сўз ясаиш маъноси ва парадигмаси. АКД. -Самарқанд.1995. 24.
18. Неъматов Ҳ. Сўз ясаиш қолипи, ясалган ва ясама сўз хусусида //Ўзбек тили ва адабиёти.2007.№1. 16-бет.
19. Потебня А.А. Язык чувства и язык мысли // Хрестоматия по истории русского языкознания. – М.: «Высшая школа», 1973. 504.
20. Раҳимов А. Лексик ва семантик деривация муаммолари. –Т.: “Наврўз”. 2011.173.
21. Соссюр. Ф. де. Труды по языкознанию. – М.: «Прогресс», 1977. 691.
22. Соссюр Ф. де. Заметки по общей лингвистике. – М.: «Прогресс»,1990. 261.
23. Смирницкий А.И. Лексикология английского языка.- М.: Литература на иностранных языках, 1956.255.
24. Соболева П.А. Словообразовательная полисемия и омонимия. –М.,1980. 282.
25. Шарадзенидзе Г.С. Лингвистическая теория И.А. Бодуэна де Куртенэ и её место в языкознании в 19-20 в.в. –М.,1980. 236.
26. Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги.-Т.: «Фан», 1977. 153.
27. Ғуломов А. Сўз ясаиши. Ўзбек тили грамматикаси. 1-том. - Т.: «Фан»,1975. 602.

28. Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясаиш тизими.-Т., 2007.145.

III. Илмий журнал ва тўплам мақолалари:

29. Жаналина Л.К. Словообразовательное значение с позиций интегративного подхода // Филологические науки. 2004. №4. –С.67-86.
30. Кодухов В.И. Словообразовательный ярус и словообразовательный модель // В сбор.: Актуальные проблемы русского словообразования.-Т.,1978.

IV. Дарслик ва ўқув қўлланмалар:

31. Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. -М., 1959. 345.
32. Арбекова Т.И. Лексикология английского языка.- М.,1977.
33. Бердиалиев А. Ўзбек тили синтактик парадигматикаси асослари.-Т.,1991.
34. Головин Б.Н. Введение в языкознание. -М.,1977. 416.
35. Земская Е.А.Современный русский язык.Словообразование.– М., 1973. 304.
36. Кононов А. Н. Грамматика узбекского языка –Т.,1948. 273.
37. Кодухов В.И. Общее языкознание. -М.,1974. 302.
38. Мазур Ю.Н. Грамматика корейского языка. Морфология, словообразование. –М.2004.310.
39. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи.-Т., 2002.224.
40. Нимченко В.Н. Современный русский язык. Словообразование. -М.,1984. 250.
41. Расулов Р. Умумий тилшунослик. –Т., 2010. 327.
42. Решетов В. В. Основы фонетики и грамматики узбекского языка. –Т., 1961.244.

43. Степанов Ю.С. Структура французского языка. –М., 1965.182.
44. Степанов Ю.С. Основы общего языкознания.-М.,1975. 266.
45. Турсунов У., Мухторов Ж., Рахматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.,1975. 258.
46. Улуханов И.С. Словообразовательная семантика в русском языке. –М.,1977.
47. Усмонов С. Умумий тилшунослик. –Т., 1972. 208.
48. Холодович.Х. Грамматика корейского языка. Ч.1.Морфология.-М.,1997. 300.
49. Щербак А. М. Грамматика староузбекского языка. -М-Л.,1962. 380.
50. Ҳожиёв А.Ўзбек тили сўз ясалиши.-Т.,1989. 109.
51. Ҳожиёв А.Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши. - Т.,1979. 123.

V. Луғатлар:

52. Розенталь Д.Э., Тельникова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов. - М.: «Просвещение»,1976. 543.
53. Лингвистический энциклопедический словарь. М.: «Советская энциклопедия» 1990. 685.

VI. Интернет материаллари:

54. Ruslang.edu.ru/files/materials/169. Кросильнекова Л.В. Функциональное словообразование как одна из дисциплин специальности.